

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

ХЎЖАГЕЛДИ АЛИМОВ

Дин

ПСИХОЛОГИЯСИ

Дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Дин психологияси” фанидан бакалаврият таълим йўналиши учун дарслик сифатида тавсия этилган.

Тошкент-2019

УЎК 2-1: 19.9
КБК 86.2

Алимов Хўжагелди

Дин психологияси [матн]: диний-ижтимоий /Х.Алимов. – Тошкент: “Qaqnus Media” МЧЖ 2019. – 172 б.

Мазкур дарслик ижтимоий онгинг муҳим шаклларида бири бўлган диннинг психологик масалалари тадқиқ этилган ишларидан бири бўлиб, унда бой назарий материал асосида дин психологиясининг долзарб муаммолари таҳлил қилинади. Шунингдек, психологик муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилади. Дарсликда дин психологиясининг предмети, вазифалари ва методлари, диний гуруҳлар психологияси, дин психологиясининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи, этиқоднинг психологик хусусиятларининг ривожланиши, диний фанатизм ва унинг психологик хусусиятлари, диний поканиш (катарсис) ва унинг эмоционал ҳолатлар билан боғлиқлиги, медитация, замонавий дунёда диндорлик ривожланишининг асосий тенденциялари, комил инсоннинг шаклланиши тўғрисида батафсил маълумотлар берилади.

Дарслик дин психологияси соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчилар, психолог, социолог, диншунос, исломшунос олимлар, умуман дин психологиясига қизиқиш билдирадиган кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 21 январдаги 619-сонли
хулосаси асосида тайёрланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186 – сонли буйруғига
асосан нашрга тавсия этилган.**

ISBN 978-9943-6125-6-3

Qaqnus Media” МЧЖ 2019
Хўжагелди Алимов 2019

КИРИШ

Дин билан инсон психологияси ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисидаги маълумотлар азалдан инсониятга маълум эди. Ҳатто мазкур алоқанинг айрим жиҳатлари тўғрисида тадқиқотлар ҳам ўтказилган. Бироқ дин билан инсон психологияси ўртасидаги алоқаларни комплекс ҳолда тадқиқ қилиш амалда бўлмаган. Бир томондан диннинг жуда қадимийлиги, иккинчи томондан психология фанининг ҳам бир неча асрдан бери алоҳида фан тармоғи сифатида мавжудлиги бундай ҳолатни келтириб чиқармаслиги лозим эди. Бироқ бундай ҳолатни келтириб чиқарадиган бир қанча сабаблар мавжудки, уларга тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ.

Диннинг келиб чиқишига нисбатан турли хил қарашлар мавжуд. Баъзилар дин ибтидоий одамларнинг табиат ҳодисаларидан қўрқуви ва инсоннинг ўзини англаши жараёнининг мураккаблиги натижасида пайдо бўлди, дейишган бўлишсалар, бошқалар эса дин Олий Яратувчининг ўзи яратиб қўйган бандаларига юборган қўлланма-кўрсатмаси, дейишди.

Қолаверса, психология фанининг ичидаги динни тадқиқ қилишни қийинлаштирувчи методологик муаммоларнинг мавжудлиги ҳам дин психологиясининг тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Диний ҳодисаларни ўрганишда “психика”, “руҳ”, “нафс”, “жон” сингари атамаларга нисбатан таърифларнинг турли хиллиги психология фанининг предмети масаласида ҳар хил фикрларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу пайтгача илмий психологик методлар деб аталган методик арсеналнинг диний феноменларни ўрганишга тадбиқ қилишдаги муаммолар ҳам муҳим методологик муаммолар сирасига киради.

Яна бир сабабни қуйидагича изоҳласа бўлади: маълумки, трансперсонал психология амалий психотерапияда кенг қўлланилади ва бу йўналишда бир талай ижобий натижалар қўлга киритилган. Бироқ бу йўналиш академик доираларда тан олинмайди, яъни дин масаласида амалий психология ва назарий психологиянинг қарашлари турли хиллиги ҳам бу фан тараққиётига тўсиқ бўлаётган сабаблардан биридир.

Қисқаси, дин билан инсон психологияси алоқаси натижаси ўлароқ дунёга келган “Дин психологияси” фани бир қанча муаммолар

таъсирида ривожланмай келаётган эди. Бироқ диннинг инсоният сиёсий ва маънавий ҳаётидаги роли кескин ортиб кетаётган замонда бу фанга нисбатан эътибор кучаймоқда, уни ривожлантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Бир қарашда диннинг ҳам, психологиянинг ҳам тадқиқот ва таъсир қилиш объекти битта – инсон. Шундай бўлса-да, улар турли хил ғоявий қутбларда жойлашган ва маълум маънода бир бири билан рақобатлашади. Масалан, сўнги пайтларда психотерапиянинг жамиятга кўрсатаётган таъсири илгарилари диннинг жамиятга кўрсатган таъсирига ҳамоҳанг. Дин ҳам инсон психологиясининг нозик нуқталарини кўпроқ билишлиги билан жамият олдидаги ўз вазифасини янада самаралироқ бажариши аниқ. Шу нуқтаи назардан уларни бир-бирига қарама-қарша қўйиш йўлидан бир-бирини тўлдирувчи унсурлар сифатида қараш йўлига ўтиш пайти етиб келди. Бу ишни “Дин психологияси” деб аталган фан бажаради.

Ҳозирги жамиятда инсонга нисбатан психологик ва диний таъсирлар турли хил шаклларининг синтезини кузатса бўлади. Бу ҳам дин психологиясининг истиқболини белгилаб берувчи ҳолатлардан биридир.

Мустақиллик шарофати билан диний масалаларда олиб борилаётган ишларимизга кенг йўл очилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг 1919 йил бошида Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай деди: “Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас”.¹ Президентимиз айтган “одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар” бевосита ислом динимиз ва психология ғоялари билан муштарак.

Маълумки, дин психологияси муаммолари бўйича бир қанча илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали шу пайтгача дин психологияси асосий муаммоларининг тизимли илмий тадқиқи етарли даражада ташкил этилмаган. Ҳаётда эса бу эҳтиёжнинг пайдо бўлганига анча бўлди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 1919 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Ушбу дарсликнинг диққат марказида дин психологиясининг назарий, методологик масалаларини ёритиш турибди. “Дин психологияси” фани тараққиётининг бугунги босқичида бундай ёндашувни оқласа бўлади. Мамлакатимизда дин психологияси муаммоларини эмпирик тадқиқ қилиш эндигина бошланаётган бир пайтда методологик масалаларни ҳал этиш бу фаннинг келажакдаги тараққиётини белгилаб берадиган йўналишдир.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб қарайиб юз йиллик эволюцион даврда дин психологияси қатор муҳим масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, катта эмпирик материал тўплади, диндорлар шахсини конкрет ижтимоий-психологик тадқиқ этишнинг кўплаб методлари ва процедураларини ишлаб чиқди.

Маълумки, дин психологияси иккита асосий функцияга эга: ғоявий (назарий) ва утилитар (амалий). Бу фаннинг биринчи функциясига кўра, психологик нуқтаи назардан туриб алоҳида шахс учун, умуман жамият учун диннинг зарурлиги назарий жиҳатдан тушунтирилади. Бу жиҳатдан дин психологияси диншунослик, дин фалсафаси сингари фанларнинг функцияларига яқин боради.

Дин психологиясининг утилитар, яъни амалий функцияси қуйидаги масалаларни ҳал этиши билан характерланади: эмпирик тадқиқотлар ёрдамида диний ташкилотларга аҳоли диний эътиқодининг мазмуни тўғрисида маълумотлар бериш; қандай диний асотирлар ва қоидаларнинг аҳоли томонидан қабул қилинаётганлиги ёки инкор этилаётганлиги тўғрисида маълумот йиғиш; турли хил ижтимоий ва демографик гуруҳлар ўртасидаги диний эътиқоднинг интенсивлиги ва чуқурлигини аниқлаш; одамларнинг диний маросимларда иштирокининг миқдорини ва уларнинг одамлар психикасига таъсири даражасини ўрганиш; одамларнинг диний қадриятларга, ўзга диний институтларга муносабатини текшириш ва ҳ.к. Юқоридаги ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар болалар ва ёшларнинг диний тарбияси самарадорлини оширишда қўлланилади.

Мазкур дарслик психологик феномен ҳисобланган динни яхлит, тизимли асосда кўриб чиқишга асосий эътиборини қаратишлиги билан характерланади. Жумладан, унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- дин психологиясининг методологик муаммолари ва ечимлари;
- дин психологиясининг диний гуруҳлардаги ривожланиши;

- дин психологиясининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи;
- диний эътиқоднинг психологик хусусиятлари ва ривожланиши;
- диний фанатизм ва унинг психологик хусусиятлари;
- диний покланиш (катарсис) ва унинг эмоционал ҳолатлар билан боғлиқлиги;
- динда медитация ва мувоқабат масалалари;
- замонавий дунёда диндорлик ривожланишининг асосий тенденциялари;
- ижтимоий муҳит ва комил инсон шаклланишининг психологик жиҳатлари ва ҳ.к.

Мазкур дарслик “Дин психологияси” фани бўйича ёзилган илк дарслик бўлганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий ва улар учун муаллифнинг узрини қабул қилгайсизлар. Кейинги ишларимизда бу камчиликларни тўғрилашга ҳаракат қиламиз.

Мазкур дарсликнинг ёзилишида ўзларининг илмий ва назарий маслаҳатлари билан бизни қўллаб-қўлтиқлаган устозлар - психология фанлари доктори, профессор Ғ.Б.Шоумаров, психология фанлари доктори, профессор Б.М.Умаров, тарих фанлари доктори, доцент Н.А.Мухамедов ва педагогика фанлари номзоди, доцент З.Ҳ.Қосимоваларга чуқур миннатдорчилигимизни билдирамыз.

I-БОБ. ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИ ТАДҚИҚОТ СОҲАСИ СИФАТИДА ВА УНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

1.1. Дин психологиясининг предмети, вазифалари ва методлари.

1. *Дин психологиясининг предмети, функциялари ва вазифалари.* Фанларнинг пайдо бўлиши икки хил жараён натижаси ўлароқ амалга оширилади: дифференциация ва интеграция. Дифференциация деганда бир фаннинг ичидан янги бир фан соҳасининг ажралиб чиқишига айтилади. Масалан, тиббиёт деб аталган фан соҳасидан “Кардиология” фанининг ажралиб чиқиши. Ёки психология фан соҳасидан “Ёш даврлари психологияси” фанининг пайдо бўлиши. Интеграция деганда эса икки фан соҳасининг қўшилишидан пайдо бўладиган жараёнга айтилади. Масалан, психология фани билан терапия фанининг қўшилишидан “Психотерапия” фани дунёга келган. Ёки геронтология фани билан психология фанининг қўшилишидан “Геронтопсихология” фанининг пайдо бўлган.

Дин психологияси фани интеграция жараёнининг натижаси ўлароқ дунёга келган фан ҳисобланади, яъни диншунослик ва психология фанларининг интеграциясидан, бошқача айтганда, қўшилишидан пайдо бўлган. Бир томонда диншунослик фани ва иккинчи томонда эса психология фани туради. Диншунослик фани динни ўрганадиган фан ҳисобланади. Диннинг ўзига эса қуйидагича таъриф берилади: “Дин табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айна замонда инсонларни тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш, таълимотдир”².

Дин (араб. мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсиниш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва б.³) илоҳиётга нисбатан эътиқодни таъминлаб берадиган қарашларнинг маълум тизими бўлиб, ўзида хулқ-атвор, диний маросим ва урф-

² Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: 2000, .32 б.-4 б.

³ Исломушунослик қомусий луғати. – Т. I. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 272 б.

одатларнинг ахлоқий нормаларини ва типларини мужассамлаштиради ҳамда маълум диний ташкилотда одамларнинг фаолиятини ташкил этади.

Диннинг тузилмасида қуйидаги компонентлар фарқланади:

- диний онг (одатдагидек бўлиши мумкин ва бунда одамнинг илоҳиётга нисбатан шахсий муносабати акс этади; концептуал бўлиши мумкин ва бунда илоҳиёт тўғрисидаги таълимот, турмуш тарзининг нормалари ва ҳ.к. ўз аксини топади);

- диний фаолият (у культ ичида ва култдан ташқарида бўлиши мумкин);

- диний муносабатлар (булар ҳам культ ичида ва култдан ташқарида бўлиши мумкин);

- диний ташкилотлар.

Диннинг пайдо бўлиши тарихи бўйича турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) диний қараш – дин ҳам, унга амал қилиши керак бўлган одам ҳам Аллоҳ таоло томонидан яратилган. Биринчи одам – Одам алайҳиссаломдан то Муҳаммад пайғамбаргача бўлган даврда Аллоҳ таоло ўз фариштаси орқали инсонларга динини тушириб турган. Аллоҳ таоло ўзининг мукамал динини сўнги китоби – Қуръони карим орқали жўнатади. Бу муқаддас каломда инсоният учун хулқ-атвор нормалари ҳам туширилган.

2) иккинчиси илмий қарашлар бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

а) тарихий қараш – дин инсоният тарихий тараққиётининг маҳсули (И.Баховен, Ф.Баур, Э.Ренан);

б) психологик қараш – дин одамнинг психофизиологик функцияси, дунё архетиплари (З.Фрейд, К.Юнг);

в) социологик қараш – дин ижтимоий тараққиётнинг эҳтиёжи томонидан чақирилган ҳодиса (И.Кант, О.Конт, М.Вебер).

г) мифологик қараш – дин атроф дунёни акс эттирувчи мифологик аллегориялар оқибати (М.Мюллер, Ж. Фрейзер);

д) антропологик қараш – динни қўрқув яратган, қўрқувни эса худолар яратган (Демокрит, Б.Спиноза, Л.Фейербах, Э.Тэйлор);

е) марксистик қараш –кузатилаётган табиат ҳодисаларини ақлан тушунтиришда диннинг имкониятининг йўқлиги (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин).

Психология фани эса “ҳаёт фаолиятининг алоҳида шакли бўлган психиканинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши қонуниятлари тўғрисидаги фан”⁴ ҳисобланади. Қуйида психология фанининг келиб чиқишига тааллуқли бўлган фикрларни илгари сураамиз. Чунки мазкур фаннинг предмети диний масалаларга яқин.

Қадимги замонларда кишилар инсон хулқ-атворини келтириб чиқарадиган фикрлари ва истакларининг манбаи ташқи омилларга бориб тақалади, деган ўйда бўлишган. Ибтидоий қариндошларимиз ички руҳий фаолиятимизни тушунишга уринганлар. Уларнинг фикрига кўра, инсон танасида унинг кўриши, эшитиши ва ҳис қилишини таъминлаб турадиган бошқа бир мавжудот бор. Унинг номини турлича атаганлар: руҳ, жон, соя ва ҳ.к. У одам ухлаганда танадан чиқади ва тушларда ўзининг ҳаёт тарзига эга бўлади, деган фикрда бўлганлар. Ўлим ҳолатида эса бу мавжудот оғиз орқали танадан чиқиб кетади ва унга бошқа кирмайди, деб ҳисоблаганлар. Бундай тушунча, масалан, қадимги юнонларда кенг тарқалган эди.

Психология атамасининг келиб чиқишида юнон мифологиясининг ўрни бор. Маълумки, қадимги цивилизациялар турли туман худоларни ўйлаб топган эди. Уларнинг фикрига кўра, қуёш, ой ва бошқа самовий жисмлар сирли қувватга эга ва бу одамларга ўз таъсирини кўрсатади. Улар бу илоҳий қудратга эга бўлган кучлар одамнинг тақдирини белгилаб беради, деган эътиқодда бўлишган.

Психология атамасининг пайдо бўлишида юнон мифологиясининг роли катта. Афродитанинг ўғли Эрот Психея номли гўзал ёш қизни яхши кўриб қолади. Афсуски, Афродита бундан норози бўлади. Чунки маъбудлар қавмидан бўлган унинг ўғли ўз тақдирини оддий бир кун келиб ўладиган ерлик билан боғлашга қарор қилган эди. Афродита Психеяни турли хил синовлардан ўтказди. Бироқ Психеянинг муҳаббати шу даражада кучли ва Эротни кўриш истаги шу даражада юқори эдики, у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Бу ҳолат барча маъбуд ва маъбудаларга кучли таъсир кўрсатади ва улар Психеяга Афродитанинг барча талабларини қондиришига ёрдам беришга қарор қилишади. Эрот бўлса, ўз навбатида юнон мифологиясидаги олий маъбуд Зевсни Психеяни мангу яшайдиган маъбудага

⁴ Большой психологический словарь. - СПб. Прайн - ЕВРОЗНАК, 2004. - 672 с.- 434 с.

айлантиришга кўндиради. Шундай қилиб, севишганлар абадиятга қовушадилар.⁵

Маълумки, “психология” атамаси биринчи марта Аристотелнинг “Метафизика” номли асарида ишлатилади. У “психика” атамасини Психея сўздан олганлиги ривоят қилинади. Психика деганда Аристотель “руҳ”, “жон” деган маънони илгари суради, яъни ғайб олампдан келиб инсон вужудига кирадиган бир борлиқ ва вужуд ўлганда ҳам ўлмайдиган бир субстанция. Психея ҳам олдинга оддий ўладиган ерлик бўлган бўлса, кейинчалик абадиятга дохил бўлиб қолади. Бошқача айтганда, руҳ ҳам Психеяга ўхшаб илоҳий келиб чиқишга эга бўлса-да, вужудда дунёвий сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Айрим олимларнинг фикрича, айнан шу ҳолат Аристотелнинг психология атамасини қўллаганда асосий роль ўйнаган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, психология атамасининг ўзи ҳам, бу фаннинг предмети ҳам у ёки бу даражада диний масалалар билан алоқада экан.

Шундай қилиб, бир томондан психология фани, иккинчи томондан диншунослик фани. Уларнинг қўшилишидан янги фан дунёга келмоқда. Унинг номи дин психологияси. Иккита таълимотнинг қўшилган жойида асосан диний эътиқод туради.

Дин психологияси диний онгнинг хусусиятларини, унинг тузилмасини ва функцияларини таъминлаб берадиган психологик ва ижтимоий психологик омилларни ўрганадиган психология фанининг тармоғи ҳисобланади.

“Дин психологияси – диний психологик билимлар соҳаси ва бир вақтнинг ўзида илмий тармоқ бўлиб, диний онг фаолиятининг психик расмийлаштирилиши ҳамда диний муносабатлар фаолиятининг мотивацион таъминланиши билан боғлиқ комплекс муаммоларни тадқиқ қилади”.⁶

Дин психологияси предмети масаласида М.Маматовнинг қуйидаги гаплари айниқса диққатга сазовордир: “Дин психологияси фанини диншунослик фани вакиллари ўтиши керакми ёки психологларми? Бизнинг фикримизча, ҳар иккиси ҳам эмас. Бу фанни ҳар икки фандан хабардор бўлган мутахассис ўқиши лозим. Зеро бу

⁵ Годфруа Дж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – 376 с. - 201-бет.

⁶ Бачинин В.А. Психология. Энциклопедический словарь. – СПб: Из-во Михайлова В.А., 2005. – 272 с. – 123-бет. – 171-бет.

фаннинг **объектини** инсон руҳияти, диний гуруҳлар ва ташкилотлар, диний эътиқод ва амаллар ташкил этади. **Предметига** эса диннинг руҳий феномен сифатида инсон қалби, хулқ-атвори, ҳиссиётлар ва тафаккурига таъсири, диний эътиқод каби масалалар киради”.⁷ Биз муаллифнинг фикрига қўшилаемиз. Ҳеч бўлмаганда дин психологиясидан дарс берадиган психолог диний масалаларда компетент бўлмоғи лозим.

Маълумки, “дин психологияси” билан “диний психология” атамалари бир-биридан мазмунан фарқ қилади. Дин психологияси психологик фанлар тизимидаги бир фан тармоғи ҳисобланса, диний психология эса “ижтимоий онг шаклларида бири бўлган, динга тааллуқли ижтимоий ҳодисалар тўплами”⁸дир. Шу нуқтаи назардан диний психологиянинг шаклланиши, тараққиёти ва функциялари қонунларини ўрганиш қуйидаги йўналишларда олиб боради:

1) дин психологиясининг умумий назарияси диний онгнинг мазмуни ва тузилмасини, диний туйғуларнинг ўзига хослигини, шахс ва жамиятнинг маънавий ҳаётида диннинг психологик функцияларини ўрганади;

2) дифференциал дин психологияси конкрет ижтимоий муҳит ва тарихий даврни инобатга олган ҳолда диндорларнинг диний онгини ва диний туйғуларини кўриб чиқади;

3) диний гуруҳлар психологияси диний жамоаларнинг ижтимоий психологик тузилмасини, ўзаро муомала механизмларини ва диндорларнинг онги, туйғулари ва хулқ-атвори таъсирини ўрганади;

4) диний культлар психологияси диний маросимлар ва урф-одатларнинг инсон психикасига таъсирини тадқиқ қилади.

Юқоридаги айтилганлардан дин психологиясининг предметига таъриф берса бўлади. Шундай қилиб, дин психологиясининг предмети шундаки, у индивидуал, гуруҳий ва ижтимоий психологиянинг (эҳтиёжлар, туйғулар, кайфиятлар, анъаналар ва ҳ.к.) диний ҳодисаларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатишининг психологик қонуниятларини, мазкур ҳодисаларнинг мазмуни, тузилмаси, йўналганлигини, диний комплексда уларнинг ўрни ва ролини ҳамда жамият, гуруҳлар, индивиднинг ҳаёт фаолиятининг

⁷ Маматов М.М. Дин психологиясини ўқитишдаги муаммолар. // Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет. – 57-60-бетлар.

⁸ Социальная психология. Краткий очерк. Под. общ. ред. П.Г.Предвечного и Ю.А.Шерковина. М., Политиздат. 1985. – С. 299.

нодиний соҳасига таъсирини ўрганади. Қисқача қилиб айтганда, дин психологияси диний хулқ-атворли, диний тафаккурли ва диний туйғули инсонни ўрганади.

Диннинг психологик назариясини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) диннинг психологик асослари тўғрисидаги таълимот;
- 2) гуруҳга ва шахсга тааллуқли ҳисобланган диний ҳодисалар (хусусиятлар, жараёнлар, ҳолатлар)нинг ўзига хослигини белгиловчи тартиблар тўплами;
- 3) диний-психологик тажрибанинг кўп қирралигини очиш;
- 4) диний фаолият ва муносабатлар (культлар, диний ибодатлар, диндорлар ўртасидаги муомала, уларга таълим-тарбия бериш ва ҳ.)нинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиш;
- 5) динийликни психологик тадқиқ қилиш методикалари.

Дин психологияси асосан учта вазифани бажариш билан шуғилланади:

- 1) умумий диний амалиёт (масалан, диний маросимлар, урф-одатлар) объектлари сифатида қабул қилинган объектларни тадқиқ этиш;
- 2) диний феноменларнинг пайдо бўлиш психологиясини тушунтириш;
- 3) мазкур феноменларнинг алоҳида олинган бир шахсга ва бутун жамиятга таъсирини ўрганиш.

Ижтимоий ҳодиса сифатда диннинг бир қанча социал-психологик функциялари мавжуд. Буларга коммуникатив, регулятив, интерактив, психотерапевтик ва гносеологик функциялари киради.

1. Диннинг коммуникатив функцияси инсонларнинг диний муносабатлари асосида ўзаро психологик, социал-психологик, эмоционал муносабатларга киришиши, ахборотлар алмашишини таъминлашдан иборатдир.

2. Регулятив функция ўзаро муносабатга киришувчилар, суҳбатдошлар хулқ-атворини, эмоционал кечинмаларини эътиқодлар, диний нормалар асосида муайян даражада тартибга солиб туриш вазифасини бажаради. Бунда диний қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, удум ва маросимлар шахслараро муносабатларни бошқаришда иштирок этади.

3. Диннинг интерактив функциясига муносабат ва муомалага кирувчиларнинг бир-бирларига таъсир этиши, тақлид қилиши,

таъсирланиши, хулқ-атворини ўзгартириши каби руҳий ва ҳиссий ҳолат ҳамда жараёнлар киради.

4. Гносеологик функция эса динни, унинг тарихини, диний билимларнинг вужудга келишидаги социал-психологик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборатдир.

5. Психотерапевтик функцияда диний амалларни бажариш билан боғлиқ равишда диндорда вужудга келадиган тинчланиш, таскин топиш, руҳланиш, фориғланиш (катарсис) каби ҳолат ва кечинмалар назарда тутилади.

2. Дин психологияси тармоқлараро фан соҳаси сифатида. Дин психологияси психологик фанлар тизимида ўз ўрнига эга. Биз қуйида дин психологиясининг психологик фанлар тизимида тутган ўрнига қисқача назар ташлаймиз.

Маълумки, дин психологияси амалда ҳозирги замондаги барча психологик тармоқлар ва йўналишлар билан алоқадор ҳисобланади. Биз улардан айрим муҳимларига қисқача тўхталамиз. Мазкур алоқаларни қуйидаги схема орқали ифодалаймиз.

ижтимоий
психология

этнопсихология

умумий
психология

юримдик
психология

психологик
антропология

иқтисодий
психология

дифференциал
психология

санъат
психологияси

ДИН
ПСИХОЛОГИЯСИ

ёш даврлари
психологияси

ижод
психологияси

педагогик
психология

фан
психологияси

экспериментал
психология

психоллингвистика

тиббий
психология

психология
тарихи

1. Дин психологиясининг **ижтимоий психологик муаммолари** деганда диний гуруҳлар (диний жамоалар, фирқалар, оқимлар)нинг ижтимоий психологик тузилмаси, гуруҳ аъзоларининг муомала, тақлид, установакаларининг механизмлари ва уларнинг диндорлар онгига, ҳис-туйғуларига ва хулқ-атвориға таъсири, шунингдек, жамоавий диний эмоциялари, гуруҳдаги расмий ва норасмий муносабатлар динамикасини ўрганиш назарда тутилади.

2. Дин психологиясининг **умумий психологик муаммолари** психик ҳодисаларнинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кечади. Маълумки, анъанавий ҳолда психик ҳодисаларнинг учта синфи фарқланади: шахснинг психик жараёнлари, психик ҳолатлари ва психик хусусиятлар.

Психик жараёнлар (сезги, идрок, тасаввур, хотира, диққат, хаёл, тафаккур, ирода, ҳис-туйғулар ва ҳ.к.) дин психологияси учун катта материал тўплаб беради. Мазкур материаллар инсонда диний эътиқоднинг шаклланишига сабаб бўлади. Диний туйғулар шахснинг маънавий-руҳий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. Қолаверса, диний ҳисларга берилиш турли хил динларда турли хил кечади. Масалан, тасаввуфда диний туйғулар ва кечинмалар ҳал қилувчи роль ўйнаса, конфуцийликка ўхшаган интеллектуал динларда бу ҳолат камроқ кузатилади. Диний эътиқоднинг мустаҳкамлиги, ибодатлардаги бардавомлик инсоннинг бевосита иродаси билан боғлиқлиги тадқиқотларда ўрганилган.

Психик ҳолатлар тўғрисидаги таълимот дин психологияси билан ҳам туташ нуқталарга эга. Руҳий психик ҳолатлар айниқса тасаввуфда кўзга ташланади. Масалан, сайру сулукни олинг. Тасаввуф йўлига кирган киши сайрда турли туман ҳолатларни (завқ, шавқ, муҳаббат, вайд ва ҳ.к.) бошидан кечиради. Бу ҳолатларнинг ҳар бирини Муршид Муридига тушунтириб беради.

Шахснинг психологик хусусиятлари (темперамент, характер, қобилият, қадрият, установа ва ҳ.к.) дин психологиясида марказий

масалалардан бири ҳисобланади. Диний эътиқод шахснинг муҳим сифати бўлганлиги сабабли юқоридаги шахс хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади, ривожланади. Масалан, баъзи олимлар (Д.Узнадзе, А.Прангишвили ва ҳ.к.) диний эътиқодни установка сифатида талқин этадилар. Маълумки, установка учта компонентдан ташкил топган: когнитив (билиш), эмоционал-ҳиссий ва канитив (хатти-ҳаракатлар). Диний эътиқод ҳам даставвал динни билишдан бошланади. Сўнгра билимлар кучайиб, инсонда маълум диний туйғуларни чақиради. Диний туйғулар эса ўз ўрнида кишини ибодатга бошлайди. Кўриб турганингиздек, инсоннинг диний эътиқоди тегишли жараёнларни бошидан кечира бориб, юксалади, тараққий топади.

3. Дин психологиясининг **психологик антропология бўйича муаммолари** нисбатан янги муаммолар ҳисобланади. Чунки энг қадимги динлардан тортиб сўнги динимизгача бўлган даврларни, таълимотларни психологик жиҳатдан ўрганиш табиийки инсоният психологияси динамикасини тадқиқ қилиш имкониятини беради. Маълумки, динлар қанча эски бўлгани сари одам билан унинг Яратувчиси ўртасига турли-туман воситалар (бутлар, санамлар, одамлар ва ҳ.к.) тушиб қолаверган. Энг ёш ва энг кейинги дин бўлган Ислом асосан Яратувчи билан бандаси ўртасидаги воситаларни олиб ташлади ва Ислом динида Яратувчи билан бандаси ўртасида Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқ. Тавҳиднинг асл маъноси ҳам шунда ётади. Бошқача айтганда, тавҳид бизнинг динимизни ўзга барча динлардан чексиз юксакликка кўтаради. Қисқаси, антропологик материаллар қадимги аждодларимизнинг диний эътиқоди қандай бўлганлиги, Аллоҳга бўлган муносабатининг ўзига хослиги ва ҳ.к.ларни билишимизга хизмат қилади.

4. Дин психологиясининг **дифференциал психологик муаммолари** учта масала билан чамбарчас боғланиб кетган. Биринчидан, дин психологияси диндор шахсларнинг конкрет психологик типологиясини аниқлашга хизмат қилади. Иккинчидан, индивидуал диний тажрибанинг хусусиятларини тадқиқ этади. Учинчидан, дин психологияси эркаклар билан аёлларнинг диний эътиқодидаги гендер психологик фарқларни таҳлил қилади. Юқоридаги учта муаммо ҳам дин психологиясининг ўта долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Мазкур муаммолар қиёсий

антропологик муаммолар ҳамда диний ва маданий хусусиятларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда кечади. Ғарбда машҳур одамларнинг динга нисбатан бўлган муносабатини ўрганишга эътибор қаратилган. Бунда биографик методдан фойдаланилади. Шунингдек, Ғарбда диний эътиқодга нисбатан гендер тадқиқотлар амалга оширилган. Натижада қизиқарли диний психологик қонуният аниқланган: аёллар эркакларга нисбатан диндорроқ бўлишар экан. Холбуки динларнинг асосчилари эркаклар бўлишганлар.

5. Дин психологиясининг **ёш давлари билан боғлиқ муаммолари** биринчи навбатда ёшнинг ўзгаришида диний эътиқоднинг шаклланиши, ривожланиши нуқтаи назаридан туриб тушунтирилади. Диний эътиқоднинг инсон умрининг айнан қайси даврида шакллана бориши, қандай психологик қоидалар асосида ривожланиши, қариллик даврида диний эътиқоднинг сифат жиҳатдан қайта қурилиши ва ҳ.к. масалалар бу ўринда кўриб чиқилади. Маълумки, умр давларининг ортиб бориши билан ёш кризислари ва сензитив давлар бошланади. Шу вақтларда диний эътиқод қандай ўзгаришларга учрайди, деган саволга жавоб ҳам ёш давлари психологиясининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

6. Дин психологиясининг **педагогик психологик муаммолари** диний таълим-тарбия билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Диний таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари, оилада ва мактабда бу жараён қандай амалга оширилиши ва бошқа масалалар долзарб ҳисобланиб, фан уларнинг тадқиқ қилинишини кутмоқда.

Педагогик психологияда “Устоз-шогирд” муносабатларни масаласи ҳам ўрганилади. Тасаввуфдаги “Пир-мурид” муносабатлари чуқур ўрганилган бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлаб берадиган омиллар мукамал ҳолда ишлаб чиқарилган.

7. Дин психологиясининг **экспериментал психологик муаммолари** тоифасига диний эътиқодни бевосита тадқиқ қилиш билан боғлиқ масалалар киради. Диний эътиқод субъектив борлиқ бўлганлиги сабабли уни объектив ҳолда тадқиқ қилиш мураккаб ҳисобланади. Диний эътиқодни нима ёрдамида қандай ўрганиш мумкин? Олинган натижалар қанчалик яроқли ва ишончли? Шунга ўхшаган масалалар дин психологиясида долзарб ҳисобланади.

8. Дин психологиясининг **тиббий-психологик муаммолари** турли хил диний амалиётларда қўлланиладиган психологик усуллар ва

методларни тушунтириш, инсонларни ибодатга бошлайдиган психологик сабабларни аниқлаштириш ва турли хил ботил фирқаларга аъзо бўлиш мақсадларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунга ўхшаган масалалар тиббий психологиянинг тадқиқот объекти ҳисобланади

Баъзи олимлар (З.Фрейд, К.Г.Юнг) тасаввуфдаги ҳолларни тиббий психологик жиҳатдан кўриб чиқишга уринганлар. Уларнинг фикрига кўра, илоҳий муҳаббат гўёки нормал ҳолат эмас экан.

Тиббий психологиянинг олдида ботил диний фирқаларни яхлит ва деталлашган кўринишда ўрганиш, улар томонидан одамлар онгига таъсир кўрсатиш дастурларини тадқиқ қилиш, ботил диний фирқалар таъсирига тушиб қолган кишиларни ижтимоий психологик ва психиатрик реабилитация қилиш зарурати турибди.

9. Дин психологиясининг **этнопсихологик муаммолари** шундаки, аксарият халқлар ўзларининг келиб чиқишини, ўзларининг диний қиёфасини ўзлари эътиқод қўйган динлари билан боғлашади. Бу жараённинг психологик механизмлари ва қонуниятларини кашф этиш, этноснинг ҳар бир аъзоси даражасида бу жараён қандай кечишини асослаш дин психологиясининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Динларнинг жўғрофий жойлашувини ўрганиш ҳам жуда қизиқ масалалардан биридир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

1) Дин психологияси муаммолари Совет Иттифоқи даврида ўта сиёсийлаштирилганлиги ва ғоялаштирилганлиги сабабли кам тадқиқ қилинди. Натижада диннинг психологик муаммолари бартараф этилмай қолди. Мустақиллик шарофати билан бунга чек қўйилди ва дин психологияси ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли сифатида тан олинди ҳамда диннинг психологик муаммоларини объектив ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

2) Совет тузуми даврида ўқув дастурларимиз Ғарб мамлакатларидаги маълумотлар асосида шакллантирилганлиги сабабли бизда асосан Ғарбдаги дин психологияси ўрганилган. Холбуки кўҳна Шарқ, буюк жаҳон динларининг келиб чиқиш макони бўлган Шарқда ҳам дин психологияси юксак даражада ўрганилган. Шарқда психология “илм-ан нафс” деб аталган, инсон билан унинг нафси, яъни ичидаги “Мен”и ўртасидаги мужодалани ўрганади. Дин

психологиясининг Шарқ олимлари ва амалиётчилари томонидан ўрганилганлик тарихи “очилмаган кўриқ” бўлиб ётибди.

3) Жаҳон сиёсатида дин омилининг роли ошиб бориши билан, табиийки, дин психологияси масалаларини тадқиқ қилишга эҳтиёж кучаймоқда. Дин инсонларнинг маънавий-руҳий оламини бошқарувчи омил сифатида айнан психологиянинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур эҳтиёжни қондириш учун психолог олимлар томонидан кўплаб тадқиқотларнинг ўтказилиши, илмий изланишларнинг олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. *Диннинг психологик негизлари.* Диннинг психологик негизларини икки хил жиҳатдан таҳлил қилиш мумкин. Биринчидан, тарихий ёки филогенетик жиҳатдан. Иккинчидан, индивидуал психологик ёки онтогенетик жиҳатдан.

1. Диннинг психологик негизларини тарихий жиҳатдан ўрганиш деганда инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида диннинг психологик негизлари эволюцияси ўрганилиш назарда тутилади. Инсониятнинг психологияси тарихан ўзгарганлиги сабабли диннинг психологик негизларининг мазмуни ҳам, индивидуал онда маълум психик ҳолатларнинг ўрни ҳам, жамиятда уларнинг тарқалиши кенглиги ҳам, уларнинг турғунлиги ҳам ўзгаришларга учрайди. Буларнинг бари бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинишга муҳтож.

Бу йўналишда қандай муаммолар мавжуд? Биринчи муаммо – ибтидоий жамоа тузумида диннинг психологик асослари ва уларнинг илдизлари билан боғлиқ муаммо ҳисобланади. Ибтидоий инсон ҳаётининг ўзига хос шарт-шароитлари унинг психикасида баъзи хусусиятларни шакллантирганки, натижада мазкур хусусиятлар магия, фетишизм, тотемизм сингари диннинг илк шаклларининг пайдо бўлиши ва ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

Шундай қилиб, бир томондан, диннинг психологик илдизи инсон учун тушунарсиз бўлган ҳодисалар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган табиат кучлари олдидаги қўрқув билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, агар ўша давр кишиларига хос бўлган овда ёки жангда омаднинг келишини ва исталган нарсанинг амалга ошишидаги илоҳийликни тушунтирилмаганда, ибтидоий диннинг психологик илдизлари очилмаган бўлар эди.

Диннинг психологик илдизларини тарихан таҳлил қилиш кўрқув, кўрқув ва умид ўртасидаги иккиланиш, исталган нарсанинг воқелиқда содир бўлишига интилиш сингари психик ҳолатлар масаласини аниқлаштариш билан боғлиқ. Мазкур психик ҳолатлар тарихий тараққиёт жараёнида бир-бири билан алмашган ижтимоий муносабатларнинг турли хил тизимларида қандай қилиб сақланиб қолганлигини, уларнинг қандай механизмлар ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги масалалари ҳам диннинг психологик илдизлари моҳиятини тушунтиришга хизмат қилади.

2. Диннинг психологик илдизларини тушунтириб берувчи индивидуал ёки онтогенетик ёндашув боланинг, шунингдек катта одамнинг индивидуал тараққиётида диний эътиқоднинг шаклланиш жараёнини тушунтириб беришга хизмат қилади. Болаларда ўзлари учун тушуниб бўлмайдиган масалаларни (ўлим ҳодисаси, нега ўғил бола бўлиб туғилганлиги, нега айнан шу ота-онадан туғилганлиги, нега айнан шу юртда, шу миллат вакили бўлиб туғилганлиги ва ҳ.к.) катталар томонидан илоҳий куч (Аллоҳ) билан боғлаб тушунтирилиши натижасида илк илоҳий тушунчалар пайдо бўлади.

Оиладаги диний ҳолатларга муносабат (ота-оналарнинг, бува-бувиларнинг ибодат қилиши, тақдирни Худога боғлаб тушунтириш, диний маросимларга қатъий амал қилиш ва ҳ.к.) ҳам болаларда диний эътиқоднинг шаклланишга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Диний тасаввурлар ва тушунчаларнинг, диний образларнинг шаклланишига бола таълим-тарбия олаётган муассасадаги динга бўлган муносабат ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунда атрофдаги одамлар болаларнинг диний онгида ва хулқ-атворида маълум стереотипларнинг пайдо бўлишига хизмат қилади.

4. Дин психологиясининг методологик масалалари. Методология - бу маълум бир назарий ёхуд амалий фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш услублари ҳамда принциплари системасидир. Илмий тадқиқотлар методологияси ҳақида фикр юритар экан, Г.М.Андреева методологиянинг уч хил моҳиятига алоҳида эътибор беради: 1) умумий методология - ўзига хос умумфалсафий муносабат, дунёни билишнинг умумий йўли ва ҳ.; 2) хусусий ёки махсус методология - тадқиқотларда қўллашимиз зарур

булган методологик принциплар тўплами; 3) конкрет методология - тадқиқотларнинг конкрет методик услублари тўплами⁹.

Биз қуйида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос методологик муаммолари ҳақида ёзамиз.

Дарҳақиқат, психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд. Бу қийинчиликларни ҳисобга олмасдан туриб, психология фанининг методологик принципларини ишлаб чиқиш қийин. Бу қийинчиликлардан биринчиси шундаки, психология фани тадқиқот объектининг субъектив кўринишдалигидир, яъни руҳий-маънавий ҳодисаларни ўрганиш услублари ҳам моддий ҳодисаларни ўрганиш услубидан фарқ қилмоғи керак.

Психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг иккинчи қийинчилиги тадқиқот орқали олинган натажаларни таҳлил қилишнинг субъективлигидир.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилса бўладики, психология фанини ўрганишнинг махсус методологик принципларини ишлаб чиқмоқ зарур. Бундай методологик принципларнинг бир қанчаси ишлаб чиқилган ҳам.

Психик ҳодисаларни илмий тадқиқ қилишнинг умумий принциплари ҳақида шу фаннинг етакчи олимлари шундай фикрларни билдиришган. Б.Г.Ананьев шундай деб ёзади: “Ҳозирги замон психологияси илмий аппаратининг методологик таҳлили нафақат барча психологик фанлар учун умумий бўлган методларни, балки маълум бир психологик фан соҳасида фаолият кўрсатадиган хусусий методларни ҳам ўз ичига қамраб олмоғи лозим”¹⁰. Б.Г.Ананьевнинг бу фикрлари методологиянинг учинчи кўриниши - конкрет методологияга бориб тақалади ва ҳозирги замон психологияси учун муҳим фикрлар яшириниб ётибди. Шу фикрларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, психология фанида худди бошқа фанлардаги сингари интеграция ва дифференциация жараёнлари содир бўлаяпти, яъни психология фанини янгидан-янги тармоқлари ажралиб чиқмоқда, шаклланмоқда. Мана шу янги фан соҳалари учун махсус методлар ишлаб чиқариш ҳам методологиянинг вазифаси ҳисобланади.

⁹ Андреева Г.М. Социальная психология. –М.: Изд-во МГУ, 1980. – 416 с. – 3-бет.

¹⁰ Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т.1. – М.: Педагогика, 1980. – 232 с. - 29-бет.

Шу ўринда озгина ортга қайтамыз. Маълумки, биз 70 йил давомида атеизм ва ялонғоч материализм даврида яшадик. Ҳаётимизда учрайдиган барча ғайритабиий ва ғайриодатий ҳодисалардан кўз юмиб яшадик. Бу ҳақда биз гапиришимиз ҳам мумкин эмас эди. Биз "онг бирламчими ёки материя" деган аҳмоқона дилеммадан фақат биттасини танлашимиз зарур бўлган, илмий тафаккур шу чегарагача сиқиб борилган даврни бошимиздан кечирдик. Мустақиллик насимлари бизнинг руҳий дарвозаларимизни очиб юборди. Натижада бугунги кунга келиб, одамлар шу пайтгача дилларида тугиб келган гапларини айтиш имконияти пайдо бўлди. Шу пайтгача реал факт бўлган, аммо илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш идеализмга оғиш деб ҳисобланган ғайритабиий ҳодисалар ҳақида баралла айтила бошланди. (Аслида ғайритабиий ҳодиса дейишнинг ўзи мантиқан нотўғри фикр. Чунки ҳар қандай реал содир бўлган факт - бу табиийдир. Ғайритабиийлик бу ўринда нисбатан қабул қилинган, яъни инсоният тафаккурининг бугунги даражаси учун ғайритабиий, холос). Ғайритабиий ҳодисаларнинг аксарияти психология фанининг янги тармоғи бўлган парапсихологияга тааллуқлидир.

Юқоридаги ҳолат иккита муҳим хулосани ясашимиз учун туртки беради. Биринчиси, Б.Г.Ананьев айтган психология фанининг умумий томонини қамраб олса, иккинчиси унинг хусусий томонини ёритади.

Шундай килиб, биринчи фикрни ўртага ташлаймиз. Маълумки, психикани биз диалектик материализм (марксча кўринишида) нуқтаи-назаридан юксак тараққий қилган материянинг сифати, бош миянинг функцияси, ташқи дунёнинг системали акс этиши деб тушунтириб келдик. Аммо кейинги пайтларда инсон руҳиятида содир бўлаётган баъзи ғайритабиий ҳодисалар, одамлар орасида кузатилаётган ғайриодатий ҳодисалар - буларнинг ҳаммаси психиканинг биз тушунган материалистик қолипига сиғмай қолаяпти. Бундай ҳолат одатда фаннинг ривожланишига тусиқ бўлиб қолади. Бошқача айтганда, юқоридаги ҳодисалар ўзларининг илмий жиҳатдан изоҳланишини кутиб туришибди. Фан олдида пайдо бўлган бу муаммони ҳал қилишнинг йўли иккита. Биринчиси ҳақида таниқли канада олими Ж. Годфруа шундай деб ёзади: "Баъзи фактларнинг (бу ерда экстрасенсор фактлар ҳақида гап кетаяпти - Х. А.) реаллиги ҳақиқатдан ҳам исботланган бўлса, унда ҳали катта методологик

тўсиқлар мавжудки, бу тўсиқлар, масалан, лаборатория шароитида кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисаларни назорат остига олишимизга халақит бераяпти"¹¹. Ж. Годфруанинг фикрига қўшимча қилиб яна шуни айтишимиз мумкинки, инсон руҳиятида, унинг психикасида ҳали фан учун номаълум бўлган, аммо кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган шундай ҳодисалар кузатилаяптики, уларни қўлимизда мавжуд бўлган методологик принциплар ва усуллар ёрдамида изоҳлаб бериш қийин бўлаяпти. Демак, юқорида айтилган муаммони ҳал қилишнинг биринчи йўли - бу Ж. Годфруа айтгандек, методологик тўсиқларни олиб ташлаш керак. Аниқроғи, махсус методологик принциплар ишлаб чиқиш пайти етиб келди.

Муаммони ҳал қилишнинг иккинчи йўли - психика тўғрисидаги шу пайтгача мавжуд булган қарашларимизни қайтадан кўриб чиқишимиз билан боғлиқ. Бошқача айтганда, психика онтогенетик тараққиёт босқичларини бошидан кечирганидек, у ўзининг филогенетик тараққиёт босқичини ҳам бошидан кечириши табиий. Шунинг учун психика тараққиётининг бугунги филогенетик босқичида инсон руҳиятини фақатгина бош миянинг (моддий субстратнинг) функцияси деб эмас, балки қанақадир номоддий субстратнинг ҳам функцияси деб тушунтириш ўринли бўлар. Психика бугунга келиб фақатгина моддий дунёнинг, балки қандайдир номоддий дунёнинг (инсоний ўлчамлар нуқтаи - назари бўйича номоддий) инъикосидир. Психика нафақат юксак тараққий қилган материянинг эмас, балки қандайдир юксак тараққий қилган руҳнинг (бу ерда ҳам "материя" ва "руҳ" тушунчалари инсоний ўлчамларда қаралаяпти) ҳам сифатидир.

Дин психологияси қарашларига кўра, психика билан руҳни бирлаштириб бўлмайди. Ёки руҳни ҳам психиканинг ичига киритиб бўлмайди. Улар ҳар хил нарсалар. Психика бош миянинг функцияси ҳисобланади. Руҳ эса Аллоҳнинг инояти. Психика бош мия ўз фаолиятини бошлагандагина юзага чиқади ва бош мия ўз фаолиятини тўхтатганда, психик жараёнлар ҳам сўнади. Руҳ эса илоҳий келиб чиқишга эга. У ғайб оламидан келади ва тана жисмоиний жиҳатдан ўз фаолиятини тугатгандан сўнг ҳам яшайди.

Шундай қилиб, биз психология фанининг умумий томонини камраб оладиган масалани кўриб чиқдик. Бу умумметодологик ва

¹¹ Годфруа Дж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – 376 с. - 201-бет.

махсус методологик принципларга бориб тақалади, яъни методологик принципларни турли туман мафкуравий аралашмалардан тозалашимиз, ҳозирги замон фанининг сўнгги натижаларидан келиб чиққан ҳолда янги методологик принципларини ишлаб чиқишимиз зарур. Фақат шундагина психология, Б.Г.Ананьев таъкидлаганидек, ўзининг хусусий ҳаётини тўғри қура олади. Бошқача айтганда, умумметодологик ва махсус методологик принципларга таянган ҳолда конкрет методлар яратиш мумкин бўлади.

Психология фанида шундай масалалар борки, у бевосита дунёқараш билан боғлиқ. Масалан, ёш даврлари масаласи. Маълумки, инсоннинг туғилгандан то ўлгунгача бўлган ҳаёт йўли қатъий аниқланган филогенетик программага асосланади. Бошқача айтганда, болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуклик, кексалик каби ёш босқичларининг тартиби ҳали инсон дунёга келмасдан туриб, олдиндан программалаштирилган. Мана шу олдиндан программалаштирилганлик, умр "нарвони"нинг пиллапоялари олдиндан ҳар қандай одам учун мустабид ҳолда аниқланганлиги бизни беихтиёр диний мулоҳазаларга ундайди. Ёки ким томонидан олдиндан программалаштирилган деган табиий савол туғилади. Аниқроқ қилиб айтганда, дунёнинг Яратувчиси ҳақидаги фикрларни чақиради.

Ёш босқичларининг олдиндан аниқланганлиги ҳодисасининг ўзиёқ олимларни фанда атеизмга асосланган методологик принципларни қайтадан кўриб чиқишга ундайди. Бу эса ўз ўрнида дунёқараш, эътиқод, маслак деган тушунчаларни қамраб олади.

Биз масалани бошқача қўймоқчимиз. Фан қандай вазиятда тезроқ ривожланади: атеизмга асосланган методология биланми ёки илоҳийликка асосланган методология биланми? Шу саволга жавоб беришдан олдин эътиборимизни фан тарихи бўйича мутахассис, инглиз биохимик олими Жозеф Нидхемнинг бир фикрига қаратмоқчи эдик. Ж. Нидхем ўзининг Хитой фан ва техникасига бағишланган асарида шундай деб савол қўяди: "Нима учун Хитой ҳозирги замон фанининг ватани бўла олмади?" Дарҳақиқат, нима учун инсониятга компас, портловчи модда, ёзув станогига ўхшаш муҳим кашфиётларни берган, алгебра ва фалакиёт каби фанларда улкан муваффақиятларни қўлга киритган Хитой бемалол ҳозирги замон фанининг бешиги бўла олмади? Саволга жавоб берар экан, Ж. Нидхем кўплаб сабаблардан

иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатади: хитой жамиятининг бюрократик структураси ва "олий қонун чиқарувчи" илоҳийлик ғоясининг мавжуд эмаслиги. Бошқача айтганда, Хитой фанининг ривожига салбий таъсир кўрсатган омиллардан бири уларнинг методологиясида илоҳийлик ғоясининг, Аллоҳ тушунчасининг йўқлигидир. Тарихга назар ташласак, бизнинг заминимиздаги илм-фан гуркираб ривожланган уйғониш даврида буюк мутафаккирларимиз табиат қонунларининг сақланиши ва бу қонунларнинг илоҳий мантиққа эга эканлиги тўғрисидаги фикрларга таянишиб, ўзларининг машҳур асарларини яратишганлар¹².

Биз масалага янада ойдинлик киритамиз. Ўша илоҳийлик тушунчасининг ўзи ҳам фанда икки хил талқин қилинади. Фикримизни ойдинлаштириб олишимиз учун Лейбниц билан епископ Кларк ўртасидаги ёзишмаларга диққат қилайлик. Маълумки, Кларк Ньютон тарафдори эди. Лейбниц ўз мактубларида Ньютонни Аллоҳ тўғрисида ўта нотўғри тушунчага эга эканликда айблади. Ньютоннинг фикрича, "моҳир соатсоз уста" - Аллоҳ ўз "соат"ини яратиб қўйиб, сўнг уни эътиборсиз қолдирмайди, балки ўзи яратган нарсаларни янада мукаммаллаштиради, унинг ҳаётий фаолиятини доимо қўллаб-қўлтиқлаб, назорат қилиб боради. Лейбницнинг фикри эса аксинча эди. Шу сабабли Ньютон ва Кларк Лейбницни Аллоҳни "ялқов ҳукмдор"дай таърифлаганликда айблашади. Гўёки Лейбниц назарда тутган яратувчи қачонлардир дунёни яратиб қўйиб, сўнгра у дунёга бутунлай бефарқ қарайдиган ҳукмдорга ўхшармиш¹³.

Эътибор бериб қаралса, бу ерда гап илоҳийликнинг моҳиятини икки хил тушуниш ҳақида бораяпти. Биринчи ҳолда илоҳийлик тушунчаси дунё ўзгармас ва мустабид қонунларга бўйсинади ҳамда у вақт жараёнида кескин ўзгаришларга учрамайди, деган фикрга бориб тақалади. Иккинчи ҳолда эса илоҳийлик дунё маълум қонунларга бўйсинади, лекин у вақт жараёнида ўзгаришларга учраши мумкин, деб тушунтирилади. Маълум маънода, биринчи вазиятда илоҳийлик статик ҳолда талқин қилинса, иккинчи вазиятда эса динамик ҳолда талқин қилинади.

¹² Пригожин И. Новый союз науки и культуры. // Курьер, июнь, 1988. 9-13 бетлар.

¹³ Ўша асар. 9-13 бетлар.

Мана ниҳоят, классик фан ва ҳозирги замон фани ўртасидаги фарқларга ҳамда бугунги кунга янги методологик принциплар зарурлиги ҳақидаги масалага етиб келдик.

Классик фаннинг фикрича, дунёнинг асосида турғун динамик системалар ётади. Турғун динамик системалар бўйсинадиган принциплар детерминизм ва такрорланувчанлик. Турғун динамик системаларда қонунлар ўзгармас ва мустабид, жараёнлар эса такрорланувчан. Турғун динамик системаларда цикллар бир – бирига айнан мос келади.

Ҳозирги замон фанининг ютуқлари турғун динамик системалар ҳақидаги классик фикрларни бир мунча ўзгартиришимиз зарурлигини исботлади. Қуйидаги дилемманинг ўзиёқ турғун динамик системалар тўғрисидаги тушунчаларни кескин ўзгартириб юборади. Эътибор берилса, бир томонда бир йўла бир умрга тўғрилаб қўйилган соат механизмига ўхшаш ташқи дунё турса, иккинчи томонда эса бири иккинчисига ўхшамаган, бетакрор бўлган, маълум ҳолатларда танлаш эркинлигига эга бўлган одамзод туради. Борлиқнинг бу икки қирраси ўртасида турғун динамик системалар эмас, балки нотурғун динамик системалар мавжуд бўлади. Ниҳоят, биз ҳозирги замон фанининг борлиққа нисбатан бўлган бутунлай бошқа муносабати етиб келдик. Бу янги муносабат нуқтаи - назаридан дунё нотурғун динамик системалардан иборат деб қаралади. Турғун динамик системаларни ўрганишга татбиқ қилган принциплардан воз кечмасак бўлмайди. Чунки нотурғун динамик системаларни эски методологик принциплар орқали ўргансак, бу системалар ҳақида нотўғри хулосалар яшашимиз мумкин.

Нотурғун динамик системаларнинг ўзи нима? Нотурғун динамик системалар - қонунлар ва қоидалар маълум ўзгаришларга учрайдиган, ўша қонунларнинг сақланишига қараб келажакни башорат қилиш мумкин бўлмаган, системада содир бўладиган жараёнлар эса ҳеч қачон айнан такрорланмайдиган, балки ҳар бир янги циклда маълум коррективкага учрайдиган, кўпроқ мукамалликдан, гармониядан эмас, балки номукамалликдан, дисгармониядан дунёга келадиган системадир.

Ҳозирги замон фани инқилобий даврни бошдан кечирмоқда. Француз математики Анри Пуанкаре ва совет олими Андрей Колмагоров томонидан ишлаб чиқилган динамика тушунчаси фандаги

эски қарашларни остин-устин қилиб юборди. Инкилобий давр деб нимани назарда тутаяпмиз? Метеролог Эдвард Лоренцнинг кашфиёти фанда янги даврни бошлаб берди, десак хато қилмаймиз. Э. Лоренцнинг аниқлашича, умумий ҳисоб нуқтасига эга бўлган температуранинг иккита вақтли қатори бутунлай турли натажаларни бериши мумкин экан. Бу - нотурғун динамик системаларнинг хусусияти. 5 млн. йилдан кейинги Ер сайёрасининг ҳолатини башорат қилиш мумкин. Чунки ўзга сайёраларнинг таъсирини ҳисобга олмасак, Ернинг қуёш атрофидаги ҳаракати турғун динамик системалар принципларига мос тушади. Иқлим ҳақида гапирганда эса нисбатан қисқа даврга башорат қилишимиз мумкин. Чунки бу ерда гап нотурғун динамик системалар ҳақида бораяпти¹⁴.

Демак, дунё нотурғун динамик системалардан иборат экан. Агар юқоридаги фикрларни ёш босқичлари нуқтаи - назаридан таҳлил қилсак, қуйидаги мулоҳазаларни ўртага ташлашимиз мумкин бўлади. Агар биз ёш босқичларининг тартибли алмашинувини турғун динамик система деб қарасак, ҳар бир одамда ҳам, ҳар бир авлодда ҳам филогенетик программа тўлиқ, аниқ ва ўзгармаган ҳолда сақланиши керак. Агар биз ёш босқичларини нотурғун динамик система деб қарасак, филогенетик программа авлоддан авлодга, одамдан одамга ўзгаришга учраб боради, деган фикрга келишимиз керак бўлади. Дарҳақиқат, И.Коннинг олиб борган этнографик кузатишлари кадимдаги аждодларимизда ёш босқичларидан бири бўлган - ёшлик босқичи учрамаслиги, улар ўсмирликдан тўғридан-тўғри етукликка ўтганлигини аниқлади¹⁵. Демак, ёш ўзгаришлари нотурғун динамик система экан.

Нобель мукофоти совриндори Илья Пригожин шундай деб ёзади: "Классик фанда тартиб мувозанатни, тартибсизлик эса мувозанатсизликни келтириб чиқаради, деб ҳисобланарди. Бугунги кунга келиб, улар жойларини алмаштирадилар. Мувозанатсизлик мувозанатдан ҳам мукамалроқ структураларни яратаяпти"¹⁶.

Юқоридаги ҳолатлар классик фаннинг асосида ётган детерминизм ва такрорланувчанлик сингари методологик принципларни қайтадан кўриб чиқишга асос бўлади. Инглиз ёзувчиси,

¹⁴ Ўша асар, 9-13 бетлар.

¹⁵ Кон И.С. Психология старшекласника: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. –192 с.

¹⁶ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М.: Прогресс, 1986. – 432 с. – 11-бет.

Нобель мукофоти савриндори Вильям Голдинг таъкидлаганидек, детерминизм маданиятнинг ҳалокатига ўхшаб кетаяпти.

Яна бир мисол. Париждаги Илмий тадқиқотлар Миллий маркази назариётчи физиги Басараб Николеску реалликни тушунтиришнинг икки концепцияси тўғрисида ёзади. Унинг фикрига кўра, биринчи концепция реалликни объектив тушунтиради, яъни бунда инсон ташқи реалликнинг “ҳукмдори” сифатида талқин қилинади. Иккинчи концепция эса реалликни субъектив тушунтиради, яъни бунда инсон реалликнинг ягона манбаи ҳисобланади. Моҳиятан уларнинг иккаласи ҳам инсониятга нисбатан реалликнинг ўзгармас ва мутлоқ маркази сифатида берилган муносабатдан келиб чиқади. Басараб Николеску учинчи ёндашувнинг ҳам мавжудлиги ҳақида шундай деб ёзади: “Бироқ учинчи ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у ҳозирги замон илмий билишига мос тушади. Реаллик атроф муҳит ва инсоният ўзаро таъсирларининг натижаси бўлиб, улар реалликнинг икки жиҳати ҳисобланади. Айнан мазкур ўзаро таъсир ҳақида ҳозирги замон илмий фактлари гувоҳлик беради”¹⁷. Хулоса шундаки, реаллик тўғрисидаги тушунчаларимиз нисбий.

Шундай қилиб, биз илм-фанда инқилобий даврни бошимиздан кечираяпмиз. Шу инқилобий даврга мос методологик принциплар ишлаб чиқилиши керак. Турғун ва нотурғун динамик системалар ҳақидаги фикрлар бевосита умумий методологияга бориб тақалади. Шу ўринда таъкидламоқчи эдикки, нотурғун динамик системалар ҳақидаги фикрлар илоҳийлик ғоясига заррача путур етказмайди, балки бу ғояга янгича сайқал беради.

Умуман айтганда, илоҳийлик ғояси дунёқараш билан чамбарчас боғлиқ. Шу пайтгача дин фан тараққиётига салбий таъсир қилмаган. Аксинча, диннинг ўзи “бешиқдан қабргача илм излаш”га чақирган. Фақат совет атеизми фан билан динни сунъий ҳолда бир - бирига қарама - қарши қўйди. Натижада бизнинг фанимизда иймонсизлик, эътиқодсизлик ва ахлоқсизлик илдиз отди. Шунинг учун илоҳийлик ғоясини методологик принцип сифатида киритиш ҳақида ўйлаб кўриш пайти келди. Дарҳақиқат, дин психологияси, тасаввуф психологияси

¹⁷ Николеску Басараб. Наука и традиция. “Две спицы одного колеса”// Курьер. Стр. 25-29.1986. декабрь.-25-бет.

сингари фанлар учун бу принцип махсус методологик принцип сифатида қабул қилинса бўлади.

Илоҳийлик принципи деган сўзни эшитиб, чўчиб кетмаслик керак. Эски стереотипларнинг таъсирига тушиб қолмаслик лозим. Аввалом бор, биз бу терминнинг замирига қандай фикрни жойлаштирганимизни билиб олмоқ жоиз.

Биринчидан, "илоҳийлик" деганда бизнинг инсоний билимларимизнинг нисбий эканлигини унутмаслигимиз шарти ётади. Бу шарт бўйича ҳар қандай олим ўзи қилган кашфиётининг мукаммал эмаслигини, очган қонуниятининг ўзгарувчан эканлигини ва умуман ҳар қандай кашфиёт аслида фақатгина инсоният ақли-заковати учунгина кашфиёт эканлигини тан олиш ётади.

Иккинчидан, "илоҳийлик" деганда Яратувчи томонидан яратилган бу оламнинг мукаммал тартибот асосида яратилганлигини тан олиш ётади.

Учинчидан, (бу энг муҳими), ҳар қандай тадқиқотчи дин психологиясига, тасаввуф психологиясига ва шунга ўхшаш диний масалаларга бағишланган тадқиқотларни Аллоҳнинг бирлиги, борлигини тан олган ҳолда ўтказиш, шунга эътиқод қилиш.

Биз қуйида илоҳийлик принципига амал қилинмаган ҳолда ўтказилган таҳлилларни, фикрларни кузатамиз.

Амалга оширилаётган психологик таҳлилларнинг сифат ва самарасига диққатимизни қаратсак, одамни ранжитадиган ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Буюкларимиз асарлари, таълимот ва қарашлари психологик жиҳатдан таҳлил қилингандаги сохталиклар, бир ёқламаликлар, "хўжақўрсинга" амалга оширилган таҳлиллар, биринчи манбадан фойдаланмасликлар, таҳлилда кўпроқ муаллифнинг эмас, ўзининг шахсий хулосаларини илгари суришликлари, асосан собиқ иттифоқ даври олимлари асарларидан фойдаланишликлари сингари салбий ҳолатлар киши кўнглини ранжитади.

Материалистик ёндашув орқали тадқиқот ўтказилса, мутафаккирларимизнинг фалсафий-психологик қарашлари шу даражада соддалаштирилади, ҳатто, масалан, Абу Али ибн Синодай эътиқоддаги, исломдаги зотлар даҳрий даражасига тушириб қўйилиши мумкин. Мисол келтирамиз. А.А.Хисматулиннинг "Суфизм" деб номланган китобида сўфийликка, умуман ислом динига соф

материалистик ёндашган муаллиф Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик мақоми берилишини қуйидагича шарҳлайди: "Пайғамбарликка чақиріқ мотивацияси, унинг ҳаётга тадбиқ этилиши сабаби, бир томондан, Муҳаммаднинг меросхўрга эга бўлишдек табиий истаги бўлса, иккинчи томондан, мазкур меросхўрнинг (ёки меросхўрларнинг) болалиқда вафот этиб кетганлигидадир"¹⁸. Пайғамбарлик мақоматини агар Яратувчи йўқ дейилган ҳолдагина шундай тушунтириш мумкин.

Бошқа мисол. А.Н.Романин томонидан ёзилган ва 2006 йилда чоп этилган "Практическая психология философии и религии" деган ўқув қўлланмасида Муҳаммад пайғамбарга ваҳий келганлик ҳолатини сенсор депривация ҳолати билан тушунтиришга уринилади. У шундай деб ёзади: "Бу ерда албатта сенсор депривациянинг самараси кузатилади – бу мутлақо аниқ. Рўза билан кучайтирилган сенсор изоляция шароитида (одатдаги қўзғатувчилар – одамлар, уйлар, дарахтлар, товушлар, ранглар, ҳидлар ва ҳ.) сенсор депривация пайдо бўлади – воқеликнинг одатдаги идроки бузилади (ёки ўзга реаллик идрок этилади?)"¹⁹. Материалистик тушунтирилган бундай "ваҳийлик" нимага бошқа одамларда ҳам кузатилмаганлиги ҳайратланарли ҳолдир.

Ёки яна бир мисол. В. Ирвингнинг "Жизнь Мухаммеда. Книга о пророке" деган китобига М.Б.Пиотровский сўнгсўз ёзган. Унда у шундай деб ёзади: "Илоҳ билан пайғамбарнинг "мулоқоти" экстатик транс ҳолатида содир бўлган. Бу ҳолатнинг психологик табиати ҳали илмий жиҳатдан тушунтириб берилмаган. Шу билан бирга шахсий ғояларнинг ташқаридан келаётгандек тасаввур этилиши ҳодисаси психологлар томонидан етарли даражада аниқ қайд этилган ва бунга турли хил цивилизацияларнинг мистик тажрибасида кўплаб мисоллар мавжуд"²⁰. Эътибор қилинса, М.Б.Пиотровский ваҳийни галлюцинация билан тушунтирмоқда. Бундай талқин ваҳий ҳодисасига соф материалистик ёндашилгандагина юзага келиши мумкин.

Немис олимаси Аннемарие Шиммел ўзининг "Жонон менинг жонимда" китобида шундай деб ёзади: "Ўғил фарзанд туғилганлигини

¹⁸ Хисматулин А.А. Суфизм. – СПб.: "Азбука-классика"; Петербургское Востоковедение", 2003. - 28-бет.

¹⁹ Романин А.Н. Практическая психология философии и религии: учебное пособие, /А.Н.Романин. – М.:КНОРУС, 2006.- 344 б. -

²⁰ Пиотровский Б.М. Послесловие. – В кн.: Ирвинг В. Жизнь Мухаммеда. Книга о пророке. – Алма-Ата: Жазуши, 1990. – 285-бет.

хурсандчилик билан маълум қилиш, қиз туғилганида эса ҳафсаласи пир бўлиб, руҳи тушиб, “ҳа, қиз кўрдик” деб айтиш кўпгина қавмларда ўзига хос одат тусига кириб қолган. Шу сабабдан, Ислом авлиёлари мўъжиза кўрсатиб, янги туғилган қиз болани ўғил болага айлантириб беришган”²¹. Бу энди ҳаммасидан ошиб тушган. Агар шундай бўлганда эди, оламни ўғил болалар босиб кетган бўлармиди. Бундай гапни тасаввуфдан хабари бўлмаган кишигина ёзиши мумкин. Биринчидан, мўъжизани Аллоҳ таоло пайғамбарлари воситасида кўрсатади, авлиёлар эмас. Авлиёлар Аллоҳнинг инояти билан каромат кўрсатишган, холос. Шунда ҳам бундай ишни қилишмаган. Иккинчидан, олима нимага ва қандай манбага асосланиб бу гапни айтганлигини билиб бўлмайди. Фикримизга кўра, бу унинг шахсий фикридир. Шахсий фикр ҳам мантиққа тўғри келиши керак – ку!?

О.Б.Фролова ўзининг “Неизвестные рукописные трактаты первой половины XVIII века, посвященные Ибн Араби и его философии” мақоласида испан олими А.Г.Паленсианинг монографиясидаги маълумотга таяниб шундай ёзади: “Унинг (Ибн Арабийнинг – Х.А.) тушларига ўзида христиан пайғамбари Илёс ва муқаддас Георгийнинг хусусиятларини мужассамлаштирган пайғамбар Хизр кирар эди”.²² Бу маълумотни ўқиб энсангиз қотади. Наҳотки Хизр алайҳиссалом муқаддас Георгийга ўхшаса?!

Будапешт университетининг профессори И.Гольдцигер ўзининг “Ислом ҳақида маърузалар” рисоласида материалистик кайфиятдаги қуйидаги ҳолатни кузатса бўлади: “Этнографик шароитдан ташқари азиз-авлиёларга сиғинишга психологик эҳтиёж ҳам ёрдам беради: кундалик турмуши билан боғлиқ хилма-хил ташвишларга ва хоҳишларга эга бўлган оддий диндор билан Оллоҳ ўртасида ўтиб бўлмас катта масофа бор – уни нима биландир тўлдириш эҳтиёжи жуда катта. Уни шундай воситачи кучлар билан тўлдирмоқ керакки, бу кучларга оддий диндорнинг ишончи бўлсин, ҳамма одамлардан, замин у осмондан юқорида, ҳудудсиз юксакликда ўтирувчи Оллоҳдан кўра ана шу воситачи куч диндорга яқинроқ бўлмоғи, унинг ақлига сиғмоғи лозим. Халқ Оллоҳни бутун коинотнинг ҳукмдори сифатида тан олади ва ундан кўрқади. Оллоҳ коинотдаги энг улкан, энг улуғ

²¹ Шиммел Аннамарие. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. –Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа концерни, 1999. –173 б. – 64-бет.

²² Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: “Наука” Главная редакция восточной литературы, 1989. -341 с. -24-бет.

воқеа-ҳодисаларни бошқаради. Шундоқ бўлгач, у тор доирадаги одамларнинг ёки айрим олинган битта шахснинг майда-чуйда эҳтиёжлари билан шуғиллана олмайди-да! Бунақа фикрни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди”²³.

“Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши” китобидаги қуйидаги чиқарилган хулосалар ҳам масалага бир ёқлама ва ўта материалистик чиқарилган хулосадир:”...тасаввуф илмининг билимдони Ғаззолий таълимотида янги давр фалсафий ва психологиясига муҳим ҳисса қўшган З.Фрейд – психоанализи акс этган эди”²⁴. Қандай қилиб тавҳидга асосланган тасаввуф таълимотида атеистик таълимот ҳисобланган психоанализ акс этиши мумкин!? Кейин пайдо бўлган таълимот қандай қилиб ўзидан олдингисини ўзида акс эттириши мумкин? Бу хулоса ҳам тасаввуфни ўрганишда тегишли методологик тамойилларнинг ишлаб чиқилмаганлиги сабабли чиқарилаяпти.

Кўриб турганигиздек, ислом Шарқи мутафаккирларининг психологик қарашларини тадқиқ қилишда соф материалистик ёндашув фан учун нотўғри, ҳатто бир қадар хавфли хулосалар ясалишига олиб келар экан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, алоҳида олинган фан соҳалари учун алоҳида махсус методологик ёндашув зарурати кўзга ташланиб турибди. Аниқроқ қилиб айтганда, онгнинг турли хил даражаларини тадқиқ қилишнинг методини ишлаб чиқиш учун ҳам методологик йўл очилиши лозим. Бу ҳақда Покистонлик машҳур шоир ва файласуф Муҳаммад Иқбол шундай деб ёзади: ”Ҳатто Ибн Халдун кўрсатилган даражаларни (онг даражалари – Х.А.) тадқиқ қилиш учун самарали илмий методга бўлган эҳтиёжни ҳис қилган. Ҳозирги замон психологияси яқиндагина шундай методнинг зарурлигини англаб етди, бироқ шу пайтгача онгнинг мистик даражаларининг характерли хусусиятларини кашф этиш бўйича янада илгарилаб кета олмади”²⁵.

Ниҳоят муаммони кўрсатиш билан бирга биз ўз таклифимизни бермоқчимиз. Биринчидан, биз илмий психологик тадқиқотларда материалистик ёндашувдан воз кечишни тарғиб қилаётганимиз йўқ.

²³ Гольдцигер И. Ислом ҳақида маърузалар/Тарж.: О.Шарафиддинов. – Т.:”Академия”, 2001. – 46 бет. -14-бет.

²⁴ Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. (Масъул муҳаррир: проф. Каримов Б.Р.). – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017. - 360 бет. – 188-бет.

²⁵ Иқбал Муҳаммад. Реконструкция религиозной мысли в исламе. – М.: Восточная литература, 2002. – 200 с. – 101-бет.

Аксинча, мазкур ёндашув ҳам айрим ўринларда, айниқса табиий фанларда зарур бўлади. Иккинчидан, ислом Шарқи тафаккури намуналарини соф идеалистик ёндашув ёрдамида тадқиқ қилиш зарур деган фикрни сингдирмоқчи ҳам эмасмиз. Идеалистик ёндашувни эса ўз ўрнида илоҳийлик принципи орқали амалга ошириш мумкин. Бизнингча, масалага ўртадан келиб чиққан ҳолда ёндашсак мақсадга мувофиқ бўларди. Худди инсон руҳ ва танадан ташкил топганидек материалистик - идеалистик ёндашувни ҳам ўзаро ҳамкорликдаги ёндашув сифатида қўлласа бўлади. Уларни бир - бирига қарши қўймасдан, ҳар бир қисмга алоҳида вазифа юклаб, тадқиқотларда фойдаланиш юқорида зикр қилинган ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олган бўлар эди.

Шунингдек, “Психологические аспекты буддизма” китобида маълум бир диний таълимотни тарихий-психологик жиҳатдан ўрганиш учун иккита муҳим нарсани эътиборга олиш зарурлиги таъкидланади. Биринчи жиҳати диндорларнинг инсон психикаси тўғрисидаги, унинг элементлари ва психиканинг ижтимоий ва биологик томонларининг муштараклиги ҳақидаги тасаввурларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш билан боғлиқ. Мазкур китобда иккинчи жиҳат тўғрисида шундай деб ёзилади: “Иккинчи жиҳат шундай бир таъсирни инобатга олиш зарурати билан боғлиқки, бунда диндорларнинг онги ва хулқ-атворида буддистлар маданиятининг барча диний-фалсафий комплекси таъсир кўрсатади”.²⁶ Диний таълимотни ўрганишнинг мазкур икки жиҳати, яъни “бу ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган буддизм психологиясини ва буддистлар психологиясини ўрганишни тақозо қилади, шунинг учун уларни тадқиқ этиш фақатгина комплекс характерга эга бўлиши мумкин”.²⁷ Бу ўринда диний таълимотни тадқиқ қилишда комплекс ёндашув зарурлиги таъкидланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, парапсихологик ва диний масалаларга бағишланган тадқиқотлар учун махсус методологик принциплар ишлаб чиқиши пайти етиб келди. Мазкур масаланинг ижобий ҳал этилиши маълум фан тармоқларининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

5. Дин психологиясининг тадқиқот методлари. Дин психологиясига дахлдор тадқиқотлар, энг аввало, инсоннинг субъектив

²⁶ Психологические аспекты буддизма. – Новосибирск, Издательство “Наука”, Сибирское отделение, 1986. – 158 с. – 5-6-бетлар.

²⁷ Ўша асар, 6-бет.

(ички) дунёси ҳодисаларига бағишланган бўлиб, улар қувонч, қайғу, куюниш, қўрқув, ховотир, эҳтирос, туйғулар, руҳий мотивация, интилувчанлик, ирода кучи, иродавий зўриқиш, тафаккур жараёнлари (ҳолатлари), хотира ва унинг онгли ҳамда онгсиз мазмуни шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам дин психологиясида қуйидаги методлар кенг қўлланади: кузатиш методи, экспериментал метод, шахсга оид ҳужжатларни ўрганиш методи, суҳбат, тест методи қўлланилади.

Кузатиш методи умумий эмпирик метод ҳисобланади. Кузатишдан фойдаланиб, диний жараёнлар ва ҳодисалар, диндорлар ҳулқи тадқиқ этилади. Кузатиш методи дин психологиясида алоҳида кишиларни ўрганишда ҳам, инсонлар гуруҳини ўрганишда ҳам қўлланилади. Кузатиш методининг турли кўринишлари мавжуд бўлиб, уларга ўзини ўзи кузатиш (интроспекция), ички кузатиш ва ташқи кузатиш кабиларни мисол қилиш мумкин. Кузатиш жараёнида психофизиологик аппаратлардан, компьютер технологиялардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Дин психологиясида эксперимент методидан ҳам кенг фойдаланилади. Эксперимент босқичлари - дастлабки, шакллантирувчи (тарбияловчи), назорат тарзида ўтказилади. Тажрибаларда тадқиқ этилаётган ҳодиса, жараён, ҳолат муайян шарт-шароитда такрор ва махсус ўрганилади. Экспериментда синовда қатнашаётган шахсга диний мазмундаги матнни ўқиб, унинг таъсирида юзага келадиган туйғу ва фикрларни, руҳий кечинмаларни қайд этиши таклиф этилади. Экспериментлар диний қадриятлар ва қарашларнинг диндор психологиясига таъсирини, унда турли туйғуларни уйғотишини аниқлаш имконини яратади.

Дин психологиясида ҳужжатларни ўрганиш методи қўлланилади ва бунда ҳужжатлар сифатида шахс таржимаи ҳоли, кундаликлари, уйқуга доир ёзувлари, психотерапевтга мурожат этиш тарихи, хатлари, бадий асарлари, чизган суратлари ва ҳатто маълум маънода ёздирилган иншоси, мустақил иши, назорат битикларини кўрсатиш мумкин. Шахс ҳужжатларини баҳолашда субъективлик устувор бўлишига қарамай, диндорлардаги руҳий кечинмалар, муҳаббат, қўрқув, исён ёки шукроналик сингари кечинмаларни ўрганишда бундай ҳужжатлар қимматли маълумотга эга манба бўла олади.

Инсон психикасини ўрганишда суҳбатнинг мақсади ва вазифаси белгиланади, унинг объекти ва субъекти танланади, мавзуси, ўтказиладиган вақти аниқланади, яқка шахслар гуруҳ билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганиладиган нарса, жараён билан узвий боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Суҳбатнинг бош мақсади муайян бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Суҳбат орқали одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, тириклиги, билим савияси, эътиқоди, дунёқараши, иродаси қабилар тўғрисида маълумотлар олинади.

Тест инглизча сўз бўлиб, синаш, текшириш демақдир. Шахснинг ақлий кўрсаткичини, менталитетини, қобилиятини, иродавий сифатларини текширишда қўлланиладиган қисқа масала, топшириқ, мисол, жумбоқ, сюжетли расм ёки шакл тест деб аталади. Тест, айниқса, одамнинг қандай касбини эгаллаш мумкинлигини, касбга яроқлиги ёки яроқсизлиги, истеъдодлилар, иқтидорлилар ва ақли заифларни аниқлашда кишиларни саралашда кенг қўламда фойдаланилади. Тестлар: мақсадга эришув, интеллект, креатив, критериал, шахслилик, проектив, қобилият, хотира турларига ажратилади.

Психология соҳаларида кенг қўлланиладиган методлардан бири анкетадир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг нарса ва ходисаларга муносабатлари ўрганилади. Анкета уч хил тузилишга эга. Уларнинг биринчи хили англандан мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи хил анкетада синалувчиларга ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия этилади ва у шкалани анкета деб аталади. Анкеталар турли ёшдаги ва касбдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига муносабатларини аниқлаш мақсадида кенг қўламда фойдаланилади. Тарқатилган анкеталар йиғиштириб олинади ва электрон ҳисоблаш машиналарида ҳисоблаб чиқилади, атрофлича миқдорий таҳлил қилинади, сўнгра тадқиқотга яқун ясаиб, илмий ва амалий йўсинда хулосалар чиқарилади.

Социометрия методи кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Унга америкалик Жон Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятида ким билан қатнашиши сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлари гуруҳдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бу маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради, холос. Синалувчилардан қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб қилинади: “Сен саёҳатга ким билан боришни хоҳлайсан?”, “Ким билан қўшни бўлиб яшашани ёқтирасан?” ва ҳоказо. Ҳар бир савол социометрик мезон вазифасини бажаради ва турмуш воқелигидан олинади. Социометрияда диний гуруҳ аъзолари ўртасидаги эмоционал муносабатларни аниқлаш имконияти туғилади.

Лангитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига ҳослигидан ташқари, синалувчига объектив шарт-шароитларнинг, социал-психологик муҳитнинг таъсири ўрганилади. Масалан, эгизакларнинг ўзаро ўхшашлиги ва уларнинг тафовутланиши, таъсирланиши, ҳис-туйғуларининг ўзгариши, шахслар ўртасида индивидуал фарқлар юзасидан олинган маълумотлар лангитюд методи ёрдами билан рўёбга чиқади.

Ушбу метод ёрдамида бошқа методлардан фарқли ўлароқ бир ёки бир неча синалувчилар узоқ муддат, ҳатто ўн йиллар давомида узлуксиз текширилади.

Проектив метод шахсни ўрганишнинг муҳим методларидан ҳисобланади. Мазкур методика экспериментал-психологик вазиятни вужудга келтириш хусусияти билан тавсифланади. Проектив методикалар инсон онгини гўёки “чалғитади”, бунинг натижасида психологик ҳимоя вазифасини бажаради.

Психология фанида проектив методикалар беш туркумга ажратиб тадқиқ қилинади; ассоциатив, топшириқ ечимини тугаллаш, конструкцияловчи, экспрессив, ранжировка қилиш. Ассоциатив методикаларга қуйидагилар киради: сўзли ассоциациялар персонификацияси, расмли ва сўзли ассоциациялар. Топшириқни тугаллаш методикаларига қуйидагилар киради: тугалланган гап,

тугалланмаган гап. Экспрессив методикаларнинг психорасм, ролли ўйинлар каби кўринишлари мавжуд.

Дин психологиясидан тадқиқотда илмий-тарихий таҳлил йўналишида қўлланиладиган қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1) Тарихий-генетик метод. Бу метод ёрдамида диний психик ҳодисалар мавжуд ижтимоий-тарихий вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўраганиш жорий қилинади.

2) Қиёсий-тарихий таҳлил методи. Бу метод ёрдамида диний психик ҳодисалар ривожланиши динамикаси турли хил даврлар кесимида қиёсий таҳлил қилинади.

3) Биографик метод. Бунда дин психологияси диндор шахси ва ҳаёт йўли нуқтаи назардан туриб ўрганилади.

4) Дин психологиясига тааллуқли бўлган асосий ҳолатлар, жараёнлар, концепциялар, тушунчалар, машқлар ва ҳоказоларни системалаштириш методи орқали тадқиқ қилиш мумкин.

5) Диний таълим ва амалиёт ўртасидаги узвий алоқани ва ўзаро боғланиш хусусий проекция методикаларидан бири ҳисобланган “Мавҳумдан конкретга ўтиш” методи ёрдамида ўрганилади.

6. *Руҳ психологик муаммо сифатида ва унинг ечими.* Руҳ психологик муаммо сифатида қаралганда кўплаб саволларга тўқнаш келамиз. Улар шундай саволларки, барчасига жавоб топиш бугунги психология фанининг вазифаси бўлиб қолаяпти: Руҳ – психология фанининг тадқиқот предмети бўла оладими? Руҳ ва психика ўртасидаги алоқа нимадан иборат? Руҳоният тушунчаси билан руҳ тушунчаси ўртасида қандай фарқ мавжуд? Инсоний “Мен” билан нафс ўртасидаги алоқалар қандай? Нафс билан руҳ ўртасидаги алоқалар қандай? Психология фанининг руҳни ўрганишдаги насибаси қандай? Руҳни тадқиқ қилиш учун бугунги психология фанидаги методологик тамойиллар етарлими ва ҳ.к.?

Мазкур саволларга жавоб беришдан олдин руҳ ҳақида, унинг психологик жиҳатлари ҳақида ёзамиз.

Авваломбор, Қуръони каримга мурожаат қиламиз. Қуръони каримнинг Исро (17) сураси 85-оятида руҳ тўғрисида шундай дейилади:

“(Эй Муҳаммад), сиздан руҳ – жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ ёлғиз Парвардигорим билладиган ишлардир. Сизларга жуда оз

илм берилгандир”. Шу оятга амал қилган ҳолда, яъни руҳ Аллоҳнинг амри эканлиги ва биз уни ўрганишга чуқур киришиб кетмаслигимиз зарурлиги ҳақида шариат кўрсатма беради ҳамда уни чуқур ўрганишга рухсат бермайди.

Дарҳақиқат, инсон танасининг тузилиши, унинг сир-синоати ҳозирги замон биология, анатомия ва физиология фанлари томонидан батафсил ўрганилган. Бироқ тана билан бирга яшаётган руҳ ҳақида маълумотлар жуда кам. Бунинг сабаби балки шариат аҳлининг руҳни ўрганишга қарши бўлганлигидадир. Шундай бўлсада, тасаввуф илми бу масалага тўхталиб ўтади ва ўзининг муносабатини билдиради.

Тадқиқотчи олим Иброҳимжон Усмонов ўзининг “Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфда тутган ўрни” мақоласида Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” китобидан олиб қуйидагиларни ёзади: “Ал-Ҳаким ат-Термизийга кўра руҳнинг қароргоҳи инсоннинг бош қисмида бўлиб, шу ердан у инсоннинг танаси бўйлаб ёйилган. Нафснинг қароргоҳи эса қоринда, шу жойдан у тана бўйлаб ёйилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шарҳларида руҳни “самовий” ва нафсни “ардий” (ерга мансуб) деб, руҳ совуқ, нафс эса иссиқ, дейди. Агар инсон “пуф” деб пуфласа, совуқ ҳаво чиқади, бу руҳнинг совуқлиги. Агар “ҳаҳ” деб оғзидан ҳаво чиқарса, иссиқ ҳаво чиқади, бу нафснинг иссиқлиги. Биринчи совуқ ҳаво – *нафса*, иккинчи иссиқ ҳаво эса *нафха*. Руҳнинг одати итоаткорлик, нафснинг одати эса шаҳватга берилиш”²⁸. Ал-Ҳаким ат-Термизий руҳни нафс билан қиёслаб туриб, руҳнинг муҳим ўзига хос жиҳатлари тўғрисида маълумот беради.

Абу Ҳамид Ғаззолий ҳам руҳ ҳақида ўз фикрини илгари суради Унинг фикрига кўра, эни, бўйи ва миқдори бор ҳар қандай нарса халқ оламидан, яъни яратилган оламдан ҳисобланади. Руҳнинг эса бундай сифатлари мавжуд эмас. Демак, йўқ бўлиш қисматига ҳам эга эмас. Аллоҳ таоло руҳни абадий йўқолмаслик, ўлчам ва миқдорга эга бўлмаслик сифатлари билан яратган.

Руҳга бадан тобе ҳисобланади. Инсоний руҳга хос яна бир сифат маърифат билан боғлиқлигидир, яъни руҳ - маърифатга эга бўлиш имкониятига эга. Латиф руҳ жисм ҳам эмас, ўзича мавжуд ҳам бўлмайди, балки жавҳардир (субстанциядир). Мана шу латиф руҳ

²⁸ Усмонов Иброҳимжон. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфда тутган ўрни. //Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Нодир масалалар” китоби. – Т.: “Маворауннаҳр”, 2007. – 86 бет. -18-бет.

маърифатига эришиш учун маърифатга эга бўлиши зарур. Бу эса риёзатсиз амалга ошмайди. Ўз риёзатини камолга етказган кишигина маърифатга эга бўлади, демак, руҳ ҳақиқатини тушунади.

Руҳнинг яна бир сифати - унинг ўзини ҳам, Парвардигорини ҳам билишлигидир. Шунингдек, у ақл билан топиб бўлмайдиган юксак масалаларни ҳам идрок эта олади. Руҳ – ўзгарувчан. У ривожланади, юксалади, бироқ фоний эмас. Шу ўринда бир нарсани инобатга олиш зарур, яъни ҳайвоний руҳ фоний, ўткинчи ва у то ўтиб кетгунича инсоний руҳ билан бирга ҳаёт кечиради. Агар инсоний руҳ ҳайвоний руҳ устидан ҳукмрон бўлсагина инсон ўзлигини билиш ва таниш даражасига кўтарилади. Бунинг учун солиқ ўз руҳига Аллоҳнинг маликлик сифатини сингдириши талаб этилади. Инсоннинг ўз ахлоқини тузатиши соф психологик ҳодиса ҳисобланади ва у ўзида ўзи билан кураш, ўзини таҳлил қилиш, ўзини назорат қилиш, ўзини бошқариш сингари психологик сифатларни мужассамлаштиради.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Рутбат ул-ҳаёт” китобида руҳ ҳақида шундай деб ёзади: “Руҳ аслларнинг аслидир. Инсон бадани ва аъзолари руҳ билан тирик. Руҳнинг борлиғи соясида бадан кўради, билади, эшитади, ушлайди, юради. Руҳнинг хусусият ва фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади. Жўмардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл мавзеси, карам макони, яқинлик қароргоҳи, қудсият маскани, ҳаёт маҳали, унсият бўстони, севги-дўстлик водийси, муҳаббат денгизи, сукунат майдони ва мукошафат йўли руҳдир”²⁹.

Хожа Юсуф Ҳамадоний руҳ кирган борлиқларни доимо ҳаракатда деб билади. Демак, тана аслида ўлик нарса бўлиб, унга руҳ тириклик бағишлайди. Одамни фаолиятга келтирувчи барча аъзолар руҳ туфайли ҳаракатланишини таъкидлапти муаллиф. Руҳнинг муҳим хусусияти - Ҳаққа бўйсинишдан иборатдир. Хожа Юсуф Ҳамадоний таъкидлаганларидек, “Руҳ кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг кўрувчисидир. Руҳ кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, ҳидлаш ва ҳидланган, тотиш ва тотилган, англаш ва англашилганнинг эшиги ҳам руҳдир”.³⁰

²⁹ Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 63 бет. - 49-бет.

³⁰ Ўша асар, 50-бет.

Рухнинг яна бир сифати ирода ва ихтиёрнинг унда яширинганлигидир. Аъзоларни руҳ ҳаракатга келтирди ва аъзолар билан ҳаркатлантирувчи бир бирига ўшамайди. Ҳаракатланувчи - ўлади ва ўлик нарса. Ҳаракатлантирувчи руҳ бўлиб, у ўлмайди.

Маълумки, ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни лойдан (тупроқдан) яратиб, сўнгра унга руҳни пуфлади ва ниҳоят одам дунёга келди. Шундан сўнггина Аллоҳ фаришталарга қарата одамга сажда қилишга буюради. Одамнинг руҳдан бошқа барча нарсалари ўлик эди ва руҳ кириб унга тириклик кирди. Демак, фаришталар руҳга сажда қилишганлар. Бу ҳақда Хожа Юсуф Ҳомадоний шундай деб ёзади. “Агар руҳ жавҳар ва зот жиҳатидан фаришталардан кўра покроқ, тозароқ ва софроқ бўлмаганда, Ҳаққа яқинлик ва макон жиҳатидан улардан илғорроқ бўлмаганида ... фаришталар руҳга сажда қилмаган бўлардилар”³¹.

Мана биз руҳ тўғрисидаги маълумотларни қисман кўриб чиқдик ва бизда руҳ тўғрисида маълум тасаввур уйғонди. Энди бевосита биз шу пайтгача шарҳлаганимиз руҳ билан психология фани ўртасидаги муносабатни кўриб чиқишга ўтамиз.

Маълумки, руҳ инсон танасига ҳали у она қорнидаги пайтидаёқ киритилаётган илоҳий субстанция экан. Руҳ шу пайтдан бошлаб то инсон ўладиган кунгача вужуд кўрғонида яшашга маҳкум этилган “маҳбус” экан. Унинг шу ҳаёти дунёдалиқ пайтларида вужуд (тана, бадан) билан мужодаласи амалга ошар экан. Руҳ бир умр охират сафарига отланган ҳолда яшайди. Вақти етгач, бадан ўлгач, у ўлмайди, у гўё зиндондан озод бўлган маҳбусдек озодликка чиқади ва то қиёматда танага қайта киргунча ўзининг илоҳий манзилида яшайди. Бу ҳақда Абу Ҳомид Ғаззолий шундай деб ёзади: “Билғилки, инсоний руҳнинг ҳақиқати қолипсиз, зотида қойимдир. Ўз зотининг қиёми ва хос сифатлари аслида қолипга ҳожати йўқдир. Ва ўлим руҳ ҳақиқатини нобуд қилолмас. Балки ўлганнинг маъноси – инсоний руҳнинг қафасдан чиқишидир”³².

Биз энди психология фани ҳақида фикрларимизни изҳор этамиз. Психология энг мураккаб фанлардан бири ҳисобланиб, унинг ўрганадиган предмети психикадир. Психика эса бош мия фаолиятининг функцияси. Бош мия ўз ўрнида тузилиши ва фаолияти

³¹ Ўша асар, 51-бет.

³² Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Рух ҳақиқати). –Т.: “Адолат”, 2005. - 412 б. - 100-бет.

қонуниятлари бўйича дунёдаги энг мураккаб организм ҳисобланади. Психологик ҳодисаларнинг ўзи ҳам кўп қиррали бўлиб, психиканинг кўплаб қонунлари ҳали ўрганилмаган, кашф этилмаган. Психикага психик жараёнлар, психик хусусиятлар, психик ҳолатлар, психик тузулмалар ҳамда ижтимоий психологик ҳодисалар ва жараёнлар киради.

Маълумки, инсонда ўлим ҳодисасининг белгиларидан бири бош миянинг ўз фаолиятини тўхтатишидир. Демак, бош мия “ўлар” экан, табиийки унинг фаолияти ҳам “ўлади”. Бу ҳақда Абу Ҳомид Ғаззолий шундай деб ёзади: “Ва лекин ҳис ва ҳаракат ва сезгиларким, димоғ ва аъзолар воситаси бирла эди, булар ботил бўлур”³³. Ғаззолий ҳазратлари айтган ҳислар, сезгилар, ички (психик) ҳаракатлар (улар маълум аъзолар воситасида амалга оширилади) ботил экан (фоний бўлади, ўлади). Демак, психология фанининг предмети руҳ эмас экан. Шу нуқтаи назардан, психология фани билан руҳ ўртасидаги алоқа бевосита эмас, балки билвосита экан. Демак, психология фанининг предмети руҳ эмас. Шу нуқтаи назардан, психология фани билан руҳ ўртасидаги алоқа бевосита эмас, балки билвосита кечади. (Бизнинг фикримизча, руҳшунослик деб аташ мантиқан нотўғри. Икки важҳдан нотўғридир: Биринчидан, психологиянинг предмети руҳ эмас психика экан. Шунинг учун ҳам фаннинг “психология” деб аталиши тўғрироқдир. Чунки бу номланишда психологиянинг предмети фан номида бўртиб чиқиб турибди. Иккинчидан, руҳ Қуръони каримда чуқур таҳлил қилиш, ўрганиш тақиқланган соҳа ҳисобланади. (“Қул ир-руҳи мин амри рабби”) Агар “руҳшунослик” деб номланадиган бўлса, мазкур илоҳий тақиқни бузган бўламиз).

Маълумки, тана ва нафс – ҳайвоний руҳ деб аталади, илоҳий неъмат ҳисобланган руҳ эса инсоний руҳ дейилади. Уларнинг ҳалок бўлиши ҳақида Абу Ҳомид Ғаззолий шундай деб ёзади: “Ва лекин ғойиб бўлмоқ икки тариқатда бўлур. Бири ҳайвоний руҳ ўлмак бирла, яна бири инсоний руҳнинг сайр этмоғи бирладур”³⁴. Абу Ҳомид Ғаззолий фикрларига таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, психология фани руҳни бевосита ўрганмайди. Савол туғилади: улар ўртасида қандай алоқа бор? Биз юқорида айтдикки, психология фани руҳни билвосита ўрганади. Бу ҳолатни қуйидагича тушунтириш мумкин:

³³ Ўша асар, 102-бет.

³⁴ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Руҳ ҳақиқати). –Т.: “Адолат”, 2005. - 412 б. – 103 бет.

ирода психология фанининг тадқиқот предмети ҳисобланади. Сабр эса психологик тушунча эмас, этик-ахлоқий тушунча ҳисобланади. Сабрнинг асосида эса ирода ётади. Иродали одам – сабрли одамдир. Демак, руҳ ҳодисалари психологик ҳодисалар асосига қурилар экан. Солиқлар (тариқат йўлига кирганлар) ҳақида гапирдик. Уларнинг тариқат йўлидаги ҳаракатлари, жидду жаҳдлари, маълум мақомларга қанчалик тез кўтарилишлари шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ ҳолда кечади. Тасаввуфдаги руҳий сафарда солиқ психология фанининг тушунчаси бўлган ўз ўзини англашга таянади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборимизни қаратмоқчимиз. Радий Фиш ўзининг “Жалолиддин Румий” деб номланган китобида ёзади: “Совет олимлари, айниқса таниқли эроншунос Е.Э.Бертельс тадқиқотлари шуни кўрсатадики, сўфий шайхлар аслида экспериментал психология билан шуғулланишган. Ўз-ўзини қатъий чеклаш – муруқба ва ўз-ўзини кузатиш – муҳсаба йўли билан мақсадга мунтазам интилиш орқали улар ўзларида букилмас ирода, ўлимга ҳам тик кулиб боқувчи жасорат каби сифатларни, бошқаларнинг “ўй-хаёлларини ўқий олиш”, ўзида ва ўзгаларда гипнотик ҳолатларни юзага келтириш малакасини тарбиялашган”³⁵.

Дарҳақиқат, сўфийлар фойдаланган усуллар психотехник усуллар ҳисобланади. Бироқ психотехник усулларнинг ҳам, ўз-ўзига таъсирнинг ҳам, психологиянинг ҳам таъсири маълум чегарагачадир. Агар эътибор берсангиз, руҳ сафарининг бешта латифаларидан учтасини касбий, иккитасини ваҳбий дедик. Бу дегани руҳ сафарининг учтасига психотехник усуллар ёрдамида эришиш мумкин. Лекин қолганларини Аллоҳ ўзининг лутфи билан беради. Демак, мазкур фикрдан иккита хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, руҳ психологик қонун-қоидаларга бўйсинмайди ва унинг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд; иккинчидан, бугунги психология фанининг методологик арсенали руҳ билан психика ўртасидаги муносабатларни ёритиб бериш имкониятига эга эмас. Психология фанида мазкур муносабатларни ёритиб бера оладиган, дунёнинг ўта мураккаб тузилишга эга эканлигини, ҳали руҳ тўғрисида билимларимиз етарли эмаслигини ва ниҳоят биз яшаб турган оламда илоҳийликни инкор

³⁵ Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий биографик роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -282 б. -143-бет.

қилган ҳолда фаннинг ривожланиши мумкин эмаслигини назарда тутган методологик тамойиллар ишлаб чиқилиш вақти етиб келди.

Тасаввуф таълимоти ва амалиётида кузатиладиган руҳоний ҳодисаларни бугунги кундаги мавжуд психологик методикалар ва таҳлил услублари ёрдамида ўрганиб ҳам бўлмайди. Масалан, солиқдаги фано ҳолини олинг. Унга психологик таъриф бериш мумкин. Бироқ ҳар қандай психологик таъриф ҳам (барча психик фаолликнинг бир нуқтага жамланиши, тафаккур ва хаёл жараёнларининг тўхтатилиши, ҳис-туйғуларнинг жумбушга келиши натижасида мантиқий ва илмий тафаккурларнинг фоний бўлиши, инсон онги ва англолмаганлиги ўртасидаги чегараларнинг олиб ташланиши, солиқ дунёвий ва ухровий тажрибаларининг қоришиб кетиши ва ҳ.) унинг мазмун-моҳиятини очиб бера олмайди. Чунки бу ҳолнинг бир учи илоҳиётга бориб тақалиб қолади. Бу ҳақда Жалолиддин Румий шундай деб ёзади: "Шайх "мен" ва "биз" даъвосидан воз кечди ва унинг "мен"лиги фано топди. Борлиғидан ҳеч нарса қолмади. "Ўлишдан олдин ўлингиз" (ҳадис) ҳикмати Оллоҳ нурида ҳалок бўлди. Энди унинг ўзи Оллоҳнинг нури бўлди".³⁶ Балки машқ ва ҳаракатлар билан инсон ўз борлиғида ҳеч нарса қолдирмаслиги мумкин, бироқ унинг ўрнига Аллоҳнинг нурининг кириши чегарасидан илоҳиёт бошланади. Холбуки бу нурсиз фано фано бўлмайди. Агар шу талаб (шарт) бўлмаганда оламни авлиёлар босиб кетган бўлар эди. Умуман айтганда, асосида тавҳид ётмаган "фано" ёки кўзбўямачилик ҳисобланади, ёки жамият учун зарар келтирадиган ҳолга айланади.

Хулоса қилиб айтганда, руҳ нафақат психология, балки қатор фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Буларга-теософия, диншунослик, тарих, философия, этика, эстетика, адабиётшунослик ва ҳ.к. Ҳар бир фан бу илоҳий неъматни у ёки бу жиҳатдан ўрганади. Асосий тадқиқот йўналишлари руҳ билан тана ўртасидаги муносабатларга бориб тақалади ва бу муносабатлар инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этгани боис ўта муҳим ҳисобланади. Шунинг учун мазкур муносабатларни турли хил фан соҳалари турли қирралардан туриб таҳлил қилмоқдалар.

Томас Х.Элмор "Суфизм и психология" китобида психология фани камчиликлари ва келажаги ҳақида шундай деб ёзади: "Фан сифатида анъанавий психология асосан ўз интилишларини субъектив

³⁶ Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. – Т.: "Янги аср авлоди", 2003. – 199 б. – 22-бет.

тажрибага эмас, балки кузатилаётган хулқ-атворга қаратди. Шу билан у ихтиёрий ҳолда ўзининг тадқиқот майдони чегараларини чеклади. У квант физикасида яқинда топилган кашфиётлардан кўзини юмди. Бунда шу нарсалар аниқланган эдики, тадқиқотчининг иштироки тадқиқ қилинаётганнинг табиатини ўзгартириб юборади. ...Сўфизм психологияси ўзида физикани, метафизикани, эпистемологияни ва олий ҳаётий мақсад ҳисобланган ўз-ўзини реализация қилиш учун технологиялар тўпламини мужассамлаштиради”³⁷. Олимнинг эътирофига кўра, психология ўз эътиборини субъектив тажрибага қаратганда анча кенг имкониятларга эга бўлар эди. Субъектив тажрибага, масалан, сўфий тажрибаси киради. Бу – биринчи хулоса. Доктор Томас Х.Элморнинг сўзларидан чиқадиган иккинчи хулоса шундаки, тадқиқотчининг иштироки физикавий ҳодисалар табиатига ҳам таъсир қилар экан. Психик ҳодисаларни тадқиқ қилишда бу таъсирнинг қудрати қай даражада бўлади? Демак, психологик тадқиқотларда мазкур ҳолни инобатга олиб қўйиш зарур.

Умумий хулоса шундан иборатки, психология ҳали субъектив тажрибани тадқиқ қилишнинг методологик ва методик арсеналига эга эмас. Психология фани келажакда шу муаммони ҳал қилмас экан, “психика объектив борлиқнинг инъикосидир” деган, бундан юз йиллар олдин чиқарилган хулоса доирасида қолиб кетишлиги кундай равшан бўлиб қолди.

Бугунги кунда ғарб (ҳатто баъзи шарқ) психологлари томонидан тасаввуф таълимотини З.Фрейднинг психоанализи билан боғлашга уриниш кузатилаяпти. Бу ҳам тасаввуф психологиясининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Радий Фиш шундай деб ёзади: “Ғайришуурий ҳодисаларни ўрганишда ҳиссий ҳаёт негизларидан бири бўлмиш шаҳвониятга ҳам суянувчи ҳозирги замон психоаналитикларига ўхшаб, сўфий шайхлар шариятда раҳнамо ақл бўлса, тариқатда раҳнамо муҳаббатдир, деб қарашарди. Сўфийлар ҳақиқатни - маҳбуб, маъшуқа, ўзларини ошиқ деб аташларини эсласак, уларнинг ҳиссиётининг маънавиятга ўтишга имкон берувчи психофизиологик ҳодиса – сублимациядан нақадар самарали истифода этганликлари маълум бўлади”³⁸.

³⁷ Лил Вилкокс. Суфизм и психология. – М.- СПб.: “Диля”, 2005. – С. 254. – 6-бет.

³⁸ Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий биографик роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -282 б. – 146-бет.

Юқоридаги фикрлардан тўртта хулоса беришимиз мумкин. Биринчидан, тасаввуф деб аталган ва минглаб йиллар давомида шаклланган психологик таълимот билан З.Фрейднинг шахсий кузатишлари маҳсули ҳисобланган концепциясини қиёслаш мантиқан тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки тасаввуф таълимоти таянган субъектив тажриба билан психоанализдаги тажриба бир-бирига мутлақо мос тушмайди. Иккинчидан, психоанализ асосида Фрейднинг даҳриёна қарашлари ётади. Тасаввуф асосида эса бунинг акси – тавҳид ётади, яъни бу таълимот тавҳид асосида қурилганлиги сабабли ҳам қутбнинг бошқа тарафида туради. Учинчидан, Фрейд шахвониятни тасаввуфдаги нафси аммора даражасида ўрганади ва ундан заррача ҳам чиқиб кетмайди. Тасаввуфда назарда тутилган муҳаббат илоҳий характерда бўлиб, конкрет бир шахсга эмас, балки Аллоҳга йўналтирилган. Бу нафси комила босқичидаги нафс хусусияти ҳисобланади. Тўртинчидан, илоҳий муҳаббатни сублимация деб таърифлаш, ишқнинг бу кўринишига, маълум маънода, ҳақорат деб ҳисобласа бўлади.

Шарқ психологиясининг асосчилари аввалом бор тасаввуф аҳли, сўфийлар эди. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир авлиё ўзига хос психолог, психотерапевт, психоконсультант, психоаналитик эди. Улар чиқарадиган хулосалар, улар фойдаланадиган муолажа усуллари, улар берадиган маслаҳатлар, улар қиладиган руҳий таҳлиллар руҳ билан психика, руҳ билан тана, психика билан тана ўртасидаги уч ёқлама муносабатларни инобатга олиш нуқтаи назаридан амалга оширилар эди. Ғарб психологиясининг камчилиги руҳнинг инсон психологиясидаги ва физиологиясидаги ўрнини кўра билмаслигидадир. Доктор Томас Х.Элмор бу ҳақда шундай деб ёзади: "Ғарб психологияси тана, эго ва маданият билан чегараланиш тенденциясига эга"³⁹.

Р.Фрейджер ва Дж.Фейдимен Шарқ ва Ғарбда яратилган шахс назарияларини қиёслаган ҳолда шундай хулоса чиқаришади: "Бу системалар (шахснинг шарқона назариялари – Х.А.) ҳақиқатдан ҳам кўплаб шахснинг ғарбона назарияларидан қадриятларга ва ахлоқий масалаларга қизиқишнинг ошиши ва маълум маънавий-руҳий

³⁹ Лил Вилкокс. Суфизм и психология. – М.- СПб.: "Диля", 2005. – С. 254. – 6-бет.

нормалар билан мос ҳолда ҳаёт кечириш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратиши билан фарқланади”⁴⁰.

Бугунги кунда сиҳат-саломатлик асосий қадриятлардан бири ҳисобланган ҳамда барча психологик назария ва коцепцияларнинг эътибори инсон саломатлигига йўналтирилган ғарб психологиясидан фарқли ўлароқ шарқ психологияси биринчи ўринга ахлоқни қўяди. Ахлоқни инсон саломатлигининг асосида ётадиган унсур сифатида баҳолайди. Шарқ психологиясида ахлоқий ўсиш барча психик ва психологик муаммоларни ечиш имкониятини беради, деган ғоя илгари сурилса, “ғарб психологлари одатда ўсишни эғони мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қарайди: кўпроқ мустақилликка, мустақил саъй-ҳаракатга, ўзини ўзи реализация қилишга эришиш, невротик жараёнлардан қочиш ва психикани соғломлаштириш”⁴¹ деган ғоя илгари сурилади.

Бу ўринда гапни мухтасар қилиб, машҳур психолог Карл Юнгнинг ёзганлари билан чекланишни мақсадга мувофиқ деб билдик. У шундай деб ёзган эди:”Шарқ психологиясини билиш... ғарб психологиясининг танқидий ва объектив кўриб чиқилиши учун зарур асосни шакллантиради”⁴².

Шу ўринда Н.А.Соғинов ва З.А.Шоумаровалар томонидан илгари сурилган қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: “1. Ғарб психологик қарашларида: **нимадан? кимдан? қаёқдан?** – каби саволларга жавоб қидирилади. Бунда ўрганилаётган объект **ўтмишига** эътибор қаратилади. ...2. Шарқ психологик қарашларида: **нима қилиш керак? қандай қилиш керак?** – каби саволларга жавоб қидирилади. Бунда асосий эътибор ўрганилаётган объект **келажагига** қаратилади”⁴³. Албатта муаллифларнинг фикрлари билан келишмасдан иложимиз йўқ.

Сўнги пайтларда ўзбек психологиясида Шарқ ва Ғарб психологиясини яқинлаштиришга интилиш, улардаги муштарак томонларни излаш тенденцияси кузатилаяпти. Бунинг ёмон томони йўқ албатта. Аслида илмнинг манбаи байналмилал хусусиятга эга. Бироқ

⁴⁰ Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен/ Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. – 704 с. – 21-бет.

⁴¹ Ўша асар, 22-бет.

⁴² Ўша асар, 22-бет.

⁴³ Соғинов Н.А. ва Шоумарова З.А. Психологияни ўқитишда диний таълимотларнинг ўрни. // Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет. – 48-54-бетлар.

қачонким гап ислом дини психологияси ҳақида кетар экан, эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки асоси тавҳидга йўғрилган таълимот билан соф психологик таълимотларни (масалан, экзистенциализмни) қиёслаганда улар ўртасидаги ўхшашликларни топишга нисбатан сунъий уриниш самара бермайди. Буни айниқса сўфизм билан экзистенциализмни қиёслаш бўйича ўтказилган тадқиқотда кузатса бўлади.⁴⁴

Биз қуйида Абу Ҳомид ал-Ғаззолийнинг руҳ ва унинг манзиллари тўғрисидаги қарашларини кўриб чиқамиз.

Руҳ билан бадан бошқа-бошқа нарсалардир. Бадан муддат ва ёш ўтиши билан таназзулга юз тутати. Руҳ эса, аксинча, ёш ошиши ва муддат ўтиши билан такомиллаша ҳамда ривожлана бориши мумкин.

Руҳ билан бадан ўртасида ўзаро диалектик алоқа мавжуд, яъни руҳ бадан ёрдамида ҳаракатланади, ўзгаради, ривожланади. Мана исломда нима учун баданий амаллар муҳим роль ўйнайди. Чунки руҳнинг ўзи амалларсиз, аниқроғи, бадан амалларисиз юксала олмайди. Шунинг учун ҳам тасаввуф аҳли шариатсиз тариқат йўқ, деб ҳисоблашади.

Руҳ баданга ўзининг асл ватанидан келиб киради ва бадан кемасида сафарга чиқади. Вақти келиб у тагин ўзининг асл ватанига қайтади. Бироқ энди у илк руҳ эмас. Бу руҳ сафар таассуротлари билан тўйинган руҳ ҳисобланади. Шу сафар давомида у бадан кемасидан фойдаланган ҳолда бир қанча манзилларни босиб ўтади. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг фикрича, бу манзиллар тўрттадир. Руҳ манзилдан манзилга юксала боради. Бу манзиллар ҳақида алломанинг ўзи шундай деб ёзади: “Бас, руҳнинг аввалги манзили олами маҳсусотдир (ҳиссиётлар олами), андин кейин тахаййулот, андин кейин мавҳумот, андин кейин маъқулот (ақлий олам)дур. Бас, маъқулот руҳоний руҳнинг тўртинчи манзилдурки, (одамнинг руҳи) ўзга манзилларда хабар топмаган нимарсалардан олами маъқулотда хабардор бўлғусидур”⁴⁵.

Имом Ғаззолий ҳазратлари руҳнинг манзилларини қиёс билан тушунтиришга ҳаракат қилади. Руҳнинг илк манзили маҳсусот олами (ҳиссиётлар олами) ҳисобланади. Бу оламда одамнинг мартабаси

⁴⁴ Султанова Л.З. Личностное развитие в суфизме и экзистенциальный взгляд на личность в психологии. // Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет. – 68-76-бетлар.

⁴⁵ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Руҳ ҳақиқати). –Т.: “Адолат”, 2005. - 412 б. -117 б.

парвона мартабасида бўлади. Бу ҳашарот ўзини чироққа – ёруғликка уради. Чунки унда кўриш сезгиси бўлсада, бироқ хотираси йўқ. Улар то куйиб кул бўлгунича ўзларини ёруғликка ураверадилар. Сабаби уларда эслаб қолиш қобилияти бўлмайди. Агар шу қобилияти бўлганда эди, иккинчи марта парвона ўзини ўтга урмаган бўлар эди. Ҳайвонлар мартабасида эса хотира бўлганлиги боис бир марта калтакланган ҳайвон кейинги сафар таёқни кўрса қочади. Шундай қилиб, махсусот руҳ сафарининг илк манзили ҳисобланади.

Юқорида айтилгандек, руҳ сафарининг кейинги манзили – таҳайулот оламидир. Бу даражани Ғаззолий ҳайвонлар мартабаси билан боғлайди. Бу мартабада инсонга бирорта ситам етса, ўша ситам келтирувчи нарсадан қочади. Бунда хотира асосий роль ўйнашлигини юқорида ёздик.

Руҳ сафарининг учинчи манзили – мавҳумот олами ҳисобланади. Ғаззолий ҳазратларининг фикрича, бунда руҳ от ёки туя мартабасига етади. Бунда энди ҳайвон душманнинг режасини кўрмасдан бурун қочади. Масалан, қўй бўрини кўрса қочади, от йўлбарсни кўрса қочади. Қўйга фил, туя ёки от кўринса қочмайди. Бу қўйда душманлар тўғрисидаги хотира илгаридан киритиб қўйилган.

Руҳ сафарининг тўртинчи манзили маъқулот олами ҳисобланади. Бу ақлий оламдир. Бу мартабада руҳ барча ҳайвонларнинг мартабасидан юқори бўлади. То ақли ва фаҳми камолга етишмагунча уларда ҳайвоний руҳнинг қуввати сақланиб қолади. Бу мартабада инсон келажакда бўладиган ишларни олдиндан фаҳмлайди, ҳар қандай иш ҳақиқатини англайди.

Эътибор бериб қаралса, руҳнинг бадандаги тараққиётидаги даражаларига мос ҳолда турли хил тоифадаги кишилар шаклланар экан. Агар руҳнинг бадандаги ривожланиши биринчи мартабада қолиб кетса, у ҳа деб хатоликлар қилаверадиган, хатолардан хулоса чиқара олмайдиган, “ҳассасини қайта-қайта йўқотадиган” кўзи очик одамдир.

Агар руҳнинг бадандаги ривожланиши иккинчи мартабада бўлса, бундай киши хато ва гуноҳларни бир қилиб, кейин қайта қилмайдиган кишидир.

Мавҳумот олами мартабасидаги кишилар эса маънан покиза инсонлардир. Улар бировларга ёмонлик қилишни эплай олмайдиган, ёлғон гапиролмайдиган, ўзини эмас, фақат ўзгаларни ўйлайдиган, олийжаноб, саҳоватпеша, камтарин кишилардир.

Абу Ҳомид Ғаззолий маъқулот манзиллини анбиё-ю авлиёлар ва тасаввуф аҳлининг мақоми ва мартабаси деб ҳисоблайди.

Кўришиб турибдики, руҳнинг сафари идрок оламидан бошланиб, фаришталар даражасига кўтарилиши мумкин экан. Олимнинг фикрига кўра, масаланинг муҳим томони шундаки, инсон қиёматда маълум манзилга чиққан руҳ билан ҳисоб-китоб қилинади.

Имом Ғаззолийнинг юқорида зикр этган манзилларини умр даврларига қиёсласа ҳам бўлади. Инсон мурғаклигида ўз ахлатини нондан фарқлай олмайди. У умр пиллапояларидан юқорига юксала борар экан, шаклан ва маънан ривожлана боради. Шаклий ривожланиш маълум чегарада тўхтайдди, бироқ маънавий тараққиёт ўлгунча давом этади. Инсоннинг мақсади ўз руҳини юксалтиришдан иборатдир. У парвона, ҳайвонлар, от ёки туя мартабаларидан юксалиб, фаришталар мартабасига интилиши лозим.

Биз руҳнинг мартабаларига инсонларнинг хулқ-атворидан келиб чиққан ҳолда баҳо бердик. Демак, инсоннинг хулқ-атвори руҳ манзиллари тўғрисида хулоса беришимиз мумкин бўлган мезон ҳисобланар экан.

Шундай қилиб, руҳ инсон баданига тушгач, тўртта манзилни бошидан кечириши мумкин экан. Айтилганлардан учта муҳим хулосага келса бўлади: биринчидан, психологик категориялар – ҳиссиёт, хаёл, тасаввур, ақл ва ҳ. лар руҳга, унинг юксалишига хизмат қилади ва бундан психология фанида руҳни ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлади; иккинчидан, руҳнинг баданда ривожланишининг манзилларини таълим-тарбия жараёнида инобатга олмоқ лозим; учинчидан, руҳни пок, гўзал хулқларга эга, савобларга тўйинган ҳолда асл ватанига кузатмоқ зарур.

Назорат саволлари:

1. Дин психологиясининг предмети нимадан иборат?
2. Дин тузилмаси қандай компонентлардан ташкил топган?
3. Диний психологиянинг шаклланиши, тараққиёти ва функциялари қонунларини ўрганиш қандай йўналишларда олиб борилади?
4. Дин психологияси фанининг вазифалари намалардан иборат?
5. Диннинг психологик негизи қандай жиҳатлардан таҳлил қилинади?

6. Диншунослик фанининг қандай функциялари бор?
7. Дин психологияси психологик фанлар тизимида қандай ўринни тутади?
8. Дин психологиясининг ўзга фанлар билан алоқасида қандай муаммолар кузатилади?
9. Дин психологиясининг методологик масалалари нималардан иборат?
10. Дин психологиясининг қандай тадқиқот методлари бор?
11. Руҳ психология фанининг предмети бўлиши мумкинми?

1.2. Дин психологияси ва диний гуруҳлар психологияси.

1. *Кичик гуруҳ тушунчаси.* Инсонда диний эътиқодни шакллантирувчи микромуҳитнинг муҳим омилларидан бири диний гуруҳлар ҳисобланади. Диний гуруҳлар ҳақида гапиришдан олдин умуман кичик гуруҳ тўғрисида тушунчага эга бўлайлик.

Кичик гуруҳ – таркиби бўйича унча катта бўлмаган, бевосита шахсий ўзаро таъсир ва муомалада бўлган ҳамда умумий ижтимоий фаолият билан жипслашган кишиларнинг етарли даражада турғун бўлган тўплами. Барча одамлар у ёки бу кичик гуруҳларнинг аъзолари ҳисобланади: синфнинг ўқувчиси, бригаданинг аъзоси, талабалар гуруҳи ва ҳ.к. Кичик гуруҳлар камида 2-3 кишидан, кўпи билан 20-40 кишидан иборат бўлади. Кичик гуруҳларнинг оптимал миқдори 5-7 кишидан иборат бўлади⁴⁶.

Кичик гуруҳларга қуйидаги белгилар хосдир:

- 1) одамларнинг шахсий алоқалар учун имкон берадиган маконий ва замоний уюшмаси;
- 2) гуруҳ аъзолари хулқ-атвори умумий этолонининг, ахлоқий ва қадриятларга тааллуқли бўлган нормаларнинг қабул қилинганлиги, яъни референтлиги;
- 3) гуруҳ аъзоларининг яхлитлиги, бирикканлиги, яъни интегративлиги;
- 4) гуруҳнинг алоҳида аъзоларининг гуруҳ ичидаги фаоллиги, яъни интрагуруҳ фаоллиги;
- 5) гуруҳ ва унинг аъзоларининг ташқи гуруҳлар билан фаоллиги, яъни интергуруҳ фаоллиги;
- 6) гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар характери, уларнинг гуруҳдан розилиги, яъни микромуҳит;
- 7) гуруҳнинг ўзини ўзи бошқаришга қобилияти, яъни ташкилийлиги;
- 8) гуруҳнинг йўналганлиги, яъни ҳамкор фаолият учун доимий мақсаднинг мавжудлиги ва унинг гуруҳ томонидан қабул қилинганлиги ва ҳ.к.

Кичик гуруҳлар қуйидаги параметрларга эга бўлади:

⁴⁶ Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Изд-во МГУ, 1980. С. 176-182.

1) гуруҳнинг таркиби – ўзга гуруҳлар орасида мазкур гуруҳнинг ўзига хослигини белгилайди;

2) гуруҳнинг тузилмаси – раҳбарлик ва бўйсинишнинг, гуруҳ аъзолари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланиши, гуруҳ аъзолари ҳамкор муносабатларининг тартиби;

3) гуруҳий жараёнлар – гуруҳ фаолиятини ташкил этувчи жараёнлар;

4) гуруҳий нормалар – мазкур гуруҳда барча аъзолар томонидан қабул қилинган ҳулқ-атворнинг қонун-қоидалари тизими ва ҳ.

2. *Кичик гуруҳлар классификацияси.* Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификациясини таклиф этган.

Кичик гуруҳларнинг турлари:

Шартли (номинал) ва реал (ҳақиқий);

Табиий ва лаборатория типли;

Формал (расмий) ва ноформал (норасмий);

Кучсиз ривожланган ва кучли ривожланган;

Корпорация ва жамоалар;

Референт ва нореферент.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи функция; б) инструментал функция, яъни, аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит; в) экспрессив функция - одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) қўллаб – қувватлаш функцияси, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

Биз юқорида кичик гуруҳлар тўғрисида қисқача тушунчага эга бўлдик. Энди кичик диний гуруҳларни кўриб чиқишга ўтамыз.

3. *Диний гуруҳ тушунчаси.* Диний гуруҳ – диний уюшмалардан бири бўлиб, унинг аъзолари ҳамкорликда ибодат қилишлари учун ва эътиқодларини тарқатиш учун эркин ҳолда уюшган бўлишади. Ижтимоий гуруҳлардан бири ҳисоблаган диний гуруҳларнинг ўзига хослиги нимада? Мазкур уюшма доирасида одамларни нима уюштиради? Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, бу ерда диний эътиқод ҳамкор ҳолда ўз аъзоларига ёки ташқи гуруҳларга узатилади. Бундай гуруҳнинг пайдо бўлишига даставвал диний эътиқод билан яшашга ва уни тарқатишга бўлган эҳтиёж сабаб бўлади. Диний эътиқодга амал қилиш ва тарқатиш ижтимоий фаолият

турларидан бири ҳисобланиб, бунда инсон илоҳиётга нисбатан ўзининг муносабатини билдиради ва шу муносабатини амалда кўрсатади.

Диний гуруҳларнинг таснифини қисқача кўриб чиқамиз:

1) аъзолар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлиги бўйича:

а) очиқ типдаги гуруҳлар – аъзоларнинг аъзолиги қайд қилинмаган, бироқ диндорларнинг мустаҳкам ядросидан ташкил топган диний гуруҳ;

б) ёпиқ типдаги гуруҳлар – диндорларнинг қатъий қайд қилинган таркибига эга бўлган, турғун шахслараро контактлар мавжуд бўлган ва ўта уюшган диний гуруҳ.

2) эътиқодининг мазмунига кўра:

а) ижобий идеалга таянадиган конструктив диний гуруҳлар;

б) тўлиқ деструктив (ботил) мазмун билан характерланадиган диний гуруҳлар.

3) ташкил бўлишининг шаклига кўра:

а) расмий гуруҳлар, яъни давлат томонидан рўйхатдан ўтган диний гуруҳлар;

б) норасмий гуруҳлар, яъни рўйхатдан ўтмаган, лекин бир эътиқод атрофида уюшган диний гуруҳлар.

Диний гуруҳлар жамиятдан ташқарида алоҳида мавжуд бўлмайди. У ўз ўрнида ўзидан нисбатан каттароқ бўлган, одатда умумий маросимларга ва умумий эътиқодга эга бўлган ҳамда бир қанча диний гуруҳларни бирлаштирадиган мураккаб тизимнинг элементи ҳисобланади. Бундай тизимни диний ташкилот деб аташади.

Бизнинг мамлакатимизда асосан икки хил диний гуруҳлар фаолият кўрсатишади. Биринчиси, аъзолиги қатъий қайд этилмаган очиқ диний гуруҳлар. Уларни бирлаштириб тураган нарса ибодатларини бир жойда қилишлари. Масалан, жума номозларида мусулмонларнинг масжидларда ибодат қилишлари. Уларнинг ичида ибодатга доимий ҳолда келадиган ядро мавжуд. Бироқ уларнинг бир қисми гоҳ келиб, гоҳ келмайди. Муҳими, бу жамоага кимнинг келиши ёки келмаслиги аниқ қатъий қайд этилмайди.

Диний гуруҳларнинг кейинги типи диндорларнинг аъзолиги қатъий белгиланганлиги билан характерланади. Бу тип диний конфессияларга хос бўлган ҳолат. Маълумки, мамлакатимизда кўплаб диний конфессияларга фаолият кўрсатиш учун расман рухсат берилган.

Уларнинг аъзолиги қатъий расмийлаштирилади. Бундай гуруҳларда аъзолар ўртасида шахсий муносабатлар ўрнатилган бўлади, уларнинг бевосита контактлари такрорланувчан ва доимийдир. Бундай гуруҳларга ҳар қандай кичик гуруҳларга хос бўлган қонуниятлар кучга киради.

А.И.Демьяновнинг тадқиқотларига кўра, жамоа аъзоларининг пропорционал, ички уюшганлигига тўғри пропорционал ҳолда боғлиқ бўлар экан.⁴⁷ Бу хулоса тўғри. Чунки диний гуруҳ қанча кичик ва кам сонли бўлса, у аъзоларнинг хулқ-атвори ва онгига шунча каттароқ таъсир кўрсатади.

4. Диний гуруҳларда расмий ва норасмий муносабатлар. Ҳар қандай кичик гуруҳларда бўлгани каби диний гуруҳларда ҳам расмий ва норасмий муносабатлар ўрнатилади. Гуруҳ аъзоларининг низом ва анъаналар билан регламентлаштирилган муносабатлари тўплами гуруҳнинг норасмий тузилмасини ташкил этади. Гуруҳ аъзолари ўртасида регламентга риоя этиш шарти бўлмаган ҳолдаги муносабатлари гуруҳнинг норасмий тузилмасини беради. Бу икки тизимнинг ўзаро муносабати гуруҳ ичидаги психологик муҳитни белгилаб беради. Бошқача айтганда, расмий доирадаги ишлаб чиқилган нормаларнинг норасмий доирада ҳам сақланиши гуруҳни мустаҳкам ва уюшган қилади.

Расмий тузилмада расман тайинлаб қўйилган раҳбар бўлади. Масалан, бугунги кундаги масжидларимизда расман тайинланган имом хатибларимиз раҳбарлик қилмоқда. Улар билан жамоаси ўртасидаги муносабатлар икки хил бўлади. Иккала тузилмада ҳам раҳбар раҳбарлик қилса, бошқача айтганда, норасмий доирада ҳам имомни раҳбар сифатида қавми тан олса, бундай диний жамоада соғлом психологик муҳит ҳукмрон бўлади.

Гуруҳий диний онгнинг шаклланишида диний гуруҳдаги лидерларнинг ижобий бўлишлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар гуруҳ ичидаги лидерларнинг мақсади расмий раҳбар, яъни имом хатиб мақсади билан бир бўлса, улар жамоанинг маънавий-руҳий ривожланишига фаол таъсир кўрсатадилар. Агар аксинча бўлса, жамоада расмий лидерлар бирорта ишни амалга ошириши қийин кечади. Баъзида гуруҳ ичидан шундай диний “фаол”лар чиқиб қоладики,

⁴⁷ Демьянов А.И. Религиозность тенденции и особенности проявления. – Воронеж, 1984, с.104.

улар имом хатибнинг диний жамоада олиб бораётган ижобий ишларига халақит беради.

Жамоада ибодат қилиш жараёнида таъсир кўрсатиш, тақлид қилиш, ҳиссий юқиш сингари ижтимоий-психологик механизмлар ёрдамида диний туйғулар кучайтирилади, эмоционал жиҳатдан фориғланилади, диндорларда шаклланган диний стереотиплар ва ижтимоий установакалар уларнинг онгида қайтадан кўриб чиқилади, мустаҳкамланади.

Назорат саволлари:

1. Гуруҳга қандай таъриф берилган ва унинг қандай психологик белгилари бор?
2. Р.С.Немов томонидан кичик гуруҳлар қандай таснифланади?
3. Диний гуруҳга таъриф беринг.
4. Диний гуруҳлар қандай таснифланади?
5. Диний гуруҳлардаги расмий ва норасмий муносабатлар тўғрисида нималарни биласиз?
6. Гуруҳий диний онгнинг шаклланишида диний гуруҳдаги лидерларнинг роли қандай бўлиши мумкин?

1.3. Дин психологиясининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи.

1. Дин психологиясининг Америкадаги тараққиёти. XIX аср охирларига келиб дин психологиясига оид илмий изланишлар кўп мамлакатларда оммавий равишда амалга оша бошлади. Аммо дин психологиясини мустақил фан сифатида майдонга чиқишида америкалик психолог Стенли Холл ва унинг шогирдлари томонидан биринчи бўлиб амалга оширилган диний онгнинг табиий асосларини ўрганилиши сабаб бўлди. Стенли Холлнинг АҚШда дин психологиясининг отаси, деб тан олиншига асосий сабаб унинг томонидан 1882 йил “Маънавият ва болаларнинг диний тарбияси” номли мақоласининг чоп этилиши бўлди. В.Вундтнинг шогирди Стенли Холл (1844-1924) Америкада психология фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. У Америкада биринчи бўлиб психология лабораториясини ташкил этиб, лабораторияда турли усулларни тажрибада қўллаб дин психологияси фанини бошқа фанлар тасарруфидан чиқара олди. С.Холл Европада яшаган даврида реурентация назарияси (индивид ўзининг ривожланиш жараёнида инсоният тараққиётининг асосий босқичларини такрорлайди) тарафдорлари ғояларини чуқур ўзлаштиради. Индивиднинг тўлиқ шахс бўлиб шаклланишида диний таълимнинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан диний эътиқод орқалигина шахс жамият аъзоси бўла олади, деган фикрни илгари суради. Унинг назарий ва амалий ишлари издошлари диққатини диний онгни атрофлича ўрганишга қаратди.

1899 йили С. Холлнинг кўзга кўринган шогирди, дин психологияси ривожига катта ҳисса қўшган Стенфорд унверситети профессори Эдвин Старбэк (1866-1947) “Дин психологияси” деган китобида диний эътиқоднинг даражаси ва диний онгни ўрганиш учун анкета сўровномасини амалда биринчи бўлиб қўлади. Ҳозирги кунда ҳам бу усул кенг қўлланиб келинади. Э.Старбэк ўша даврда катта шов-шувга сабаб бўлган диний эътиқодда “биогенетик назария” ғояси билан дин психологияси фанидан жой олди. Унинг фикрига кўра, дин шахснинг биологик томони бўлиб, илдизи инстинктга бориб тақалади ва одам унинг асосида ташқи олами англаб, жамият аъзосига айланади. Диний эътиқодга биогенетик назария асосида ёндашув, унга

хукмрон бўлиб келган диний назарияларга янгича муносабатда бўлишга олиб келди. Э.Старбэк диний эътиқод шахснинг маънавий бойлигидир, деб баҳо беради.

Америкада дин психологиясининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган олим сифатида Жемс Пратт (1875-1944) ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Ж.Праттнинг эътиқод, сиғиниш ва мистицизмнинг психологик қонуниятларини чуқур ўрганишга қаратилган “Диний эътиқод психологияси” (1907) ва “Диний онг” (1920) асарлари дин психологияси тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ж.Пратт асарларининг тез оммалашиб кетишига асосий сабаб уларда диннинг ҳар томонлама улуғланиши эди. Бу эса черков хизматчиларини Ж.Пратт асарларини тарғиб қилишга илҳомлантирди.

Дин психологияси ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиб, янги йўналишни белгилаб берган таниқли олимлардан бири америкалик психолог Вильям Жеймс (1842-1910) ҳисобланади. У ўзининг “Серқирра диний тажриба” асарида диний эътиқодларни таҳлил этишга психология фани қонуниятлари асосида ёндашди. Бунда индивиднинг диндан “мадад” олиш ва субъектив қониқиш ҳосил қилиши нуқтаи назаридан баҳо бериб, уни илмий асослашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, диннинг манбаи инсонни ўраб турган дунёда эмас, балки унинг ўзининг ичидадир, лекин интеллектуал қобиғида эмас, балки руҳий-эмоционал қобиғидадир. Шу боис ҳам индивид ўзидаги диний майлнинг мавжудлигини доимо онгли равишда акс эттиравермайди.

XX аср ўрталарига келиб, Америкада дин психологияси соҳасида катта ютуқларга эришган Уолтер Кларкнинг “Дин психологияси” асари кўплаб университетларнинг илоҳиёт факультетларида дарслик даражасида ўтилган. Бу асарида У.Кларк ўзигача бўлган дин психологиясига оид назария ва ғояларни таҳлил этиб уларни илмий мулоҳазадан ўтказди.

Америкалик файласуф Жеймс Леуба (1868-1946), “Психологияда диний феноменлар”, “Худога эътиқод ва абадият” (1916) каби асарларида дин инсоният тарихида фақат алдов учун қўлланиб келинган, ҳеч қандай ғайри табиий қудратга эга куч бўлиши мумкин эмас, бўлса ҳам бу куч инсон бош мияси маҳсулидир, деган ғояларни илгари суради. У диннинг маърифий, тарбиявий ва маънавий томонларини ажратиб олиб, қолган қисмидан воз кечган ҳолда, янги

динни тузишга чақиради. Лекин унинг бу назариясини ҳеч ким ҳаётга қўлламайди.

Америкалик машҳур психолог В.Жеймс (1842-1910) шахснинг диндорлиги унинг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиқади, деб тушунтиради. Диний эътиқод, дейди у, индивид руҳиятидаги ҳиссий ҳолат ва йўналишларда томир отади. "... ҳиссиёт диннинг энг чуқур манбаидир. Фалсафа Худо ҳақидаги сўзлар иккинчи даражали айрим сифатлардир. Бу ҳудди асл нусхадаги нарсани бошқа тилга ўгирган каби"⁴⁸.

В.Жеймс диний амаллар, субъектив диний феноменларнинг вужудга келишини мистик идрок, экстаз ҳолат (кучли ҳайрат, шодлик), экзальт хаёлот (кучли қўзғалиш), галлюцинация каби ҳолат ва ҳиссиётлар билан боғлаб тушунтирди. Индивиднинг диний ҳиссиётларини таҳлил қилар экан, В.Жеймс уни махсус табиатга эга эмаслигини, балки шахснинг бошқа ҳиссий кечинма ва ҳолатларидан фарқ қилмаслигини таъкидлайди. "Диний севги, диний қўрқув, диний фахр, диний хурсандлик каби кечинмалар мавжуддир. Лекин диний севги инсоннинг диний объектларга қаратилган умумий севги ҳиссидир. Диний қўрқув бу – инсон қалбининг оддий қалтираши холос, лекин у Худонинг жазосидан қўрқиш билан боғлиқ... Шу йўсинда қолган хилма-хил ҳиссиёт кўринишларини диндор одамларда кечишни кўриш мумкин. Ҳар бир диндорда алоҳида эмоционал элементлар бўлмагани каби алоҳида қандайдир абстракт диний сезги борлигини асослашга ҳожат йўқ"⁴⁹.

В.Жеймс диний эътиқод ҳақиқатларини асослашга ҳаракат қилиб уни фойдали ҳодисаларга тенглаштиради. Ҳақиқат бу – амалий жиҳатдан ютуқли, фойдали бўлган ҳаракатлардир, дейди у. Фикр "ҳақиқатдир". Чунки унга ишонч биз учун фойдалидир. Худога ва динга бўлган ишончнинг ҳақиқатлиги уларнинг инсон ҳаёти учун аҳамиятлигидан келиб чиқади. Агар мавжуд ҳаёт учун диний фикрлар қимматга эга бўлса, у ҳолда прагматизм нуқтаи назаридан улар кераклиги жиҳатидан ҳақиқатдир. Худди шунга ўхшаб, деб кўрсатади В.Жеймс, диний амал ва кечинма қийин вазиятларда "халоскор амал" сифатида ҳаётини аҳамият касб этса, у ҳолда, албатта ҳақиқат бўлади. Диннинг қадриятлилиги ижтимоий-психологик функциялар билан

⁴⁸ Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. СПб. 1993, С.40.

⁴⁹ Ўша асар, С.38.

белгиланади. Дин инсон ҳаётининг ҳар бир ҳолатларидаги қийин бўлган ҳолат ва вазиятларни, осон ва енгиллик билан хурсандлик ҳолатига кўчира олади. Агар дин бу хил вазифани бажарувчи ягона куч бўлса, у ҳолда инсон руҳий дунёси учун унинг қадри юксакдир, деб ёзади⁵⁰.

В.Жеймснинг субъектив идеалистик қарашларини унинг шогирдлари ва замондошлари янада ривожлантирдилар. Г.Оллпорт (1897-1967) “Индивид ва унинг дини” китобида ҳар бир диндор амалларининг ўзига хос, қайтарилмас характерга эга эканлигини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, ҳар бир эътиқод эгаси, ўзининг алоҳида динига эга. Бу унинг индивидуал хусусияти билан вужудга келади. Диннинг барча ижтимоий кўринишини базис характерга эга бўлган индивид эътиқодига нисбатан устқурма сифатида баҳолайди.

Яна бир америкалик психолог Абрахам Маслоу В.Жеймс фикрини ривожлантириб, ҳар қандай диний кечинмалар асосида индивидуал диний тажрибалар ётишини кўрсатади. Унинг фикрича, индивидуал диний амалларга нисбатан жамоа диний ҳаёт шакли иккиламчи ҳисобланади.

2. Дин психологиясининг Европадаги тараққиёти. XX асрнинг 40-йиллар охирига келиб Америка дин психологиясига Зигмунд Фрейднинг психоанализ назарияси кучли таъсирини кўрсатди. Бу йўналишда Эрих Фроммнинг илмий ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Э.Фромм ўзининг “Психоанализ ва дин” асарида диний эътиқодга асосан ижтимоий муҳит таъсир этади. Биологик ёки инстинктив асосда дин юзага келмаслигини уқтириб, ижтимоий муҳитдаги маданиятгина шахсда эътиқодни қай даражада шаклланишига сабаб бўлади, деб уқтиради. Фромм психоанализдаги онгсизлик назариясидан четга чиқмаган ҳолда омма онгсиз равишда динга эргашади ва бу шахсда онгсиз равишда эътиқодни юзага келтиради, деган ғояни илгари суради. Э.Фромм дин социал-ижтимоий терапия сифатида, шахс ҳимояга муҳтож бўлганда, уни излаганда тасалли берувчи, руҳлантирувчи восита вазифасини бажарувчи ижтимоий маданият кўринишида намоён бўлади, деб таъкидлайди.

1901-1902 йилларда В.Жеймснинг Эдинбург университетидан ўқиган дин психологиясига оид маърузаларидан сўнг Европа психологлари диний эътиқоднинг психологик асослари таҳлилига

⁵⁰ Джемс У. Прагматизм. СПб. 1910, С.5

эътибор қаратиб, ўз изланишларини қайта қура бошлашди. Шундай қилиб диннинг психологик хусусиятларига Европалик психологлар диққатини қаратган мутахассис сифатида В.Жеймс тарихдан жой олган.

XX асрнинг машҳур психологларидан ҳисобланган З.Фрейд (1856-1939) ўзининг психоаналитик назарияси билан дин психологиясида янги концепция яратди. Диннинг пайдо бўлиш сабаблари ва моҳияти тўғрисидаги масалалар Фрейдни доимо қизиқтириб келган. У ўзининг бир қанча китобларида, масалан, “Тотем ва табу”, “Мусо ва монотеизм”, “Бир иллюзиянинг келажаги” асарларида дин масаласини кўтаради ҳамда бу масалага материалистик ва атеистик нуқтаи назардан туриб ёндашади.

Зигмунд Фрейднинг диний қарашлари соф атеистик асосга қурилган. Унинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди: “Агар мен дин масаласидаги қарашларимни бундан анча илгари, масалан, инквизиция даврларида айтганимда эди, инквизиторлар мени тириклай гулханга ташлаган бўлишар эди”. Чунки унинг диний қарашларида илоҳиёт масаласига материалистик нуқтаи назардан туриб ёндашилган. Фрейднинг қуйидаги машҳур гапи унинг динга муносабати яққол кўзга ташланади: “Дин инсоннинг болалик давридаги ва инсониятнинг илк даврларидаги иродасизлиги ва қўрқувидан пайдо бўлади”.⁵¹

Фрейднинг диний қарашларини урта даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Фрейд ҳар бир даврда динга нисбатан турли хил қарашларини баён этади.

Биринчи даврда Фрейд томонидан дин болада отанинг ўрнига Худо тасаввурининг пайдо бўлиши сифатида талқин қилинади. Эмишки, бола учун ота мукамаллик тимсоли, чексиз куч-қудрат рамзи ҳисобланади. Бола каттара бошлар экан, отасининг ҳам камчиликларини, унинг ҳам имконияти чегараланганлигини, ожиз бир инсон эканлигини англаб боради. Кейин унда мукамал, ҳар нарсага қодир, камчиликлардан холи зотга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёж болада Ота Худо образини яратади ва энди у ўшанга эътиқод қилади.

⁵¹ Руткевич А.М. От Фрейда к Хайдеггеру: Критич. очерк экзистенциального психоанализа. – М.: Политиздат, 1985. С. 80.

Иккинчи даврда Фрейд динни сублимация (кўчириб ўтказиш) сифатида тушунтиришга ҳаракат қилади. Диндаги ибодат, тавба-тазарру, дуолар аслида сублимация, яъни инсон дин ёрдамида ва тасаввурда пайдо бўлган Худо образининг ёрдам беришига ишонган ҳолда ўзидаги асабий ҳолатдан қутилар эмиш.

Фрейд ўзининг “Бир иллюзиянинг келажаги” асарида динни миядан кетмайдиган ҳолатларнинг (навязчивые состояния) жамоавий неврози деб уқтиради. Бу ҳолатни тиббиётда бундай тушунтиришади: миядан кетмайдиган неврозда беморда ўта сержаҳиллик, ўта чарчаганлик, ҳаддан ошиқ уйқусизлик, иш қобилиятининг сусайиши ҳолатлари кузатилади.

Касалликнинг мияда ўрнашиб қолган ҳолатлари уч хил кўринишда бўлади:

а) фикрлар кўринишида; бунда беморнинг миясига бирорта фикр келади-ю, ундан умуман қутила олмайди (Одамнинг миясида Худо образи туриб қолади ва у муттасил ҳолда фақат шу ҳақда ўйлайди, четдан келадиган турли-туман фикрларни ҳам фақат мана шу образ призмасидан ўтказади);

б) ҳаракатлар кўринишида; бунда бемор маълум бир ҳаракатни тўхтовсиз амалга ошираверади (масалан, бетўхтов қўлини ювади, сочини кесади ва ҳ. Одам қандайдир стереотип (қотиб қолган) ва маънисиз ҳаракатларни мажбуран такрорлайди. Ибодатлар ва турли хил ритуаллар шулар жумласига киради;

в) ваҳима кўринишида; бунда бемор доимо қандайдир ваҳима билан яшайди (масалан, кимдир уни ўлдириб қўядигандек бўлаверади. Ёки одам Худонинг олдида қачондир ҳисоб-китоб қилиниши ваҳимаси билан яшайди).

Фрейднинг фикрига кўра, дин – бу инсоннинг миясида кетмайдиган бўлиб қотиб қолган фикр кўринишидаги невроздир.⁵²

Психоаналитикнинг таъсири натижасида бемордаги кўплаб симптомлар йўқолади, у изтироблардан фориғлашади. Бу айнан психоаналитикнинг таъсири ёки врачга бўлган ишончнинг таъсири ёки беморнинг ўз-ўзига бўлган таъсири натижасими - билиш қийин.

Э.Фромм ўзининг “Психоанализ ва дин” деган китобида шундай деб ёзади: “Фрейд диннинг иллюзия эканлигини исботи билан чегараланмайди. У динни хавфли, деб айтади. Чунки дин аҳмоқона

⁵² Сумерки богов/ Сос. И общ. ред.А.А.Яковлева: Перевод. – М.: Политиздат, 1990. С.398.

инсоний қоидаларни ёритади. Дин ўз тарихи давомида улар билан боғлиқ бўлади; тагин одамларни иллюзияга ишонишга ўргата ва танқидий тафаккурга тақиқни жорий эта туриб, дин ақлий қобилиятларнинг қашшоқлашуви учун жавобгардир. ...Фрейднинг учинчи эътирози шундаки, дин ахлоқ учун ўта ғазабланадиган асосдир. Агар ахлоқий нормаларнинг тўғрилиги илоҳий амр билан белгиланадиган бўлса, унда ахлоқнинг келажаги ўзининг мавжудлиги бўйича Худога эътиқод қилишга боғлиқ бўлиб қолади. Чунки, Фрейд бўйича, диний эътиқод йўқолиш чегарасида турибди. Дин билан ахлоқ иттифоқининг давом этиши бизнинг ахлоқий қадриятларимизнинг ҳалокатига олиб боради. Дин, Фрейд бўйича, айнан идеаллар ва қадриятларга хавф солади”.⁵³

С.Жимбинов дейди: ”Психоанализ – ярим бадий, ярим илмий таълимот. Шахснинг асоси ҳисобланган илк болалик, унитилган кечинмалар ва аламлар, ушалмаган орзулар – буларнинг ичида қанчалар шеърият ва донишмандлик бўлиши мумкин эди! Бироқ Фрейднинг қовоқ уйган материализми ва хира атеизми унинг мифологиясини бузуқ ва чўлоқ қилиб қўйди”.⁵⁴

“Диндор одамнинг ибодати, тавба-тазарруси ва дуолари психоаналитик шахсини мутлақо кераксиз, ҳатто зарарли қилиб қўяди. Бироқ XX асрнинг худосизлашган дунёсида врач-психоаналитик ўзига ишониб руҳонийнинг ҳеч бўлмаганда бир бўлак вазифасини ўз зиммасига олди. Психоанализ – тавба-тазаррунинг атеистик пародиясидир”.⁵⁵

Психоанализ инсоннинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган, нафснинг истакларига, майлларига қарши борадиган ҳар қандай нарсани, жумладан маданиятни, динни инкор қилади. Маданият ва дин инсон майлларига тўсиқ бўлиб, унинг қондирилиш йўлларига тўғон уради ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, деган ғояни илгари суради.

Ид аслида инсоннинг нафси, унинг ичидаги бир борлиқ, унинг ички “Мен”идир. Нафс масаласи Шарқда, хусусан Ислом таълимотида Фрейддан минг йиллар олдин кўтарилган ва ўзининг энг мукамал ечимини топган. Бу соҳада айниқса тасаввуф вакиллари жонбозлик

⁵³ Фромм Э. Психоанализ и религия. В кн.: Сумерки богов/ Сос. И общ. ред.А.А.Яковлева: Перевод. – М.: Политиздат, 1990. С. 151-152.

⁵⁴ Зигмунд Фрейд. Я и Оно. – М.: МПО “МЕТТЭМ”, 1990, - С. 6

⁵⁵ Ўша асар, 7-бет.

кўрсатишган. Улар нафсдан воз кечиб бўлмаслигини англаганларидан кейин уни тарбиялаш йўлини тутишган. Нафснинг энг қуйи даражаси “нафси аммора” бўлса, уни тарбиялаб, босқичма-босқич юксалтириб, “нафси комила” даражасига етказиш механизмини ишлаб чиқишган. Улар нафақат назарий жиҳатдан ишлаб чиқишган, балки ўзларининг ҳаётларида синаб ҳам кўришган. Фрейд айтган нафс айнан “аммора” бўлиб, мазкур таълимотнинг асосида унинг истакларини қондириш зарурлиги ётади.

Нафси аммора психоаналитик концепциядаги шахс структурасининг Id, Ego ва Super Ego компонентларидан Idга ўхшайди. Маълумки, Id шахс структураси компонентларининг бири бўлиб, у биологик жиҳатдан шахс фаолиятининг энергия манбаи ҳисобланади. “Онгнинг бошқа соҳалари Id дан келиб чиққан ҳолда ривожланишига қарамасдан ўз-ўзича Id содда, примитив ва ташкиллашмаган. “Тафаккурнинг мантиқий қонунларини Id га қўллаб бўлмайди” (Фрейд). ... Id ҳаётий тажриба остида ўзгармайди, чунки у ташқи муҳит билан контактга киришмайди”.⁵⁶

А.Азизкулов ўзининг “Хожагон тариқати ва психоаналитика (тарбия масаласига компаративистик ёндашув)” мақоласида тасаввуф таълимоти билан психоанализни қиёсий таҳлил қилади, яъни компаративистик ёндашувни амалга оширади. Маълумки, психоанализда инсон руҳияти ақлий-рационал ва онгсиз-иррационал кўринишларда фаолият кўрсатади. Бу таълимот психоанализгача мавжуд эди, бироқ кейинчалик Зигмунд Фрейд мазкур таълимотни ривожлантира тариб, уни учта қатламга бўлиб ташлади: “У” (“Оно”), “Мен” (“Я”) ва “Олий Мен” (“Вышее Я”). Фрейднинг фикрича, “У” онгсиз-иррационал жараёнлар маконидир. “Мен” эса рационал, мантиқий тафаккур фаолияти қатлами ҳисобланиб, “бу қатлам руҳиятнинг қуйи онг остида кечадиган нораціоналликни, ноонглилик билан боғлиқ бўлган ҳирсиётни ҳам назорат қилади, жамиятдаги ахлоқий меъёрлар билан мутаносиблигини таъминлайди”⁵⁷.

Бугунги кунда Ғарб (ҳатто баъзи Шарқ) психологлари томонидан тасаввуф таълимотини З.Фрейднинг психоанализи билан боғлашга

⁵⁶ Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен/ Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. С. 36.

⁵⁷ Азизкулов А. Хожагон тариқати ва психоаналитика (тарбия масаласига компаративистик ёндашув). // “Ориф Деггароний Марказий Осие тасаввуф таълимотининг буюк валийси” мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари. 2007 йил 29 май. – Навоий: 2007. 75-бет.

уриниш кузатилаяпти. Бу ҳам психологиянинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Радий Фиш шундай деб ёзади: "Ғайришуурий ҳодисаларни ўрганишда ҳиссий ҳаёт негизларидан бири бўлмиш шаҳвониятга ҳам суянувчи ҳозирги замон психоаналитикларига ўхшаб, сўфий шайхлар шариатда раҳнамо ақл бўлса, тариқатда раҳнамо муҳаббатдир, деб қарашарди. Сўфийлар ҳақиқатни - маҳбуб, маъшуқа, ўзларини ошиқ деб аташларини эсласак, уларнинг ҳиссиётининг маънавиятга ўтишга имкон берувчи психофизиологик ҳодиса – сублимациядан нақадар самарали истифода этганликлари маълум бўлади".⁵⁸

Юқоридаги фикрлардан тўртта хулоса беришимиз мумкин. Биринчидан, тасаввуф деб аталган ва минг йиллар давомида шаклланган психологик таълимот билан З.Фрейднинг шахсий кузатишлари маҳсули ҳисобланган концепциясини қиёслаш мантиқан тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки тасаввуф таълимоти таянган субъектив тажриба билан психоанализдаги тажриба бир-бирига мутлақо мос тушмайди. Иккинчидан, психоанализ асосида Фрейднинг даҳриёна қарашлари ётади. Тасаввуф асосида эса бунинг акси – тавҳид бор, яъни бу таълимот тавҳид асосига қурилгани сабабли ҳам қутбнинг бошқа тарафида туради. Учинчидан, Фрейд шаҳвониятни тасаввуфдаги нафси аммора даражасида ўрганади ва ундан заррача ҳам чиқиб кетмайди. Тасаввуфда назарда тутилган муҳаббат илоҳий характерда бўлиб, конкрет бир шахсга эмас, балки Аллоҳга йўналтирилган. Бу нафси комила босқичидаги нафс хусусияти ҳисобланади. Тўртинчидан, илоҳий муҳаббатни сублимация деб таърифлаш, ишқнинг бу кўринишига, маълум маънода, ҳақорат, деб ҳисобласа бўлади.

Шарқ психологиясининг асосчилари, аввалом бор, тасаввуф аҳли, сўфийлар эди. Ҳатто айтиш мумкинки, ҳар бир авлиё ўзига хос психолог, психотерапевт, психоконсультант, психоаналитик эди. Улар чиқарадиган хулосалар, улар фойдаланадиган муолажа усуллари, улар берадиган маслаҳатлар, улар қиладиган руҳий таҳлиллар руҳ билан психика, руҳ билан тана, психика билан тана ўртасидаги уч ёқлама муносабатларни инобатга олиш нуқтаи назаридан амалга оширилар эди. Ғарб психологиясининг камчилиги руҳнинг инсон

⁵⁸ Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий биографик роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. С. 146.

психологиясидаги ва физиологиясидаги ўрнини кўра билмаслигидадир. Доктор Томас Х.Элмор бу ҳақда шундай деб ёзади: “Ғарб психологияси тана, эго ва маданият билан чегараланиш тенденциясига эга”.⁵⁹

Р.Фрейджер ва Дж.Фейдимен Шарқ ва Ғарбда яратилган шахс назарияларини қиёслаган ҳолда шундай хулоса чиқаришади: “Бу системалар (шахснинг шарқона назариялари – Х.А.) ҳақиқатдан ҳам кўплаб шахснинг ғарбона назарияларидан қадриятларга ва ахлоқий масалаларга қизиқишнинг ошиши ва маълум маънавий-руҳий нормалар билан мос ҳолда ҳаёт кечириш мақсадга мувофиқ эканлигига эътиборни қаратиши билан фарқланади”.⁶⁰

Шу ерда нафс ва тасаввуф тўғрисидаги фикрларимизни ниҳоялаймиз. Фақат айтмоқчи эдикки, Фрейд Шарқнинг буюк психологлари – тасаввуф аҳли асарлари билан таниш бўлганида, балки ўзининг таълимотини бошқачароқ қурган бўлармиди?..

3.Фрейд ишларининг давомчиси, унинг шогирди К.Г.Юнг (1875-1961) ҳам дин психологиясини тушунтиришда англанмаганлик ғоясига таянади. У индивиднинг туғма майл ва эҳтиёжларини унинг онги ва ижтимоий нормаларга қарама-қарши қўяди. Шунга кўра, англанмаганлик доимо онг ва жамият нормалари билан зиддиятда бўлиб келган, деб тушунтиради. К.Юнг устози назариясининг давомчиси бўлса ҳам айрим ўринларда фрейдизмдан ажралиб турадиган жабҳалари бор. Масалан, у Фрейднинг рационализи ва эркин фикрлилигига қарши иррационализм (ақлдан ташқари) ғоясини қўяди. К.Юнгнинг бу қарашлари унинг “Жамоавий англанмаганлик” концепциясида ўз аксини топган. Бу китобнинг моҳиятини эса архитиплар (бошланғич қиёфа) ташкил этади. Архитипларни К.Юнг қуйидагича изоҳлайди: “... биз қадимий бошланғич типлар билан, қадимий даврдаги қиёфа билан мулоқотда бўламиз. Улар уйқуда, медиум трансда, афсоналарда, эртақларда, диний тасаввурларда ва шу кабиларда англанади. Бу ҳолатлардан онг у ёки бу даражада “қайта ишланган” архитиплар, яъни тизимли символлар билан муносабатда бўлади”⁶¹.

Европа мамлакатлари ичида фақат Франциядагина дин психологияси диншуносликдан алоҳида ажратилган ҳолда ўрганилган.

⁵⁹ Томас Х.Элмор. Суфизм и психология. – М., СПб. “ДИЛЯ”, 2005. С. 254.

⁶⁰ Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен/ Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. С. 107.

⁶¹ Ф.Абдурахмонов, З.Абдурахмонова. Дин психологияси. Т.: 2011, 18-19-б.

Динга психологик муносабатни таъкидлаб ўтган француз олими Э.Бутру фикрича, бу масала қуйидагича намоён бўлади: биринчидан, диний феномен (ғайритабиий ҳолат ва кўриниш)ларни кузатиш ва уларни илмий таҳлил этиш; иккинчидан, психологик таҳлил асосида диний феноменларни психологик жараён билан боғлиқлик қонуниятини ўрганиш. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларига келиб Э.Бутру издошларидан Теодюль Рибо (1839-1916) диний амалларни бажариш жараёнидаги ҳар хил руҳий ва жисмоний ҳолатларга кўплаб француз невропатолог ва психиатрларининг “диний эътиқод онгли фаолиятнинг бузилишидир” деган назарияларига қарши ўлароқ, “Ҳиссиёт психологияси” асарида диний эътиқод соғлом шахсларгагина хос бўлиб, у олий туйғуларнинг бир кўринишидир, деб баҳо беради.

Францияда психиатрия ва невропатологиянинг ривожланганлиги диний эътиқоддаги фанатизм, мистицизм каби кўринишларни олий нерв фаолияти асосида ўрганиш имкониятини берди. Шу йўналишда изланишлар олиб борган Э.Мюрисье “Диний ҳиссиёт касаллиги” асарида мистицизм шахс ривожланишини бир андозага солиб, инноуграцияласа, фанатизм юқори даражада ривожланган хоҳишлар асосида ижтимоий муҳитга ёқиш истагидир, деб қарайди. Бу хил изоҳлаш диний эътиқоднинг психологик таҳлилига яна бир ёндашув бўлиб, у асосан ижтимоий омиллар билан боғлаб тушунтирилади. Диннинг ижтимоий психологик назарияси асосчиси деб, француз олими Эмиль Дюркгейм (1858-1917) тан олинади. У “Диний ҳаётнинг содда тузилиши” асарида диний эътиқод шахсгагина хос хусусият бўлмасдан, ижтимоий ҳодиса ҳамдир, деган фикрни илгари суради. Э.Дюркгейм динга шахснинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи асосий омил сифатида қараб, динни жамият аъзолари хулқини бир мезонга солиб турувчи андоза сифатида таърифлайди. Диний эътиқодни ижтимоий-психология нуқтаи-назаридан таҳлил этиш Францияда ҳозирги кунгача ҳам давом этиб келмоқда.

Германиялик олим Макс Шеллер фикрича, дин психологияси инсон руҳиятига икки хил - моддий ва маънавий йўналишда таъсир этади. Моддий томондан инсон ижтимоий мавжудот бўлиб, у бир ўзи ва ягона ҳолда яшай олмайди. Балки бошқа ижтимоий мавжудотларнинг ва борлиқнинг ёрдами ва кўмаги билангина ҳаётини давом эттира олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у инсонлар билан

кенг миқёсда алоқага киришади. У киришаётган муносабатлардаги асосий мезон - диний омиллар ҳисобланади. Бу нарса қисқагина яхши ва ёмон, ҳалол ва ҳаром каби категорияларда ифодаланади. Булар эса диннинг инсон руҳиятидаги таъсирини белгиловчи асосдир.

Маънавий жиҳатдан диний эътиқоднинг инсон руҳиятига таъсирини кўрадиган бўлсак, инсон фақатгина моддий ва жисмонан мавжуд эмас. У ўз жисмини сақлаб қолиши учун ейиш, ичиш каби нарсаларга муҳтождир. Аммо унда олий туйғулар мавжуд. Жисм ўзига озуқа талаб қилгани каби, маънавий борлиғимиз ҳам ўз озуқасини талаб қилади. Ушбу озуқаларнинг манбаи диний эътиқоддир. Моддий нарсаларнинг камчилиги ва бузуқлиги ёки умуман эҳтиёжнинг таъминланмаслиги, жисмнинг йўқ бўлиб кетишига ёки ўлимига сабаб бўлади. Худди шунга ўхшаб, инсон руҳи диний тушунчалар билан озуқланмаса маънан қашшоқлашиб кетади.

Макс Шеллер фикрича, дин психологиясининг асосий вазифаси кўйидагича ифодаланади: биринчидан, инсонларга охират тушунчасини сингдириш. Чунки инсонни энг кўп ўйлантирадиган нарса ўлимдан кейинги ҳаёт ва йўқ бўлиб кетмаслик ҳодисасидир. Иккинчидан, инсонлар ва дунёдаги нарсалар Яратувчининг ижоди ҳисобланади ва дин уларни ҳурмат қилишни инсонлар онгига сингдиришдир. М.Шеллернинг фикрига кўра, диний эътиқодлар дунёга нисбатан муносабатда инсонларни турли хил гуруҳларга бўлиб ташлайди. Шулардан бири - дунёни севадиганлар. Чунки бу дунё охиратнинг экинзоридир. Бу дегани нимани эксанг, шуни ўрасан. Бу кўпинча динга ишонувчиларнинг ёндашувидир. Иккинчиси, дунёни ёмон кўрадиганлар бўлиб, аслида улар бу дунёни жуда ҳам яхши кўради. Лекин кўлларида мол-мулк бўлмагани учун бу нарса уларда дунёга нафратни туғдиради. Бу тоифадагиларнинг ичида динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин.

3. Дин психологияси бўйича замонавий тадқиқотлар. Дин психологияси тараққиёти янги босқичга кўтарилганлигини кейинги пайтдаги тадқиқотлар билан исботласа бўлади. Дин психологияси инсоннинг соф психологик ва ижтимоий психологик жиҳатларини қамраб ола бошлади. Шахснинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш бўйича Америкада, Россияда, Германияда, Туркияда, Покистонда, Малайзияда ва бошқа давлатларда фундаментал тадқиқотлар олиб борилаётганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Тадқиқотчи А.Жаббор шундай деб ёзади: “Дин психологиясининг ривожланаётганлиги қатор давлатларда амалга оширилаётган амалий тадқиқотлар ва лойиҳалар билан боғлиқдир. Масалан, АҚШда Массачуссетс ва Вержиния университети олимлари Эми Вачхолтз ва Уша Самбамортлар томонидан 2002 – 2007 йилларда ўтказилган тадқиқотда ибодат (намоз)даги жараёнлар саломатликни таъминловчи механизм сифатида таҳлил этилган”⁶². Диннинг психотерапевтик функциясининг келажакда инсонлар учун муҳимлиги кўплаб тадқиқотлар билан исботланган ҳолатдир. Бу йўналиш дин психологиясининг келажagini белгилаб берувчи йўналишлардан бири ҳисобланади.

“Дин психологиясининг XXI-асрда ривожланиш жараёнини Россия психологияси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қозон давлат университети қошида психолог олима О.С.Павлова томонидан ташкил этилган “Мусулмонларга психологик ёрдам кўрсатиш ассоциацияси” дин психологияси доирасида амалий фундаментал тадқиқотларни амалга оширмоқда. Ушбу ассоциация мақсади диндорлар психологик муаммоларини ҳал этиш, уларга маънавий, психологик ёрдам кўрсатиш, барча манфаатдор мутахассислар (психологлар, диншунослар, имомлар, ўқитувчилар ва бошқалар) фаолиятини мувофиқлаштиришдир”⁶³. Дин психологияси, дарҳақиқат, манфаатдор мутахассислар томонидан комплекс ҳолда ўрганадиган муаммоларга эга. Уларни, бир томондан, психологлар, иккинчи томондан, диншунослар ҳамкорлигида тадқиқ этиш самаралироқ бўлади. Шунинг учун бугунги кунда диний муаммоларнинг турли хил мутахассислар томонидан ҳамкорликда ўрганилиши мақтовга сазовор ҳолатдир.

Дин психологияси бўйича Америкада ўтказилаётган тадқиқотлар айниқса диққатга сазовор. У ердаги Америка психологлар ассоциацияси (АПА) 118000 аъзога эга бўлган психологларнинг йирик илмий ва касбий ташкилоти ҳисобланади. Маълумки, мазкур ташкилотнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат: “1) жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда психологиядан фойдаланиш; 2) жамиятда психологияни тушуниш, уни ҳурмат қилиш ва ҳаётга татбиқ қилиш даражасини ошириш; 3) келажакда психологияни ҳам фан

⁶² Жаббор А. XXI асрда дин психологиясининг ривожланиш тенденциялари// Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет. -

⁶³ Ёвқочов Ш.А. Кириш сўзи// Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет. -

сифатида, ҳам касб сифатида тайёрлаш; 4) психологияда обрўли фикр сифатида АПАнинг позициясини мустаҳкамлаш”.⁶⁴

Маълумки, мазкур ассоциация 54 та бўлимдан иборат бўлиб, улардан 36-бўлим “Дин ва маънавият психологияси” бўлими ҳисобланади. Бу бўлимнинг асосий иккита мақсадини мақола муаллифи ажратиб кўрсатади: “1) дин психологияси ва турли соҳаларда ўтказиладиган тадқиқотларнинг ривожига, назариясига ва амалиётига ёрдам бериш; 2) ”диний ва турли хил бошқа масалаларда қўлга киритилган тадқиқот маълумотларини тарқатишда ва мазкур материалларнинг долзарб психологик тадқиқотлар, назариялар ва амалиётлар билан интеграциясини таъминлашда ҳамкорлик қилиш”⁶⁵.

Мазкур ассоциация доирасида ўтказилган тадқиқотлардан айримларига тўхталиб ўтамиз. I.Oulali, Y. Bos, A. van Ien Akker, R.G.Fukkink, M.S.Merry, G.Overbeekлар томонидан диний жамоавий ўзини ўзи баҳолашнинг болалар учун мўлжалланган шкаласини ишлаб чиқиш ва валидлаш бўйича олинган маълумотлар дин психологиясидаги муҳам масалани ечишга қаратилган. Муаллифлар томонидан таклиф этилган методика болаларнинг маълум бир диний гуруҳга тааллуқлиги бўйича билдирган фикрларини баҳолаш имкониятини беради. Шкала ўзида учта субшкалани мужассамлаштирган: соф диний ўзини ўзи баҳолаш (PrRSE), жамоавий диний ўзини ўзи баҳолаш (PuRSE) ва диний идентикликнинг аҳамияти (RI). Шкалани ишлаб чиқиш бўйича Нидерландиянинг бешта ҳудудидаги 39 та (9 та протестант, 9 та ислом, 3 та иудаистик ва 19 та давлат) бошланғич мактабларда тадқиқот ўтказилади. Натижалар шкалалар ўртасидаги етарли даражадаги ички мувофиқлик мавжудлигини тасдиқлади ($\alpha = 0,85$), PrRSE ($\alpha = 0,77$), PuRSE ($\alpha = 0,73$) ва RI ($\alpha = 0,60$), субшкалалар ўртасидаги озгинадан юксак даражагача бўлган корреляциянинг ва бир йил давомида қайтадан тест ўтказилганда озгинадан юксак даражагача бўлган ишончлиликнинг мавжудлиги аниқланди⁶⁶.

⁶⁴ Эргашев П.С. Основные направления научных исследований отдела “Психологии религии и духовности” американской психологической ассоциации: аналитический дейджест. \ \ Психология. Махсус со. 3/1, 2019. 49-55-бетлар.

⁶⁵ Ўша манба, 50-бет.

⁶⁶ Ўша манба, 53-бет.

Мазкур тадқиқотларда аниқланган шкала дин психологиясининг методик арсеналини бойитади ва келажакда диний психологияга тааллуқли бўлган масалаларни тадқиқ этиш имкониятини беради.

Малайзия ва Исломобод халқаро ислом университетларида дин психологияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ҳам диққатга сазовордир. Дин психологиясининг бир қанча долзарб муаммоларида, жумладан қочоқларнинг руҳий саломатлиги бўйича, диндорларнинг мотивацияси, руҳонияти бўйича, гиёҳвандликнинг олдини олишнинг психологик жиҳатлари бўйича ва яна бошқа бир қанча йўналишларда илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Назорат саволлари:

1. Америкада Дин психологияси фанининг асосчиси ким бўлган?
2. Америкада диний онгни ўрганиш учун анкета методини қўллаган олим ким?
3. Америкалик психолог В.Жеймснинг дин психологиясига қўшган ҳиссаси қандай бўлган?
4. З.Фрейднинг диний эътиқодга муносабати қандай бўлган?
5. Францияда мистицизм ва фанатизмни ўрганилиши қандай кечган?
6. Макс Шеллер дин психологиясининг вазифалари ҳақида нималар деган?

II-БОБ. “ДИННИНГ ПСИХОЛОГИК ТИЗИМИ”

2.1. Эътиқоднинг психологик хусусиятлари ва унинг ривожланиши.

1. *Нодиний эътиқод*. Олимлар эътиқодни табиатига кўра иккига бўлишадилар. Баъзиларининг фикрича, диний ва нодиний эътиқодлар битта нарса – уларнинг иккаласи ҳам динга бориб тақалади, динга тааллуқли бўлган масалалардир. Масалан, К.К.Платонов шундай деб ёзади: “Эътиқодни диний онг тузилмасининг зарурий компоненти ҳисобланган туйғу деб таърифлаш мумкин. У ўзининг иштирокида яратилган фантазия асосида билишнинг ва воқеликнинг иллюзиясини яратади”⁶⁷. Яъни олим диний ва нодиний эътиқодларни битта нарса деб қабул қилаяпти.

Иккинчи қарашга кўра, бу иккала тушунча икки хил маъно касб этади, деб тушунтирилади. Нодиний эътиқод динга тааллуқли бўлмаган масалаларни қамраб олади. Масалан, фандаги кашфиётлар, қонунлар, табиат ва жамиятдаги тартиботлар. Буларнинг динга алоқаси йўқ, бироқ уларда ҳам маълум ҳодисанинг содир бўлишига нисбатан қатъий ишонч бор.

Мазкур полемика асрлар давомида давом этиб келаяпти. Очиғини айтганда, бу масалани ҳал этишда кенгроқ фикрламасак бир ёқламаликка йўл қўйишимиз мумкин. Алоҳида ҳодиса сифатида эътиқодни фақат соф психологик ҳодиса сифатида талқин этсак, унинг ижтимоий ва гносеологик (билишга тааллуқли) жиҳатларига эътибор қаратмасак, мазкур ҳодисанинг мазмун моҳиятини тўлиқ очиб бўлмайди.

Шунинг учун бу ўринда масалани қуйидагича қўйиш мақсадга мувофиқдир: эътиқоднинг предмети нимадан иборат, яъни эътиқоднинг мазмуни нима ва у нимани ўрганишга йўналтирилган.

Агар эътибор бериб қаралса масала эътиқод билан билим ўртасидаги муҳим фарқларни аниқлашга бориб тақалади. Билим – бу назарий жиҳатдан асослаб берилган ва амалий жиҳатдан исботланган объектив мазмундир. Албатта билимнинг сўнгги йўқ ва ҳамма нарсани билиб бўлмас. Билим – объектив мазмунга эга бўлган, амалиётда ва фан тарққиётида исботланган, текширилган қандайдир маълумотдир. Албатта билим тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг нисбийлиги

⁶⁷ Платонов К.К. Психология религии. М., 1967. с. 94

кўзга ташланади. Билимнинг ҳақиқатлиги амалиёт ва фаннинг маълум тараққиёт босқичи учун хосдир. Тараққиётнинг кейинги босқичларида унинг акси ҳам бўлиб чиқиши мумкин. Билимнинг яна бир хусусияти шундаки, у инсон ва инсоният онгига боғлиқ бўлмаган объектив мазмунни ўзида мужассамлаштиради. Масалан, халқимиз: эътиқод қиламизки, “икки ўн беш бир ўттиз” демайди. У биламизки, “икки ўн беш бир ўттиз” дейди. Эътибор берилса, биламизки дейилмоқда. Чунки бу билим соҳасига тегишли, эътиқод соҳасига эмас.

Эътиқоднинг предмети ўзига хосликка эга. Нодиний эътиқод ҳақида гап кетаётган бўлса, унда унинг предмети тўлиқ исбот қилинмаган, гипотетик тасдиқ (қандайдир гипотеза, концепция ва ҳ.к.), ёки бирорта келажакка тааллуқли бўлган ҳодисадир. Оддий ҳаётда кимдир “Мен бу одамга ишонаман” деса, буни тасдиқлаётган киши ўзининг ҳаётий тажрибаси орқали шундай хулосага келган. Бироқ бундай субъектив ишонч келажакда ўз тасдиғини топиши учун бу одам ўз хатти-ҳаракатлари билан бундай тасдиқни оқламоғи лозим. Шундагина бу тасдиқ нодиний эътиқодга айланади.

Демак, нодиний эътиқод билан билим ўртасидаги фарқ ҳақида гапирганда, бу тушунчалар предметига кўра ва мазмунан бир-биридан фарқ қилар экан. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, нодиний эътиқод билимга принципал жиҳатдан қарши тушунча эмас. Бошқача айтганда, билим нодиний эътиқодга антипод эмас. Инсоний билим ва тажрибанинг умумий тизимига кирар экан, нодиний эътиқод назарий ва амалий жиҳатдан текширилади. Бундай текшириш жараёнида у ёки тасдиқланади ва унинг мазмуни билимга айланади, ёки тасдиқланмайди ва четга итқитиб юборилади.

Баъзида нодиний эътиқодлар ўз замонасида тасдиқланмасдан даврлар ўтиб ўз тасдиғини топади ва мустаҳкам билимга айланади. Масалан, К.Э.Циольковский келажакда инсоният космосга чиқишига ишонган (эътиқод қилган). Унинг тириклигида бу нодиний ишонч ўз тасдиғини топмади. Бироқ кейинги авлод вакиллари космосга чиқишлиги билан нодиний эътиқод ўз тасдиғини топди ва ҳозирги замон инсоний билимлари сафидан ўрин олди.

Нодиний эътиқоднинг ўз тасдиғини топмаганда йўқотилишини метафизикларча тушуниш керак эмас, яъни унинг мутлоқ мазмуни йўқ бўлиб кетмайди. Инсондаги билиш жараёнида диалектик ривожланишини инобатга олиш лозим. Нодиний эътиқоднинг инкор

этилиши фан учун фойдали ҳолатдир. Чунки олимлар энди билишнинг бошқа йўлларини, йўналишларини қидиради. Демак, нодиний эътиқоднинг инкори ижобий аҳамиятга эга бўлар экан. Қолаверса, ҳар қандай нодиний эътиқод ўзида ҳақиқатнинг қандайдир бўлақларини ташийди. Масалан, Шарқда алхимиклар кимёвий реакциялар ёрдамида олтинни қўлга киритиш тўғрисида бош қотиришди. Уларнинг мақсадлари сароб бўлиб чиқди. Бироқ улар кимёвий йўл билан олтинни қўлга киритиш йўлида кимё фани тараққиётига хизмат қиладиган буюк кашфиётлар қилишди. Мақсад бошқа бўлгани сабабли бу кашфиётларга эътибор беришмаган. Бугунги кунда олимларимиз уларнинг тадқиқотларини ўрганиш асносида кўп билимларни қўлга киритишмоқда.

Шундай қилиб, нодиний эътиқод билимдан гносеологик жиҳатдан фарқ қилсада, бироқ инсоний билим ва тажрибанинг умумий тараққиёт жараёнига боғланган бўлади. Кўп ҳолатларда у маълум билимларнинг дунёга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади ва кейинчалик текширувдан ўтиш баробарида билимга айланиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, нодиний эътиқод инсон ижтимоий ва индивидуал онгининг зарурий элементи ҳисобланади ва инсонни ҳақиқатни қидиришга рағбатлантиради. Ҳатто айтишимиз мумкинки, нодиний эътиқод шахснинг билим олишга нисбатан шахсий манфаатли муносабатини ҳам билдиради. Бундай ҳолатда нодиний эътиқод “шахснинг ишончи” тушунчасига яқин бориб қолади.

Нодиний эътиқоднинг гносеологик хусусиятлари унинг психологик ўзига хослиги билан боғлиқдир. Ҳар қандай эътиқод ижтимоий психологик ҳодиса ҳисобланади ва у бу жараёнда қатнашадиган психологик жараёнлар билан характерланади. Бошқача айтганда, эътиқод субъектининг унинг предметига алоҳида муносабати билан, нафақат онгда, балки хулқ-атворда ҳам амалга ошириладиган муносабат билан характерланади.

Инсоннинг эътиқоди унинг предметига нисбатан одамда қизиқиш бўлсагина пайдо бўлади. Эътиқоднинг пайдо бўлишлиги учун эътиқод субъектининг фаол эмоционал ва баҳоловчи реакцияси бўлмоғи зарур. Агар у ёки бу ғояга, гипотезага, образга ёки бошқа нарсаларга нисбатан фаол қизиқиши бўлмас экан, эътиқод ҳақида гапириб ўтириш ҳам шарт эмас. Эътиқоднинг билимдан фарқи ҳам шунда ётади. Ўз ўзича билим объектив, у инсонларнинг эмоцияларига ёки уларнинг

шахсий ориентациясига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Шахснинг қизиқишларига мутлақо алоқаси бўлмаган, унда эмоциялар ёки баҳолаш реакцияларини чақирмаган нарсалар тўғрисида билимларга эга бўлиш мумкин. Инсонда фақатгина ақлга эмас, балки юракка яқин бўлган, шахсда фаол шахсий муносабат уйғотадиган нарсаларгагина эътиқод уйғонади.

Шу жойдан ҳар қандай эътиқод (диний ва нодиний эътиқодлар) учун баъзи умумий психологик хусусиятлар келиб чиқади.

Биринчидан, эътиқод деб атаётганимиз шахсий муносабатда инсоннинг туйғулари билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Чунки эътиқоднинг предмети инсоннинг манфаатли муносабатини чақиради. У даставвал эмоционал соҳада амалга оширилади, яъни у ёки бу туйғуларни ва кечинмаларни чақиради. Бундай кечинмаларнинг диапозони мазмуни бўйича ҳам, интенсивлиги бўйича ҳам турли хил бўлиши мумкин, бироқ эътиқод эмоционал муносабатдан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Иккинчидан, эътиқодда эътиқод предметига мантиқий баҳо берилади. Шу билан боғлиқ ҳолда баъзи олимлар (Е.А.Евстифеева) эътиқоднинг “аксиологик” жиҳатини ажратиб кўрсатади. Бу баҳо одатда ижобий ҳисобланади. Инсон ўзининг қадриятлар тизимида қабул қилинган идеалларига, ўзига субъектив ахлоқий қониқиш олиб келадиган нарсаларига эътиқод қўяди, ишонади. Шу билан бирга ишончнинг ўзи ҳам идеалларни ва қадриятлар йўналишини шакллантиришда маълум роль ўйнайди. Шундай бўлиши мумкинки, эътиқод (айниқса диний эътиқод) қандайдир ҳодиса, образ ва ҳ.к. ларга кескин салбий баҳо мавжуд бўлганда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, иблисга, “қора магия”га ёки бошқа нарсаларга. Бироқ баҳонинг эътиқодга таъсири бўлади.

Учинчидан, эътиқод ўз предметига фаол шахсий муносабат билдиради. Бу муносабат иродавий жараёнларни зарур қилиб қўяди ва у ёки бу даражада инсоннинг хулқ-атворида ўз аксини топади. Ҳар қалай шу ўринда эътиқодни билим билан қиёслаш мумкин бўлади. Билим шахснинг хулқ-атворида таъсир кўрсатмайдиган компонентларни ўзида мужассамлаштиради. У ёки бу одамнинг билимларида ҳамisha нейтрал (унинг қизиқишларини чақирмайдиган) маълумот бўлади. Табиийки, бундай маълумот инсоннинг хулқ-атворида таъсир кўрсатмайди. Ишонч, эътиқод бошқа нарса.

Инсоннинг эътиқод предметига шахсга тааллуқли бўлган, манфаатли бўлган, эмоционал ва баҳоловчи муносабат унинг хулқ-атворида таъсир кўрсатади. Табиийки, мазкур таъсирнинг даражаси, унинг ижтимоий йўналганлиги сезиларли даражада ўзгариши мумкин, бироқ эътиқоднинг ирода орқали амалга оширилиши факти сақланиб қолади ва инсоннинг хулқ-атворида таъсири ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар нодиний ва диний эътиқодлар учун хос бўлган хусусиятлар ҳисобланади. Бироқ нодиний эътиқоднинг психологик жиҳатларини тадқиқ қилиш уни диний эътиқоддан фарқли қиладиган хусусиятларни аниқлашга имкон берди. Бу ерда гап биринчи навбатда нодиний эътиқод билан тафаккур, билим ва фаннинг ўзаро муносабатлари ҳақида бораёпти. Нодиний эътиқод инсоний билиш ва амалиётнинг умумий жараёнига боғланар экан, ёки инсоннинг эмпирик билимларига (бу ўринда гап эътиқоднинг оддий турмуш тарзи нуқтаи назаридан тушунтирилгандаги ҳолати ҳақида кетаяпти), ёки илмий билимлар, гипотезалар ва ҳ.ларга ёки ижтимоий тараққиётнинг умумлашган тажрибаларига (бу ўринда гап келажакка тааллуқли бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ҳақида кетаяпти) таянади. Барча ҳолатларда ҳам нодиний эътиқод билимларга таянади, уларга қарши бормайди. Психологик жиҳатдан қараганда нодиний эътиқод ҳар доим ҳам шубҳани инкор этавермайди, ҳатто баъзида шубҳа-ю гумонлар, тахминларни шарт қилиб ҳам кўяди. Нодиний эътиқод мана шу тахминларни текшириб кўриши билан характерланади. Шунинг учун нодиний эътиқод рационал аргументларга, мантиқий, назарий ва амалий исботларга таянади.

Нодиний эътиқод шахснинг ишончларига, эътиқодига қарши турмайди. Масалан, олимнинг эътиқоди унинг фаразларининг тўғрилигидадир.

Ҳар қандай эътиқод шахснинг ижтимоий хулқ-атворида амалга оширилади. Баъзи муаллифлар тасдиқлайдики, одамларнинг билими ва амалий ҳаракатлари ўртасида зарурий элемент сифатида эътиқод туради. Бундай талқин нодиний эътиқоднинг инсон фаолиятидаги ролини ошириб юборади. Инсоний билимларнинг аксарият қисми хоҳ у эмпирик бўлсин, хоҳ у илмий бўлсин, эътиқоднинг иштирокисиз амалга оширилади.

Эътиқоднинг амалий реализацияси ижтимоий психолог учун қизиқарли ҳисобланади. Чунки бу қизиқиш ижтимоий онгдаги эътиқоднинг ўрни билан ва ижтимоий роллиги билан аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, нодиний ва диний эътиқодлар психологик жиҳатдан бир биридан фарқ қилади. Бу икки тоифадаги эътиқодларни тадқиқ қилиш жараёнида мазкур фарқларни инобатга олиш талаб этилади.

2. *Диний эътиқодлар.* Диний эътиқоднинг хусусиятларини аниқлаш унинг гносеологик характеристикаларидан бошланади. Маълумки, диний оннинг муҳим белгиларидан бири илоҳиётга ишонишдир.

Диний эътиқоднинг қуйидаги психологик хусусиятлари мавжуд:

- а) ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига ишонч;
- б) инсон ҳаётига ва умуман жамиятга илоҳий кучларнинг таъсири борлигига ишонч;
- в) ғайритабиий кучлар билан инсоннинг алоқа қилишига имкони борлигига ишонч.

Ислом манбаларига кўра, диний эътиқодда тўртта масалага нисбатан муносабат қамраб олинади: илоҳиётга, нубувватга, кавниётга ва ғайбиётга. Буларга Абдулқодир Абдур Раҳимнинг "Эътиқод дурдоналари" асарида мукаммал баҳо берилади:

"1. Илоҳиёт; бу қисмда Аллоҳ таолонинг борлиги, бу ҳақдаги ақлий ва нақлий далиллар, Аллоҳ таолонинг сифатлари, нуқсонлардан мутлоқ ҳоли эканлиги, қазо ва қадар, жаннатда Аллоҳ таолони кўриш каби масалалар ҳақида баҳс юритилади.

2. Нубувват; бу қисмда нубувват ва рисолат маънолари, ваҳий тушунчаси, пайғамбарлар ва уларнинг сифатлари, мўжизалари ва ҳоказо уларга тегишли масалалар тўғрисида баҳс қилинади.

3. Кавниёт; бу қисмда инсонлар, фаришталар, жинлар, борлиқдаги сабабият қонунлари ва ҳоказо борлиқдаги барча мавжуд нарсалар тўғрисида баҳс қилинади.

4. Ғайбиёт; бу қисмда жуда кўплаб ҳақиқатлар тўғрисида баҳс қилинади. Уларни умумий қилиб уч қисмга ажратиш мумкин:

- а) ўлимга тааллуқли бўлган баҳслар;
- б) қиёмат аломатлари тўғрисидаги баҳслар;

в) қиёмат куни ва у кунда рўй берадиган воқеалар тўғрисидаги баҳслар”.⁶⁸.

Юқоридагиларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар биз билган моддий оламнинг қонуниятларига бўйсинмайди, биз ҳиссий идрок этадиган оламнинг “нариги” томонида туради. Бу икки олам, яъни реал ва илоҳий оламлар ўзаро алоқадалигини инобатга оладиган бўлсак, диний эътиқоднинг шаклланишига реал олам тўғрисидаги билимларимиз ёрдам беради. Реал олам тўғрисидаги билимларимизнинг ўзи аслида Яратганнинг мўжизалари ҳақидаги маълумотлардир. Масалан, Саъдий Шерозий шундай деб ёзган эди:

Дар дарахтони сабз гар назари ҳушёр,
Ҳар варақаш дафтарест маърифати Кирдигор.

Мазмуни: Агар дарахтларнинг яшил баргларига ҳушёрлик назари билан қарайдиган бўлсангиз, улар мисоли бир дарахтнинг варақларики, уларда Аллоҳнинг маърифати ёзилган. Фан тарихидан маълумки, дарахтларнинг яшил баргларида фотосинтез жараёни содир бўлишлиги аниқланди ва бу жараён натижасида яшил барглар одамлар чиқарган корбанад ангидридни ютиб, кислород чиқарар экан. Яъни Аллоҳ таоло яшил баргларга инсониятни кислород билан таъминлаш вазифасини юклаган экан. Фотосинтез соф илмий билим ҳисобланади. Бироқ озгина тафаккур қилинса, бу билим инсон тафаккурини Аллоҳ таолонинг мўжизаси тўғрисидаги фикрга олиб боради.

Эътибор бериб қаралса, нодиний эътиқод билан диний эътиқод ўртасидаги алоқани кўрса бўлади.

Илоҳиёт қадимги одамларда бошқачароқ талқин қилинган ва бунинг натижаси ўлароқ дунёнинг турли хил талқинлари вужудга келган. Масалан, моддий предметларнинг илоҳий хусусиятларига эътиқод (фетишизм), моддий предметлар ўртасидаги илоҳий алоқаларга эътиқод (магия, тотемизм) табиий илоҳий мавжудотларга қарама-қарши қўйилиши диний эътиқоднинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳодиса айниқса даҳрийлик таълимотида кўзга ташланади. Бу таълимотга кўра, илоҳий борлиқ инкор этилади, инсон ҳаёти фақат моддий кўринишда мавжуд бўлади. Илоҳиёт эса одамлар ва уларнинг кундалик ҳаёти бошқарадиган реал кучларнинг

⁶⁸ Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. Масъул муҳаррир / Жалололдин Ҳамроқулов. – Т.: “Sharq”, 2016. – 480 б. – 40 б.

фантастик образлари холос. Бошқача айтганда, илоҳий кучлар ва уларнинг моҳияти объектив мавжуд эмас, улар инсон хаёли тамонидан яратилган иллюзиялардир. Бу моддиюнчиларнинг эътиқоди ҳисобланади. Ишонмасликнинг ўзи ҳам аслида маълум бир эътиқоднинг аксига эътиқод қилишдир.

“Эътиқод борасида ҳар бир мукаллаф киши энг аввал шаръан Аллоҳ ҳақида вожиб, жоиз ва муҳол (номумкин) бўлган нарсалар нималар эканлигини билмоғи керак”.⁶⁹

Эътиқод масаласида Мотуридий таълимоти қуйидаги шарҳни беради: “Бандалар масъул бўладиган иккинчи аъзо қалб ҳисобланади. Қалбнинг иши мутлақо эътиқод қилишдир. Тўғри бўладими ёки нотўғри бўладими қалб қайси тушунчага боғланса, ўша тушунча “эътиқод” ва “ақида” деб номланади. Шунинг учун қалб ҳеч қачон ақидасиз бўлмайди. Яъни мўмин кишининг ақидаси иймон бўлса, кофирнинг ақидаси куфр бўлади. Ўзини гўё ҳеч нарсага иймон келтирмайдиган, деб ҳисоблайдиган кимсанинг ақидаси иймон келтириш лозим нарсаларга иймон келтирмаслик бўлади. Қалбга тааллуқли муҳим ишлардан бири ният ҳисобланади. Қилинаётган амалларнинг савобли бўлиши ёки аксинча бўлиши ниятга боғлиқ бўлади. Аллоҳ таолога ва У нозил қилган барча нарсаларга иймон келтириш ҳар бир ақли расо балоғатга етган мусулмон зиммасига фарз бўлган эътиқоддир”⁷⁰.

Юқорида айтилганлардан бир қанча хулосалар чиқарса бўлади. Биринчидан, инсоннинг эътиқоди унинг қалби билан кечадиган жараёндр. Иккинчидан, эътиқод қалбнинг бирорта тушунча, ғоя ёки мафкура билан боғланиши кўринишида содир бўлади. Шунинг учун ҳам эътиқодни бирор нарсага қалбан боғланиш билан тушунтирилади. Учинчидан, эътиқод тушунчасига нисбатан иймон тушунчаси торроқ тушунча экан. Бошқача айтганда, иймон, бирор нарсага иймон келтириш, ишониш ёки аксинча ҳолат (бирор нарсага иймон келтирмаслик ҳам аслида иймон келтирилмаётган нарсанинг йўқлигига ишончдир) эътиқоднинг асосида ётади. Баъзи манбаларда эътиқодга иймон, ислом ва эҳсон тушунчаларини ҳам киритишади. Тўртинчидан, эътиқод билан инсоннинг нияти ўртасида алоқа мавжуд. Маълумки, ният соф психологик тушунча ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эътиқод

⁶⁹ Аҳмад Зёуддин Ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. - 313 б. – 32-бет.

⁷⁰ Ўша асар, 51-бет.

билан ният ўртасидаги алоқани чуқур таҳлил қиладиган тадқиқотларга муҳтожлигимиз бор.

Мотуридий таълимотида қуйидагиларга эътиқод қандай бўлишлиги кераклиги баён этилади: тавҳидга нисбатан эътиқод, Аллоҳ таолога иймон келтириш бўйича эътиқод, қазою қадарга эътиқод, Аллоҳ таолонинг сифатларига эътиқод, Унинг ўзига ва расулига эътиқод, Қуръони каримга иймон келтириш бўйича эътиқод, пайғамбарлар ва фаришталарга иймон келтириш бўйича эътиқод, хотамул анбиёга эътиқод, шафоатга эътиқод, пайғамбарларнинг маъсумлигига эътиқод, валийлар ва уларнинг кароматларига эътиқод ва ҳ.к.

Диний эътиқодлар ва шахс хусусиятлари ўртасидаги алоқа дин психологиясининг марказий муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда бир қанча илмий тадқиқотлар ўтказилган. Шулардан бирига тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, диний эътиқодлар одамларга ўз ҳаётининг маъносини топишга ёрдам беради, шунингдек уларнинг ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари ва руҳий саломатлигига таъсир кўрсатади.

Torbat-e Jaam шаҳридаги Озод Ислом Университетида ўтказиладиган психологик эксперимент учун тасодифий ҳолда 178 талаба танлаб олинган.⁷¹ Экспериментдан кўзланган мақсад асосий диний эътиқодлар (basic religious beliefs) ва шахс хусусиятларини (personality traits) ўртасидаги алоқанинг ўзига хослигини аниқлашдан иборат эди. Тадқиқот учун учта нарсага нисбатан диний эътиқодлар Инсон (Human), Мавжудлик (Existence) ва Худо (God) танлаб олинди. Шунингдек, шахснинг бешта омили: невротизим (neuroticism), экстраверсия (extraversion), очиқлик (openness), келишувчанлик (agreeableness), виждонлилик (conscientiousness) сингари омиллар аниқлаштирилди ва улар ўртасидаги ўзаро алоқалар корреляцион даражада тадқиқ этилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, асосий диний эътиқодлар невротиклик ($r = -0.29$) билан салбий корреляцияга, экстраверсия билан эса ижобий корреляцияга ($r = 0.28$), очиқлик

⁷¹ <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3428642/>
[Iran J Psychiatry](#). 2012 Spring; 7(2): 82–86

билан заиф ижобий корреляцияга ($\rho = 0.14$), келишувчанлик билан ижобий корреляцияга ($\alpha = 0.29$) ва виждонлилик билан юқори ижобий корреляцияга ($\sigma = 0.48$) эга экан. Юқоридагилардан шуни айтиш мумкинки, асосий диний эътиқодлар билан очиқлик деб аталган шахс хусусияти энг паст ва виждонлилик деб аталган шахс хусусияти билан энг юқори даражада корреляцияга эга. Инсоннинг ўзини ўзи билиши, умрининг мазмунини тушуниши ва Яратувчига нисбатан муносабатига бўлган эътиқодлари невротикларда тескари алоқага эгаллиги кўзга ташланади, яъни инсонларда невротиклик даражаси қанча юқори бўлса, улардаги эътиқод пастлашиб бораверади. Инсоннинг ўзини ўзи билиши, умрининг мазмунини тушуниши ва Яратувчига нисбатан муносабатига бўлган эътиқодлари билан шахснинг виждонлилик хусусияти ўртасида юқори ижобий корреляция кузатилмоқда. Бу дегани виждонли кишида бу эътиқодлар юксак даражада шаклланган бўлар экан.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот натижалари диний эътиқод билан ижобий шахс хусусиятлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳақидаги диний когнитив-ҳиссий назарияни тасдиқлаяпти.

Назорат саволлари:

1. Нодиний эътиқод нима ва унинг қандай психологик хусусиятлари мавжуд?
2. Нодиний эътиқод билан билимнинг қандай фарқларини биласиз?
3. Диний ва нодиний эътиқодларларнинг учта умумий психологик жиҳатларини айтиб беринг.
4. Диний эътиқод нима ва унинг қандай психологик хусусиятлари мавжуд?
5. Ислом манбаларига кўра диний эътиқодда қандай тўртта масалага нисбатан муносабат қамраб олинади?
6. Диний ва нодиний эътиқодларнинг қандай муштарак томони бор?
7. Диний эътиқодлар билан шахснинг хусусиятлари ўртасидаги алоқани акс эттирадиган тадқиқот қандай натижаларга эга бўлган?

2.2. Психология эволюцияси ва диний эътиқод.

1. *Психология ва диний эътиқодлар эволюцияси.* Бугунги кунда фанда динларнинг шаклланиши тарихига оид икки хил қараш мавжуд.

Биринчи қарашга кўра диннинг пайдо бўлиши бевосита инсониятнинг яралиши билан боғлиқ. Худо илк инсонларни яратиши билан уларга Ўзини танитди, натижада инсон илк динга эътиқод қила бошлади. Бундай қараш фанда “теологик ёндашув” деб номланади. Теологик ёндашувга кўра, турли буюмларга сиғиниш ва кўпхудолик, жумладан анимизм, тотемизм, фетишизм ва шомонлик яккахудолиқдан кейин юзага келган.

Динларнинг келиб чиқиши ҳақидаги иккинчи қараш фанда “материалистик ёндашув” деб номланади. Мазкур қарашларнинг пайдо бўлиши антик даврга бориб тақалиб, у илк бор қадимги юнон файласуфлари қарашларида акс этган. Уйқу, туш ва нафас олиш каби ҳолатларда танани бошқарувчи ва ўлим билан ундан ажратиб турувчи, ҳаёт бағишловчи қандайдир куч мавжудлигига ишонган аждодларимиз, мазкур куч ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса: дарё, қуёш, ой, дарахт каби мавжудотларда бор, деб тасаввур қилганлар. Натижада, инсон кўрқуви, ҳурмати, эҳтиёжи ва зарурати даражасида уларга сиғина бошлаган. Материалистик мактаб тарафдорлари фикрига кўра, кўрқув динларнинг келиб чиқишида асосий роль ўйнаган ҳиссий ҳолатдир.

1 – босқич - предметларда, ўсимликларда, ҳайвонларда, табиат ҳодисаларида ўз аксини топган табиат кучларига сиғиниш - оқибатда эзгу ва ёвуз руҳларга сиғиниш юзага келди. Илк диний тасаввурлар ўша давр кишиларининг психологиясини ўзида акс эттирган. Биз куйида уларга қисқача тўхталиб ўтамыз.

Анимизм. Латин тилида anima – “руҳ”, “жон” маъноларини англатади. Анимизм руҳлар мавжудлигига ишонч, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи илк дин шаклидир.

Баъзи антропологлар анимизмдан олдин ҳам диний қарашлар мавжуд бўлганини даъво қилиб, улар уни “*аниматизм*” деб номлайдилар. Аниматизм бир томондан нарсаларнинг ўзига хос ғайритабиий кучга эга эканлигига, бошқа бир томондан эса руҳларнинг мавжудлигига ишонишдан иборат. Бу назарияга кўра “ибтидоий инсон”

бошқа-бошқа мавжудотларни шахс сифатида танишдан аввал, бутун бир оламга ёйилган ҳаёт бағишловчи якка “Куч”ни тасаввурига келтирган бўлиши мумкин.

Тотемизм. Тотем сўзи – Шимолий Американинг Ожибва қабиласи тилида “унинг уруғи” маъносини англатади. Унинг моҳияти “одамларнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқалари бор”, деб эътиқод қилишидир. Тотемизм таъсирида пайдо бўлган урф-одатлар, нормалар асрлар давомида қатъий равишда қўлланилди. Табу – тақиқлаш, яъни, тотемни озуқа сифатида истеъмол қилишни тақиқлаш тизими пайдо бўлди. Фақатгина баъзи диний маросимларда руҳонийлар ёки қabila бошлиқларига тотемни ейиш рухсат этилган. Тотемизм уруғчилик жамоаси ижтимоий уруғ қabila жамоаларнинг энг биринчиси саналиб, диний кўринишларнинг тарихий асоси бўлиб қолди.

Фетишизм. Фетиш сўзи французча fetishe – бут, санам, тумор маъносидаги сўзни англатади. У табиатдаги жонсиз нарсаларга сиғинишдир. Фетиш ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир этиш кучига эга. Фетишизм ёғоч, лой ва бошқа материаллардан ясалган буюмларнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган. Бутларда, туморларда жамоалар ғайри табиий дунёдан келадиган илоҳий қудратнинг тимсолини кўрдилар.

Ибтидоий одамларнинг дастлабки диний таассуротлари умумий мажмуасининг шаклланиш жараёнида фетишизм яқунловчи босқич бўлиб қолди. Дунё ҳақидаги тасаввурлар вақт ўтиши билан такомиллашиб борди ва инсоният ҳаётида узоқ вақт мобайнида ўз таъсирини ўтказиб келди. Барча динлардаги ҳайкаллар, суратлар, тумор, кўзмунчоқ ва турли рамзлар ҳозирги даврда ҳам сақланиб қолган.

Шаманизм (шомонлик). Шаманизм (“шаман” сўзи тунгус-манчжур тилидаги “са” – билмоқ феъли билан боғлиқ, “саман” – билувчи киши). Шаманизм анимизм, тотемизм ва фетишизм натижасида юзага келиб, у орқали кишилар ўз тотемлари, ота-боболарининг руҳлари билан хаёлан боғланишни амалга ошириб келганлар. Шаманлар жазавали, асабий кишилар бўлиб, одамлар уларнинг руҳлар билан мулоқотда бўлиши, жамоанинг умид ва ниятларини етказиш, уларнинг иродасини талқин қилиш қобилиятига эга эканлигига жуда ишонганлар.

Шаманлар ритуал ҳаракатлари орқали – овоз чиқариш, ашула айтиш, рақсга тушиш, сакраш йўли билан ноғоралар ва қўнғироқлар овозлари остида ўзларини жазавага солиб, ўзини йўқотиш, жазавани юқори натижага етказиш билан афсунгарлик қилишган.

Сеҳргарлик (Магия). Сеҳргарлик (афсун) – одам, ҳайвон ва табиатга ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган ритуал урф-одатлар мажмуасидир. Афсунгарлик урф-одатлари билан махсус кишилар – шаманлар, афсунгарлар шуғулланганлар. Сеҳргарлик маросимлари якка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга оширилиши мумкин эди. Сеҳргарлик мақсадига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- 1) “Яхши ниятда” амалга ошириладиган – “оқ сеҳргарлик” (“белая магия”);
- 2) “Ёвуз ниятда” амалга ошириладиган – “қора сеҳргарлик” (“чёрная магия”);
- 3) Ҳарбий сеҳргарлик (қурол аслаҳани сеҳрлаш);
- 4) Севги сеҳргарлиги (“иссиқ- совуқ” қилиш);
- 5) Тиббий сеҳргарлик (даволаш мақсадида);
- 6) Об-ҳаво сеҳргарлиги (ёмғир чақириш);

Сеҳргарлик замонавий динларда ва турли халқлар урф-одатларида сақланиб қолган.

1 - босқич – сабеизм ёхуд юлдузларга сиғиниш космос – тартибнинг намунаси-инсон ҳаётини тартибга солиш усули-деҳқончиликка ўтиш пайтида пайдо бўлди;

2 - босқич – санамларга сиғиниш – тасвир ва рамзларга сиғиниш;

3 - босқич – политеистик давр – кўп худолилик;

4 - босқич – монотеистик боқич.

2. *Диний эътиқод ва унинг мазмунини белгилашнинг асосий мезонлари*. Психология, фалсафа доирасида ўтказилган таҳлиллар асосида диний эътиқод ва унинг мазмунини белгилашнинг асосий мезонлари аниқланган. Биз қуйида уларнинг асосийларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

1) Эътиқоднинг мезони дин, эътиқод рамзлари, динийлик, диний тажриба ва диний туйғулар билан боғланган ҳолда тушунтирилади. Бунда турли хил тушунчалар аралашиб кетган. Эътиқод шахснинг феномени сифатида диний таълимотнинг маълум йўналиши билан боғлиқдир. Масалан, ислом эътиқоди, христиан эътиқоди, иудаизм

эътиқоди ва ҳ.к. Бу ўринда гап диний феноменнинг ўзи ҳақида эмас, балки диннинг юқори қобиғи тўғрисида гап кетаяпти. Эътиқоднинг бундай тушунтирилиши диний эътиқод тушунчасини садда тушунтирилишига олиб келади.

2) Эътиқод тушунчаси психика (эмоция, невроз, аффект) ёрдамида тушунтирилади. Бунда ҳам эътиқоднинг мезони торайтирилиб тушунтирилади (Ф. Аквинский, Р. Декарт, И.Г. Фихте, Ф. Шлейермахер, Г. Геффдинг, Г. Оллпорт, У. Жеймс). Эътиқодни инсон онгидаги архитиплар билан тушунтириш ҳам ўзининг рационал ечимини топмади (К.Г. Юнг, З. Фрейд, С. Эртербурн ва Ж. Фелтон). Эътиқод диндор субъектлар психикасининг алоҳида ҳолати ҳисобланиб, бу ҳолат эътиқод предметига нисбатан эмоционал ва қадриятли муносабати билан характерланади. Эътиқод шунингдек инсоннинг иродавий соҳаси билан ҳам чамбарчас боғланиб кетади. Бундай таъриф психологияда ва фалсафада мавжуд.

3) Эътиқоднинг мезони рационаллик сифатида талқин қилинади. Бунда эътиқоднинг чегараси масаласи кўтарилади, яъни эътиқод билан ақлнинг, эътиқод билан билимнинг, эътиқод билан шубҳанинг ўзаро муносабати чегараларини аниқлаш билан боғлиқ. Ақл билан эътиқоднинг ўзаро муносабати қуйидагича тушунтирилади:

а) эътиқод ва ақлнинг ўзаро мутаносиблиги, яъни уларнинг бир-бирини тўлдириши;

б) эътиқод ва ақл ҳаракатлари доирасининг тенглиги, яъни уларнинг алоҳида ҳолда бир-бирига таҳсир кўрсатиши;

в) бирининг иккинчиси томонидан устун бўлишлиги ёки инкор этилиши.

Бошқа йўналишларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

Шунингдек, мазкур гуруҳга эътиқоднинг ҳақиқийлиги ёки ботиллиги нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш ҳам киради. Эътиқодларнинг турларига қараб тақсимлаш ҳам алоҳида шу гуруҳ мезонларига киради. Масалан, илмий (рационал) эътиқод, диний эътиқод (бу ерда эътиқод эмоционал, руҳий соҳага тааллуқлидир), фалсафий эътиқод, англанган ва англанмаган эътиқодлар, кўр эътиқод, ажратилмаган эътиқод ва ҳ.к.⁷²

⁷² Феномен религиозной веры в сфере психологии. // Позиция. Философские проблемы науки и техники. / Сб. статей под ред. С.И. Некрасова и Н.А. Некрасовой. Вып. 4.- Москва-Орёл, Изд-во ОГУ, 2010. - 236с. - С. 104-110 (0,44 пл. / 0,4 пл.) (в соавт.).

4).Эътиқод мезонининг рационаллик, эмоционаллик, англолмаганлик, иррационалликларнинг тўплами сифатида талқин қилинишлиги. Бу ўринда эътиқод эмоционал-рационал феномен сифатида тушунилади. Бундай ёндашувни теология, фалсафа ва психологияда кўриш мумкин. Масалан, бундай талқинга П.Тиллихнинг концепциясини киритса бўлади. Мазкур концепцияга кўра, эътиқодда ҳам рационал (ақлий), ҳам англолмаган элементлар бирлашади, эътиқод нафақат ишонч ва садоқат, балки “олий мақсад”, “сўзсиз ғамхўрлик”, шахснинг марказий ақтидир. К.Ясперс томонидан таклиф этилган “фалсафий эътиқод” ҳам юқорида таъкидлаганимиз мезонга тўғри келади. Унинг фикрига кўра, эътиқод иррационал ва рационал (“билим билан иттифоқ”) ажойиб қўшилишидан дунёга келади.

5) Эътиқоднинг экзистенциал мезони (Ф.Шлейермахер). Бу концепцияга кўра, Худо ҳақидаги ва унинг илоҳий мўжизалари ҳақидаги анъанавий мезонлар бир-бирига қарама-қарши қўйилади.

6) Эътиқоднинг мезони сифатида маданият ҳам кўрилган. Бунда эътиқод шахс билан маданиятни инсонийлаштириш сифатида талқин этилади (О.В. Ивановская). Ёки эътиқод парадигмал ва ментал феномен, ҳаётнинг маъносини берадиган, ақл ва тажрибага таянадиган “ишчи гипотеза” сифатида талқин этилади (Д.У. Ферм).

Хулоса қилиб айтганда, мазкур мезонлар диний эътиқоднинг моҳиятида яширишган маъноларнинг барчасини тўлиқ очиб бермайди. Бироқ унинг асосий хусусиятлари ва йўналишларини белгилаб беради Шунингдек, эътиқодни тўлиқ тушунишимиз ва тадқиқ қилишимиз учун керакли бўлган муаммолар соҳасини аниқлаштиради.

2. Диний эътиқодлар типологияси. Диний эътиқодларнинг бир қанча типологияси мавжуд бўлиб, биз уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Биринчиси, диндорлар ва динсизларнинг диний эътиқодларининг даражаларига қараб эътиқод тўрт типга ажратилади:

1. Эътиқодли диндорлардаги диний эътиқод – бунда эътиқод билан амал бирлиги кузатилади. Бу диний эътиқоднинг энг юқори даражаси ҳисобланади.

2. Оддий диндорлардаги диний эътиқод – эътиқод амалда мукамал таъминланмайди.

3. Иккиланувчилардаги диний эътиқод – эътиқод вазиятга қараб амалга оширилади, амал тўлиқ ҳаётга тадбиқ этилмайди.

4. Эътиқод қилмайдиган диндорларнинг диний эътиқоди – диний хулқ-атворнинг элементлари мавжуд эмас, мутлақо амал йўқ.

5. Атеистлар-Аллоҳ таолонинг борлигига эътиқод қилишмайди, бутун турмуш тарзи худосизларга хос.

Диний эътиқод инсон ҳаётида ўз фаоллигига эга бўлган, кўплаб элементлари ва функциялари мавжуд бўлган мураккаб тузилмали динамик ривожланган феномен ҳисобланади. У бошқа бир нуқтаи назардан туриб ҳам таснифланган.

Эътиқоднинг типларини таснифлаш бўйича таҳлил қилинганда асосий хусусиятлар аниқланди ва уларга қараб эътиқод маълум типларга ажратилди. П.Тиллихнинг ғоясига кўра, эътиқодларнинг икки хил типи мавжуд⁷³: эътиқоднинг онтологик типи, эътиқоднинг ахлоқий типи. Уларнинг ўзи ҳам майда типларга бўлиниб кетади. Эътиқоднинг онтологик типи сакраментал, мистик, гуманистик (“секуляр”) типларга бўлинади. Эътиқоднинг ахлоқий типи эса ўзида юридик, шартномавий этик типларни мужассамлаштиради.

Қуйида уларга қисқача тўхталиб ўтамыз.

1. Эътиқоднинг онтологик типи. Бу типга кўра оламдаги ҳар қандай нарса, хоҳ у предмет бўлсин, хоҳ шахс бўлсин, хоҳ у ҳодиса бўлсин муқаддасдир. Муқаддаслик ҳамма жойда ва ҳозир мавжуд. Воқеликнинг ҳар бир бўлагига нисбатан эътиқод бор ва у муқаддасдир. Эътиқод бутун воқеликнинг моҳиятидир. Гуруҳ ва индивиднинг эътиқоди актларида воқеликнинг ҳар қандай тури муқаддаслаштирилади.

2. Эътиқоднинг ахлоқий типи. Бу тип учун қонун ғояси характерлидир. Худо мукофот ва буйруқ сифатида қонунни чиқарганлиги учун ҳам Худо. Худо чиқарган қонунларга амал қилганлар унга яқинлашиши мумкин. Қонун иккала типда ҳам мавжуд. Бироқ бу иккала типда ҳам улар бир-биридан кескин фарқ қилади. Онтологик типда қонун ритуалларга ёки зуҳд амалиётига бўйсинишни талаб этади. Ахлоқий типда эса қонун ахлоққа бўйсинишни талаб этади. Бу фарқ албатта мутлақ эмас.

⁷³Реконструкция феномена веры в религиозно-философской концепции Пауля Тиллиха.// Молодежь и наука - третье тысячелетие: Материалы студенческой науч-практ. конф.: В 2 т. - Тула: Изд-во Тул. гос. пед. ун-та им. Л.Н. Толстого, 2006. -284с. С. 254-257 (0,25 п.л.).

Диний эътиқодларнинг типологияси мазкур тушунчанинг мазмун моҳиятини очишга хизмат қилади. Шунинг учун бу мавзуни ёритиш мақсадга мувофиқ эди.

Назорат саволлари:

1. Динга нисбатан теологик ёндашувнинг моҳияти қандай?
2. Динга нисбатан материалистик ёндашувнинг моҳияти қандай?
3. Анимизмнинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Тотемизмнинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Фетишизмнинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Шаманизмнинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Сеҳргарлик (афсун)нинг мазмун моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Диний эътиқоднинг мазмунини белгилашнинг қандай асосий мезонлари мавжуд?
9. Диндорлар ва динсизларнинг диний эътиқодларининг даражаларига қараб эътиқод қандай тўртта типга ажратилади?

2.3. Диний эътиқод ва билиш жараёнлари.

1. *Билиш жараёнлари ва диндор шахси ривожи.* Жамиятнинг ижтимоий маданий рангбаранглиги шароитида мураккаб ташкилий ва мафкуравий жараёнлар содир бўлади. Бу жараёнларни нисбатан чуқурроқ тушуниш учун диндор шахси даражасини инобатга олмоқ зарур. Диндор шахси тўғрисидаги етарли бўлмаган маълумотлар ҳар қандай диний гуруҳда шахснинг турли хил типлари ўртасида зиддият пайдо бўлишига олиб келади.

Билиш жараёнида диндор шахс жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг дунёқарашидан, тажрибасидан, установакаларидан, идеалларидан ва у ёки бу конфессиянинг қадриятларидан келиб чиққан ҳолда муносабатини билдириш қобилиятига эга бўлган субъектдир.

Яхлит шахс концепциясида илмий ва диний билимларнинг интеграцияси масаласи дин психологиясининг муҳим масаласи ҳисобланади. Бу йўналишда Ф.Е.Василюк, А.А.Гостев, В.П.Зинченко, В.Х.Манеров, В.Б. Слезин, К.Е.Скурат, Е.Т.Смирнова, В.М.Снетков, Б.Г.Херсонский, О.С.Чабан, Л.Ф.Шеховцова сингари олим ва олималар тадқиқотлар олиб боришган.

Диндор шахснинг ижтимоий-онтологик асослари Ж.М.Гюйо, В. Еротич, Ж.Леуба, Г.ван дер Леув, А.Маслоу, Э.Старбак, К.Тиле, Т. Флурну, В.Франкл, М.Элиаде сингари олимлар томонидан атрофлича кўриб чиқилган.

Динийлик диндор шахснинг онтологик хусусияти сифатида ижтимоий-маданий жиҳатдан В.И.Гараджа, К.Каарияйнен, Е.А.Кублицкая, Ю.А. Левада, О.Ф. Лобазова, Б. Лобовик, И.И. Мочалов, М.Г.Писманик, М.Ю.Смирнов, В.Танчер, Д.М.Угринович, Д.Е.Фурман, И.Н.Яблоковлар томонидан ва руҳий-психологик жиҳатдан Т.В.Андрякова, Е.И.Аринин, О.А.Войновская, Л.П.Карсавин, А.В.Романов, Т.П.Соловьева, С.А.Черняева, А.И.Яковлевлар томонидан тадқиқ этилган.

Диндор шахсини билиш жараёнининг субъекти сифатида қарайдиган бўлсак, унинг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатса бўлади: илоҳий олам билан мутлақ алоқанинг борлигига ишонч, эътиқод объектини англаган ҳолда танлов қилишга нисбатан

қобилият, шахсий диний тажриба асосида билиш амалиётида фаол позицияга эгалик.

Таъкидлаш жоизки, диний эътиқод феномени диндор шахси борлиғининг асоси ва дунёни (Худони, табиатни, жамиятни) билишнинг алоҳида усули сифатида баҳоланади. Диний эътиқод билан билим ўртасида маълум алоқалар мавжуд бўлиб, бунда маиший ёки илмий билимлар қуйи поғонада туради ва руҳоний билимларга тааллуқли бўлган ва алоҳида хусусиятларга эгаллиги билан характерланадиган эътиқод юқори поғонада жойлашади. Бошқача айтганда, маиший ёки илмий билимлар асосига эътиқод қурилади. Шу нуқтаи назардан маълум билимларнинг ўзгариши билан эътиқод ҳам ўзгариши мумкин. Эътибор бериб қараладиган бўлса, билимлар диний эътиқодга бевосита таъсир кўрсатаяпти.

Маълумки, онтологиянинг фалсафадан ажралиб чиқиши муносабати билан эътиқод масаласини ишлаб чиқиш гносеологиянинг вазифаси сифатида баҳоланадиган бўлди. И.Кант эътиқодни объектив реаллигини таъминлаб бериб бўлмайдиган қуйидаги ғояларни билишнинг ягона мумкин бўлган усули деб ҳисоблайди: илоҳиёт, Аллоҳнинг мавжудлиги, руҳнинг ўлмаслиги ва ҳ.к. Эътиқод И.Кант томонидан билиш шакллари динамикасини аниқлаб берадиган гносеологик категория сифатида эътироф этилади.

Диний эътиқодда воқеликнинг субъектив аҳамияти ва ҳодисаларнинг маъноси илоҳий воқелик ва дунёнинг яратилишининг илоҳий мақсад ва қонунлари билан белгиланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам диний эътиқод инсон ички оламининг шахсга алоқадор барча муҳим жиҳатларига, яъни фикрларига, эмоцияларига, ҳиссиётларига, дунёқарашига, установакаларига, қадриятларига, билиш анъаналарига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Шундай қилиб, диний эътиқод диндор шахс борлиғининг фундаментал хусусияти ва билиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида билим олишга нисбатан эҳтиёж даражасида талқин этилган. Эҳтиёж ҳаётий тажрибага таянган ҳолда шахснинг шаклланишини белгилаб беришга ёрдам бериши билан бирга шахснинг ўзига хослигини, инсоннинг конфессионал идентиклигини аниқлаб ҳам беради.

2. *Диндор шахс билишнинг субъекти сифатида.* Ижтимоий муносабатлар тизимида диндор шахс билишнинг субъекти сифатида

ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Дарҳақиқат, диндор шахс турли хил ижтимоий амалиётларга боғлиқ ҳолда умр кечиради. Бу ижтимоий амалиёт диний онг томонидан объектив ижтимоий маданий воқеликни идрок этишни ва унга мослашишнинг субъектив механизмларини белгилаб беради. Бу жараёнлар биринчи навбатда инсондаги диний таълимотнинг шаклланишига хизмат қилади. Диний таълимотнинг ўзи эса маълум билимлар тўплами сифатида инсоннинг мавжуд воқеликка мослашишини осонлаштиради. Демак, когнитив (билиш) жараёнлари олдинига диний эътиқоднинг шаклланишига хизмат қилса, кейинчалик тўпланган билимлар мажмуаси эътиқодга айланиб, инсоннинг ижтимоий маданий муҳитда ҳаёт кечириши усулларини белгилаб беради. Шунингдек, диний эътиқод шахсий диний тажрибанинг шаклланиш жараёнида қўлга киритилган диний руҳоний установкалари билан мувофиқ ҳолда фаолият кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, инсон диндор шахс сифатида асосий диний билимларни одатдаги кундалик ҳаётда қўлга киритади. Кундалик ҳаётда одамлар ўртасидаги муносабатларда динга тааллуқли бўлган ҳолатлар диндор шахсининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Болалиқдан уйда, атроф-муҳитда турли туман диний маросимларда иштирок этиш, урф-одатларга амал қилиш натижасида одамларда диний билимлар тўпланади ва улар тўпланиб, диний дунёқарашни шакллантириши мумкин. Бунда бевосита инсоний ўзаро таъсирнинг стереотип, анъаналар, урф одатлар, кундалик индивидуал амалиётлар сингари шакллари диний эътиқоднинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун кундалик ҳаётда қўлга киритиладиган билимларнинг диний эътиқоднинг шаклланиши ва ривожланишидаги ўрнига паст назар билан қараб бўлмайди. Махсус диний таълимга эга бўлган кишилар бундан мустасно. Чунки уларда диний эътиқод тизимли равишда шакллантирилади. Оддий кишиларда эса бу жараён тизимли ҳолда амалга ошмайди. Шунинг учун диний билимларнинг кўчадан, ишончсиз ижтимоий тармоқлардан, диний саводсиз бўлган оилалардан олиниши ботил диний эътиқоднинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, маълум диний қарашларнинг стереотип (қадимги юнончадаги $\sigma\tau\epsilon\rho\epsilon\acute{o}\varsigma$ — қаттиқ, ҳажмли + $\tau\acute{\upsilon}\tau\tau\omicron\varsigma$ — из қолиш сўзларидан олинган, қотиб қолган фикр ва ҳ.к.) шаклда инсон онгига сингдирилиши диндор шахсда фанатизмни пайдо қилиши мумкин. Стереотип инсон

онгида бирорта воқеа-ҳодисага нисбатан муносабат билдирилаётганда ақлдан олдин таъсир кўрсатади ва ақлнинг таъсирини сезиларли даражада сусайтиради. Бу стереотиплар одатда кундалик ҳаётимизда қўлга киритган билимларимиз асосида дунёга келган бўлади ва улар, айрим олимларнинг фикрича, ақлнинг энергиясини иқтисод қилишга хазмат қилади. Бошқача айтганда, тизимсиз ҳолда олинган диний савод (диний билимлар) нотўғри стереотипларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. У эса ўз ўрнида нотўғри, ботил диний эътиқодни келтириб чиқаради.

Диний анъаналарни олиб қарайлик. Улар билимлар кўринишида ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги диний тасаввурларимизнинг мазмунини белгилаб беради.

Кундалик ҳаётдаги қўлга киритиладиган билимларнинг чегараси ижтимоий маданий параметрлар билан, шунингдек, диндор шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

Кундалик ҳаётдаги қўлга киритиладиган билимларлардан ташқари илмий билимлар ҳам борки, диндор шахс билиш субъекти сифатида уларга ҳам ўз муносабатини билдиради. Илмий билишда диндор шахс дунёқараши борлиқни билишнинг усуллари бўлган дин ва фанни тушуниши билан характерланади. Бироқ илмийликнинг чегаралари ижтимоий параметрлари билан белгиланади.

Маълумки, фанда ақл, билишнинг илмий методлари устун ҳисобланади. Бироқ унда ақлнинг когнитив имкониятлари, атроф муҳит қонунлари ўзида акс эттириш қобилияти мавжуд, деб билишади.

Жамиятнинг тарихий тараққиёти жараёнида динийлик ва илмийликнинг ўзаро муносабатлари дунёни билишда билишнинг мазмуни ва сифатига мос ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг конкрет даражасини инобатга олган ҳолда жой алмашилиб турди.

Илмий билишда диндор шахснинг икки хил типи фарқланиб туради: ноконфессионал ва профессионал типлар.

1. Ноконфессионал типдаги кишилар илмий билиш жараёнида қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: динга, умуман диний ташкилотларга нисбатан скептик муносабат (танқидий муносабат, бирор нарсага ишончсизлик); антиклерикал қарашлар (қадимги юнон тилидага *άντι* қарши ва *κλήρικός* клирик сўзларидан олинган бўлиб, клириikka қарши деган маъноларни беради. Сиёсий ва маънавий

ҳаётни, фанни, маданиятни ва таълимни диннинг аралашувидан кутқариш керак, деган мақсадни ўз олдига қўйган ижтимоий ҳаракат, қарашлар тўплами); Худо тўғрисидаги пантеистик тасаввур (пантеизм Худо билан оламни баъзида умумлаштирувчи, баъзида тенглаштирувчи фалсафий таълимот бўлиб, у қадимги юнон тилидаги παν ҳамма, ҳамма нарса ва θεός Худо, илоҳиёт сўзларидан олинган); табиат қонунлари гармониясига ишонч (табиатдаги гармония қонунларидан бири “олтин кесим” деб аталадиган, бутун ва уни ташкил этадиган қисмлар ўртасида пропорциянинг сақланиши қонуни); дунёни, жамиятни ва одамни билишнинг рационал ва иррационалиги асосига қурилган дихотомик дунёқараш (дихотомия-бўлинганлик, нарсаларнинг, тушунчаларнинг ички жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган иккита қисмга бўлиниши тўғрисидаги фалсафий таълимот бўлиб, у қадимги юнон тилидаги διχῆ иккита ва τομή бўлинган сўзларидан олинган); мистицизм; динийлик ва ахлоқийликнинг қиёсланиши; инсонпарварлик; оламга ва инсониятга муҳаббат; толерантлик; антиномлилик (антиномия бир-бирини инкор этадиган иккита фикр бири иккинчисидан келиб чиқиши тўғрисидаги таълимот бўлиб, у қадимги юнон тилидаги antinomia – қонундаги қарама қаршилиқ сўздан олинган). Юқоридаги белгиларга эга бўлган олимларнинг ноконфессионал типига қуйидагиларни киритсак бўлади: Н.П.Бехтерев, В.И.Вернадский, В.Гейзенберг, Ч. Дарвин, С.П.Капица, М.Планк, А.Д.Сахаров, А. Эйнштейн.

2. Конфессионал типдаги кишилар илмий билиш жараёнида қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: маълум диний анъаналарга қатъий риоя қилиш; Аллоҳнинг биру-борлигига нисбатан диний эътиқод, илмий кашфиётларда Аллоҳнинг мўъжизасини кўриш; илмий ва диний ҳақиқатларнинг бир бирини тўлдиришлигини эътироф этиш; дин ва фан тамойилларини битта билимга умумлаштириш. Юқоридаги белгиларга эга бўлган олимларнинг ноконфессионал типига қуйидагиларни киритсак бўлади: В.Ф. Войно-Ясенецкий, Ж. Леметр, Д.Е. Мелехов, В.С. Ольховский, Н.И. Пирогов, Д. Полкинхорн, П. Тейяр де Шарден, В.П. Филатов, П.А. Флоренский.

Диндор шахс ўз ҳаётида илм билан динни ҳамоҳанг ҳолда олиб боради ва оламни, жамиятни ва инсон тафаккурини билишнинг ягона йўли сифатида уларнинг ҳамкорлигини таъкидлайди. Ҳар қандай олимнинг диндор ёки диндор эмаслиги охир оқибат унинг илмий

хулосаларида ўз аксини топади. Биз билган ва билмаган табиат шунчалик мураккабки, уни фақатгина рационал жиҳатдан билиб бўлмайди. Шунинг учун уни мукаммал билишда иррационал жиҳат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги ижтимоий тажриба билишнинг барча шаклларининг ҳамкорлигини талаб этади. Шу йўл билангина билишда ҳақиқий эркинликка эришиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Диндор шахси билиш жараёнининг субъекти сифатида қандай муҳим белгиларга эга?
2. Диний эътиқод феномени диндор шахси билиш жараёни учун қандай қилиб билишнинг алоҳида усули бўлиши мумкин?
3. Диндор шахс билишнинг субъекти сифатида қандай ўзига хос хусусиятларга эга бўлади?
4. Кундалик ҳаётда қўлга киритиладиган билимларнинг диний эътиқоднинг шаклланиши ва ривожланишида қандай аҳамияти бор?
5. Кундалик ҳаётда қўлга киритиладиган билимлар бўйича қандай психологик типлар фарқланади?
6. Илмий билишда диндор шахснинг қандай икки хил типлари фарқланади?

2.4. Диний фанатизм ва унинг психологик хусусиятлари.

1. *Фанатизм ва диний фанатизм тушунчасининг мазмун моҳияти.* Фанатизм кенг маънода кимгадир ёки нимагадир ҳаддан ортиқ даражада боғланиш, шунингдек ўзгаларнинг эътиқод ва қадриятларини мулақо инкор этишдир. Фанатизм – носоғлом ҳолат ҳисобланади ва у қандайдир ғояга кўр-кўрона ишониш ҳамда уни ўзгаларга мажбуран ўтказиш натижасидир. Фанатизм мураккаб ва зиддиятли ижтимоий психологик феномен бўлиб, у ҳамиша файласуфларнинг, психологларнинг, маданият ва диний ходимларининг тадқиқот объекти бўлиб келган. Фанатизм турли туман шакл ва кўринишларда жамият ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларида кўзга ташланади.

Фанатизмнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

- 1) ирқий фанатизм – ўзга ирқ вакиллариغا нисбатан чидамсизлик;
- 2) миллий фанатизм (шовинизм);
- 3) сиёсий фанатизм (фашизм, тоталитаризм);
- 4) диний фанатизм - ўзга диний ғояларга нисбатан чидамсизлик.

Диний фанатизм фанатизмнинг тарихан илк босқичларидан бири ҳисобланиб, унинг бошқа турлари ичида муҳим ўринни эгаллайди. У қарайиб барча динларда учрайди ва маълум тарихий шароитларда ривожланиши ҳам мумкин, шунингдек, турли хил диний ва сиёсий гуруҳлар томонидан ўзларининг мақсадларига эришиш воситаси сифатида фойдаланилиши ҳам мумкин.

Моҳиятига кўра, диний фанатизм – бу диний дунёқарашнинг алоҳида талқини ва диний ҳиссиётларнинг алоҳида тўпламидир. Диний фанатизмнинг хавфли жойи шундаки, у диндорларнинг онгини ва хулқ-атворини манипуляция қилиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диний фанатизм “соф динийлик” билан шуғиллана бошладими, у энди ташқи оламни тозалашни талаб қилиб бошлайди. Натижада диний фанатизм экстремизмга айланади.

Диний фанатик гуруҳларнинг аъзолари ўзларига ўз ҳаётлари учун масъулиятни олмайдиган ва кучли сардор томонидан бошқариладиган гуруҳдагина ўзини эркин ҳис қиладиган тобе

шахсларга айлана боради. Бундай шахслар осонгина оммавий тренинглар олиб борадиган психологик сордорларнинг қурбонига айланади.

Диний фанатик гуруҳларга доимий руҳий изланишлар олиб бораётган, “Мутлоқ Ҳақиқат”га интилаётган, одатда мураккаб масалаларни оддийгина ва жўн тушунадиган кишилар келиб қўшиладилар.

Диний фанатизм эса диний ғояларга ҳаддан ортиқ, кўр-кўрона боғланиш ва уларга амалий ҳаётда сўзсиз амал қилишга интилиш, ўзга эътиқоддагиларга ҳамда ўзгача фикрлайдиганларга чидамсизликдир. Диний фанатизм диний оқимларда айниқса кўп кузатилади. Бу диний фаолият билан ҳаддан ортиқ, ундан культ ясаб олиш даражасида шуғилланишдир. Ҳар қандай фанатизмнинг асосида эътиқод ётади. Характерли жиҳати шундаки, бунда ҳиссий ҳолатлар ақлдан устун бўлади.

Диний фанатларни иккита тоифага ажратиб кўрсатса бўлади: биринчиси – пассив яратувчи фанатлар ва иккинчиси эса фаол экстремистик (бузғунчи) фанатлар. Уларнинг иккинчиси айниқса хавфли ҳисобланади. Чунки улар бошқаларда ўзга эътиқод вакилларига нисбатан нафрат уйғотишга интиладилар ва ғайридинларни жисмонан мавҳ қилишга ҳаракат қиладилар. Диний фанатизм баъзи олимларнинг фикрига кўра, террористлар ва камикадзеларни тайёрлаш учун психологик асос ролини ўйнайди.

Мазкур ҳодисанинг манбаи ҳар бир жаҳон динининг дунёнинг келиб чиқиши ва моҳияти, қиёмат қоим, қайтадан тирилиш ва ҳ. диний масалаларда ҳақиқатга даво қилишидан келиб чиқади. Ҳар қандай жаҳон динларида шу масалалар бўйича ҳаддан ортиб кетиш даражасида ғояларга эга бўлган оқимлар топилади.

Диний фанатизм одамлар гуруҳини белгиланган қоидалар бўйича яшашга маҳкум бўлган тўдага айлантиради, ҳар қандай одамнинг индивидуаллигини ва ички эркинлигини бекор қилади. Шундай қилиб инсонларни эътиқоднинг у ёки бу қоидасини бажариш вомитасига айлантиради.

2. Диний фанатизм пайдо бўлишининг психологик сабаблари. Диндаги фанатизм оғир психологик тобеликнинг шакли ҳисобланади. Бундай ҳолда одамнинг ўзини назорат қилиши даражаси сусаяди ва “юқоридан” (масалан, оқимнинг руҳоний сардори томонидан)

белгиланган ҳамда унинг онгига ўчмас бўлиб сингдирилган догмаларга мос фикрлайди ва ҳаракат қилади. Бу тобе одам ўзгача ҳаётни ҳатто тасаввурига ҳам сиғдирмайди.

Алоҳида олинган одамни қандай қилиб диний фанатга айлантириш мумкин бўлади? Албатта бунда кўп нарса шахснинг типига боғлиқ бўлади. Психологларнинг фикрига кўра, қуйидаги хусусиятларга эга бўлган одамлар кўпроқ тобеликка мойил бўлар экан:

- танқидий тафаккурга эга бўлмаган ва одатда ҳиссиётлар таъсирига тушиб қоладиган кишилар;

- осонгина таъсирланадиган кишилар;

- ўзгаларнинг таъсирига тез бериладиган кишилар;

- шахсий дунёқараш ва қадриятлар тизимига эга бўлмаган кишилар;

- мазмунсиз ҳаёт кечираётган ва бирорта доимий машғулоти бўлмаган кишилар ва ҳ.к. Бундай кишиларни диний фанатизм қармоғига тушуриш жуда осон кечади. Тайёр ғоялар ва дунёқараш дунё тўғрисида, ҳаётнинг моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган кишиларнинг бўм-бўш онгига осонгина сингади ва улар ўзларини аҳамиятли киши сифатида ҳамда муҳим жамоанинг ажралмас қисми сифатида кўради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, амалда аксарият диний фанатлар ҳақиқий диндан унчалик хабари йўқ кишилар бўлишар эканлар. Одатда уларнинг ўзлари диний талабларга бепарво. Шундай бўлсада, улар ўз ғоялари учун жонини фидо қилишга ҳам ёки ўзга ғоядагиларни ўлдиришга ҳам тайёр туришади.

3. Диний фанатизмнинг психологик белгилари. Битта диний фанат бирортага зарар етказиши мумкин. Бироқ бундай ўзларининг бирорта ботил ғоясига тобе бўлганлар бирлашсалар, катта куч бўладилар ва жамиятга катта зарар келтириши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, диний фанатларга қандай психологик белгилар хос эканлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ўтамиз:

- Ўзга эътиқодларга чидамсизлик. Бундайларга диний бағрикенглик тушунчаси ёт. Бунга тагин ўзга динларга нисбатан очиқ нафрат ва агрессия хос. Масалан, оммавий диний фанатизм атеистларга ва “ғайридинлар”га нисбатан бузғунчи таъсир кўрсатади.

- Диний фундаментализм, яъни ҳар қандай янгиликка нисбатан нафрат. Фанат чегараланган тафаккурга эга, унинг фикрларига

ихтилофли бўлган ҳар қандай ҳукмни ўйлаб кўрмасдан инкор этишга мойил. Шу билан бирга фанат “душманона” ғояларнинг маъносига тушуниб ҳам етмаслиги мумкин.

- Ҳар қандай танқидга салбий муносабатда бўлиш, танқидни қабул қилмаслик. Ҳатто тобе шахснинг фикрлари илмий-мантиқий жиҳатдан исботлаб берилганда ҳам, у ўз айтганида туриб олади. У билан мунозарага киришиш қийин. Фанатик ўз айтганида турганлиги боис, ўз ғоясини ҳар қандай йўл билан бўлсада (ҳатто жисмоний усулларни қўллаши мумкин), ҳимоя қилишга ҳаракат қилади.

- Атрофдагиларга турли-туман ёрлиқлар, масалан, “ғайридин”, “диннинг душмани”, “худобехабар” ва ҳ. ёпиштиришга моҳир бўлишади. Ўзгалар билан мунозарада рақибини тинглашга мойил эмас. Ўзгаларнинг фикрини эшитиш ва ўз ғоялари билан қиёслаш имкониятидан маҳрум кишидир.

Бугунги кунда ислом ниқоби билан “ғайримусулмонлар”га қарши курашаётганлар диний фанатлар ҳисоблансада, бу курашларнинг асосида конкрет сиёсий ва иқтисодий мотивлар ётганлигини таъкидлаш лозим.

Шунинг учун диний фанатизмнинг сабаблари масаласи муҳим аҳамият касб этади. Диний фанатизмнинг асосий сабабларига қуйидагиларни киритса бўлади:

1) сиёсий сабаблар: сиёсатчилар халқнинг орасига диний фанатизм уруғини сочиб, диннинг кучини ўзларининг ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун сарфлайдилар;

2) психологик сабаблар: психологик тадқиқотларнинг аниқлашига кўра, фанатизм невротик шахсларга хос бўлган руҳий қоникмасликнинг юзага чиқиши бўлиши мумкин, яъни бундай кишилар бундай ҳолатларини ўзларидан ҳамда ўзгалардан яширишга ҳаракат қилишадилар ва фанатизмга ўзларини урадилар. Шу йўл билан ўзларидаги агрессияни, эгоизмни, руҳий зиддиятларни яширишга уринадилар;

3) диний сабаблар: диний асосларни нотўғри талқин қилиш, “нотўғри ғоялар”ни “ўт ва қилич” ёрдамида тўғрилаб қўйиш, “ғайридинлар”га қарши талабчанликни ошириш ва ҳ.лар орқали динга хизмат қилишга ҳаракат қиладилар.

Диний фанатизм қандай оқибатларга олиб келиши масаласига тўхталиб ўтамиз. Унинг одамлар учун, жамият учун, қолаверса диннинг ўзи учун зарарли оқибатлари бор.

Диний фанатизм:

1) диндорда руҳий қониқиш ва “кафолатланган нажот” ҳиссини уйғотади, виждонини тинчлантиради, онгини торайтиради;

2) диндор эътиқодини торайтиради, ўз яқинларидан ҳам ғоясини устун қўяди, ғоя учун жонини фидо қилиш кўникмасини шакллантиради;

3) зулм, жазолаш билан қўрқитиш, мажбурлаш ва қувғин қилиш ёрдамида инсон эркинлигига раҳна солади;

4) диний урушлар очиш эвазига маданиятларни ва ўзга кишилар ҳаётини йўққа чиқаради;

5) нормал диндорларда ёки эътиқоди заифларда динга нисбатан антипатия чақиради, уларни атеизмга мойил қилади, уларнинг динга нисбатан ҳафсаласини пир қилади.

4. Диний фанатларнинг типлари ва уларнинг психологик хусусиятлари. Диний фанатнинг ўта тақводор одамдан асосий фарқи шундаки, у фақат ўзи билган йўл орқалигина жаннатга бориш мумкин, деб ўйлайди. Бошқа йўлларни инкор этади ва ўз йўлидан бир қадам ҳам чекинмайди.

Диний фанат психологик жиҳатдан кибрлилиги, бечидамлиги, агрессивлиги, ўзга диний оқимларга нисбатан ишончсизлиги билан ажралиб туради. Бундай одамни маънавий юксак деб айтиб бўлмайди. Бундай одамлар одатда донишмандликка дахли йўқ одамлар бўлиб, улар мантиқий тафаккурни ҳам, фактларни ҳам, соғлом фикрни ҳам кўр-кўрона инкор этадилар. Улар балки қатор-қатор диний китобларни ўқишган бўлиши мумкин, ўз жамоаларида юксак мақомларни эгаллагандир, бироқ шу билан бирга улар диннинг асосини билишмайди, диний ахлоқ нормаларига амал қилишмайди, бирорта диний масалада бағрикенглик қилишмайди ва кескинликка йўл қўйишади.

Диний фанатларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Ғоя учун курашадиган диний фанатлар бор. Улар ўз ғояларини мутлоқ тўғри деб ҳисоблашадилар ва уларнинг танлаган йўлига альтернатива йўқ дейишадилар. Ўз ғояларини ўзга ғоялар билан қиёслаб кўришни ҳам лозим топмайдилар.

2) Ўз диний раҳнамолари учун курашадиган диний фанатлар бор. Уларнинг назарида бу раҳнамолар барча даврлар ва халқлар учун юборилган. Холбуки уларданда юксак мақомда турган пайғамбарларнинг йўлини тан олмайдилар, ваҳий йўли билан тушган муқаддас Қуръон кўрсатмаларига амал қилмайдилар. Раҳнамонинг гапи улар учун қонун ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бир одамда бу иккала ҳолат бир вақтнинг ўзида мужассамлашган бўлиши мумкин.

Диний фанатлар ўз фаолиятдан эмас, балки ғоянинг мавжудлиги фактидан ёки раҳнамонинг мақтовларидан кўпроқ қониқиш олишади. Улар шу қониқиш ичида яшайдилар, эҳтирос ва эмоциялари ҳам шу қониқиш асосига қурилади. Унинг шахси диний раҳнамонинг соясида туради ва унинг мақсади раҳнамонинг режаларидаги бир банд даражасига туширилгандир.

Диний раҳнамога тақлид қилар экан, у раҳнамонинг бир бўлагига айланиб кетади, режадаги ишларини амалга оширишдаги бир пиллапоя ролини ўтайди. Диний фанатик масъулиятни раҳнамо зиммасига юклайди ва унинг ғоясига ўзини бутунлай бағишлайди. У худбин, бироқ ўзига ва ўз имкониятларига ишонмайди. Унга ўзга ғоя нурунинг акси бўлиб яшаш осон туюлади.

Диний фанатнинг ҳамфикрларга нисбатан эҳтиёжи бор. У бундайларни қидириб топади, чунки улар орасида ўзини қулай шароитда ҳис қилади, улар билан битта “тил”да гаплашади, бир-бирларини тушинишади.

Диний фанат ўзга маданият, дин ва қадриятлар тизимини бузишга ҳаракат қилади. Ўз ғоясининг тўғрилигига ва ўз раҳнамосининг ҳаммадан “буюк”лигига ишонган диний фанат агрессив ҳолда ўзга ғоя ва “ўзга”ларни инкор этади. Шу нуқтаи назардан диний фанатизмни ўсмирлик касаллиги, деб ҳам аташади. Диний фанатларни манипуляция қилиш ва бошқариш осон.

Диний фанатизм қанчалик кучли бўлса, инсон унинг тўрига шунчалик чуқурроқ кириб боради. Уни қандайдир нотаниш энергия камраб олади. Бундай галати ҳолатда ўзининг ўзлигидан узоқлашади, барча билан биргаликда қувонади, мўъжизани кутади.

Диний фанатизм фақатгина психологик тобелик бўлмай, балки мания ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундайларни даволаш кўп муддатни талаб қилади. Биринчи навбатда ундайларни уларга таъсир

қилиб турган жамоадан ажратиб олиш лозим бўлади. Сўнгра уларда танқидий тафаккурни уйғотиш керак. Шунда фанатда ўзининг ғояларини ўзга ғоялар билан танқидий қиёслаш имконияти пайдо бўлади. Бунинг номини ҳазирга замон психотерапиясида депрограммалаш деб аташади, яъни ундаги диний дастурни бошқаси билан алмаштириб қўйиш.

Психотерапиянинг муваффақияти тобе кишини қуршаб олган кишиларнинг таъсирига ҳам боғлиқ. Мустаҳкам таъсир гуруҳини шакллантириш лозим ва унда илгари фанатнинг ғоясида бўлган, кейинчалик ундан қутилган кишлар бўлса янада яхши бўлади.

Назорат саволлари:

1. Фанатизм тушунчасининг мазмун моҳиятини айтиб беринг.
2. Фанатизмнинг қандай асосий турлари мавжуд?
3. Диний фанатизм тушунчасининг мазмун моҳиятини айтиб беринг.
4. Диний фанатларни қандай иккита тоифага ажратиб кўрсатса бўлади?
5. Диний фанатларга қандай психологик белгилар хос?
6. Диний фанатизмнинг қандай асосий сабаблари мавжуд?
7. Диний фанатизм қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
8. Диний фанатларнинг қандай типлари мавжуд ва улар қандай психологик хусусиятларга эга?

2.5. Диний покланиш (катарсис) ва унинг эмоционал ҳолатлар билан боғлиқлиги.

1. *Диний покланиш (катарсис) ва диний амалларнинг бажарилиши.*⁷⁴ Дин психологиясига оид тадқиқотларда кўрсатилишича, диний амаллар ва ибодатлар билан диндор кишиларда қалб покланиши содир бўлади, яъни қалбга таскин бериш жараёни амалга оширилади. Материалистик таълимотга кўра, диний амалларни бажариш жараёнида эмоционал ҳолатларнинг алмашиши билан боғлиқ маълум қонуниятлар амалга ошади ва таскин орқали юзага чиқади, деб ҳисоблайдилар. Бу албатта, анча мураккабликни келтириб чиқарадиган тушунча ва изоҳ. Диний амалларни тўла – тўкис амалга оширишда, диний покланиш ва руҳий комилликка етакловчи билимларга эга бўлиш учун исломда тасаввуф илми билан ва бошқа динлардаги ибодат вақтидаги руҳий покланишга бағишланган илмларни билиш талаб этилади.

Жаҳон психологияси узоқ йиллардан бери диний амалларни бажарувчи шахсларнинг ижтимоий-психологик типологиясини тузишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Айниқса, бу масала билан Г.Оллпорт етарли даражада шуғулланган. Унинг 1960 йилларда чоп этилган ишларида диний амалларни бажарувчи инсонларни иккита асосий типдан иборат бўлган қарашини илгари суради.

У биринчи тип вакиллари сифатида дин фақат инсонларни ҳаётий мақсадларга етишишини таминловчи бир йўл сифатида эътироф этиб, бундай инсонлар динга нисбатан ташқи томондан ёндашадиган инсонлар, деб таъкидлайди. Улар турли хил диний тадбирлар ва йиғилишларда иштирок этадилар, жамият томонидан қабул қилинган яшаш шаклига ўзининг муносабатини ифода этадилар. Айнан бу типдаги инсонларда дин қадрият ҳисобланади. Дин салбий, негатив ҳодисаларга қарши туриш воситаси сифатида, яъни ички комфорт воситаси сифатида кўзга ташланади. Г.Оллпорт бу типдаги инсонларни экстренсив, яъни “ташқи” тип деб атайди.

Иккинчи типдаги инсонлар динни мустақил ва асосий қадрият сифатида тасаввур қиладилар. Улар ўзларининг турли ижтимоий доирадаги фаолиятларини диний амаллар билан мотивлаштиради ва боғлайдилар. Нодиний эҳтиёжлари ва қизиқишларини улар иккинчи

⁷⁴ Мазкур мавзу тадқиқотчи Д.Абдуллаева билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди

даражага қўядилар ва ўзларининг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини диний нормалар, қарашларга бўйсундирадилар. Бундай типдаги инсонларни Г. Оллпорт интрэнсив, яъни “ички” тип деб атайдди. Г.Оллпорт қарашлари ўша вақтда бир қанча Америкалик дин мутахасислари томонидан муҳокама этилди. Аммо асосий тадқиқотчилар ишларида ўзининг методологик асос бўлиши билан қадрини йўқотмади.

Кейинчалик Г.Оллпортнинг ишларини давом эттирган бир қанча америкалик психологлар Д.Бетсон ва Л.Вентис ўзларининг “Диний тажриба” деган китобларини яратишди. Бу китобда улар экстрэнсив ва интрэнсив типларига кирувчи инсонларда қатор тадқиқотлар ўтказишди. Диний амалларни бажариш жараёнида ҳар бир субъект, эмоционал, психик жараёнларни бошдан кечириб, уларда ҳурсандчилик, Аллоҳ билан яқинлик қилишга, бу жараёнларда алоқага киришишга ҳаракат қилинганлиги, дейишади Д.Бетсон ва Л.Вентис. Экстрэнсив типга мансуб инсонларда салбий руҳий покланиш вужудга келиб, уларда невроз ҳолатлари келиб чиқиши мумкинлиги айтилади. Интрэнсив типга мансуб инсонларда эса хавотирлилик ҳисси пасайиб, айбдорлик ҳисларидан озод бўлишиб, руҳий енгиллик ва барқарорликка эришишади. Бу эса уларнинг фаолият соҳасини янада ривожланиб, такомиллашишига сабаб бўлади, деб эътироф этишади.

Хориж психологларидан С.Гроф ва Д.Хелифакслар ўз асарларида инсоннинг маълум динга нисбатан эътиқод ва амал қилишини ижтимоий ҳодиса, деб баҳолайди. Шунингдек, диний амалнинг кучайиши ва шахснинг бирор-бир диний ҳаракатларни содир этиши сабаби сифатида гуноҳлардан қочиш ёки ўлим олдидаги кўрқувни енгиланинг йўли сифатида эътироф этади.

Инсонда диний амаллар ва эътиқоднинг шаклланиши ҳамда ривожланишини амалда биринчи бўлиб Ж.Фловлер таклиф қилган. Қуйида шахс диний эътиқодини шаклланиш босқичлари ўз ифодасини топган:

1 – босқич: интуитив – проектив, 3 – 7 ёшларга тўғри келади; эътиқод имитация, идрок ва фантазия кўринишларида бўлади.

2 – босқич: мифик ва тўғридан – тўғри, 7 – 12 ёшларга тўғри келади; характер хусусиятларида ҳар бир воқеа-ҳодисани тўғридан – тўғри идрок қилиш, фикрий чекланганлик, оилавий можаролар билан боғлиқ реакциялар қўзғатиш мумкин.

3 – босқич: синтетик – конвенционал, ўсмирлик даврига тўғри келади; ташқи авторитетлардан ғоявий тизимлар ўзлаштирилади.

4 – босқич: индивидуал – рефлексив: инсон ўзи мустақилликка қадам қўйган даврига тўғри келади; бу даврда демифиологизация кузатилади. Эътиқодини мустақил шакллантиришга ҳаракат қилинади ва олий таълим жараёни билан бирга амалга оширади.

5 – босқич: парадоксал – консолидациялашган, ўрта ёшларга тўғри келади; рационал онг шакли намоён бўлади, яъни шахсий уйининг доимий эгаси.

6 – босқич: универсиаллашган, бу даврга келиб инсон ўз қадриятлари доирасида яшашни бошлайди. Диний амаллар тизими бўйича ҳаётни давом эттиради.

Юқоридаги айтиб ўтилган мулоҳазалар турли динларга эътиқод қиладиган диндор шахснинг диний амалларни бажариш жараёнидаги психологик ва психотерапевтик ҳолатларини белгилаб беради. Шундай ҳолатлардан бири бу – катарсис ҳолатидир.

“Катарсис” иборасини биринчи марта Аристотель ишлатган. Бу тушунча дастлаб Юнонистонда ўша вақтда расм бўлган трагедия (фожиавий асар) лардаги ҳиссий – эстетик динамикасини тавсифлаш учун ишлатилган. Ҳиссий – эстетик катарсис фожиавий асарларда туғиладиган салбий кечинмаларни бартараф этиш, яъни уларни ижобий кечинмалар асосида сиқиб чиқариш жараёни сифатида тушунилган. Санъат асарларининг инсон руҳиятига таъсирини тадқиқ этган психологлар, хусусан, Л.С.Виготский фикрича, катарсис жараёнида қарама – қарши, баъзан оғир ва азобли кечинмалар қандайдир ўзининг ечимини топиб олади. Бу эса қисқа тўқнашувлар асосида, бир кечинманинг барҳам топиши ва бошқасининг вужудга келишига олиб келади. Натижада, асар охирида ҳиссий юмшаш, салбий кечинмалардан озод бўлиш, “покланиш” юзага келади.⁷⁵

Ҳиссий-эмоционал кечинмалар жараёнидаги катарсиснинг вужудга келиш қонуниятлари, маълум даражада диний катарсисга ҳам хос бўлади. Агар эстетик катарсис мазмунида ҳиссий кечинмаларнинг моҳияти мазмуни ётса, диний кечинмалар эса диний тасаввур ва эътиқодлар билан боғлиқ бўлади.

⁷⁵ Виготский Л.С. Психология искусства.- Москва:Питер,1999.-С.270.

Диний катарсис динамикасини диний ибодатларни (амалларни) бажариш вақтида аниқлаб олиш мумкин. Ибодатларни бажаришда вужудга келадиган индивидуал ва жамоа кечинмалари бир-биридан фарқланади. Лекин улар ўртасида умумий хусусиятлар ҳам мавжуд. Америкалик психолог У.Жеймс улар ўртасидаги умумий психологик ўхшашлик, барча динларда ҳам бир хил кечади. Яъни “руҳий қийналишлар, иккиланишлар, умидворлик, секин – аста фориг бўлиш жараёнидир” дейди.

Диний кечинмаларнинг ривожланиш қонунияти, ибодатлар жараёнидаги қуйидаги босқичларга бўлинади:

Биринчи босқичда – ҳиссий кечинмаларга нисбатан диққат-эътибор, қизиқиш ортиб боради. Айниқса, бу – эътиқодли диндорларда кучлироқ сезилади.

Иккинчи босқичда – ибодат қилувчилар бевосита Аллоҳга мурожаат қилиб, гуноҳларини кечиришни, мағфират қилишни сўрайдилар. Тавба – тазарру қиладилар. Мағфират қилишни илтижо қиладилар.

Учинчи босқич якуний бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти, ибодат тинч, осойишта, ижобий ҳиссиётларни намоён этиш билан яқунланади. Ибодатдан кейин, руҳий – маънавий покланиб, ўзини эркин ва енгил ҳис қилади.

Диний амалларни жамоа бўлиб бажариш, ибодат қилувчиларда ижобий ва салбий кечинмаларни яқинлаштиради, яъни руҳий яқинликни вужудга келтириб, ҳиссий жиҳатдан тинчланишга олиб келади. Диний ибодатларнинг психологик вазифаларидан бири ҳам салбий кечинмаларни сусайтириш воситаси бўлиб хизмат қилишдан иборатдир. Ибодат қилувчи Аллоҳга ишониб, ундан мушкулотларини осон қилишни сўраб илтижо қилади. Диний покланишнинг бутун моҳияти ҳам шунда, яъни ишончда, эътиқодда. Жамоа бўлиб диний амалларни, ибодатларни бажаришда ибодат қилувчиларнинг ўзига хос руҳий кечинмалар динамикаси содир бўлади. Бу хил кечинмалар индивидуал ибодатларда содир бўлмайди.⁷⁶

Ибодатларда руҳий покланишнинг самарали воситаларидан бири медитация – (фикрга чўмиш, фикрлаш жараёни) ҳисобланади. Медитация – ибодат қилувчининг руҳий жиҳатдан фаоллашиши бўлиб,

⁷⁶ Шкуренко А.Д. Общая и медицинская психология.- Ростов-на-Дону.:2002.-С.256.

Ўзининг психологик ҳолатини ўзгартириб, бутун диққат-эътиқодни жамлаб, ибодат жараёнига йўналтиради. Бу эса, кишидаги эмоционал ҳолатларнинг кескин пасайишига, бартараф бўлишига олиб келади. Медитация ҳолатида ибодат қилувчи ички ва ташқи таъсирлардан холи бўлади. Бундай пайтда ибодат қилувчи қандай ғоя – мақсадлар унинг эътиқоди марказида бўлишини англаши муҳимдир. Шунинг учун исломда ибодат вақтида чалғимаслик, дунёвий ташвишларни ўйламаслик каби талаблар қўйилади (Номозни хушуъ ва ҳузуъ билан ўқиш). Шу билан биргаликда бошқа динларда ҳам диний амалларни бажариш жараёнида катарсис ва медитация жараёни кечади. Медитациядан мақсад ҳам шахснинг ўз руҳий ҳолатини ўзгартиришидир.⁷⁷

Медитация туфайли ибодат қилувчи ўзини енгил ҳис қилади. Кўп нарсалар моҳиятини қалб орқали осонлик билан билиб олишга эришади. Медитация ҳолатидаги кишининг фикрини, диққатини унча – мунча таъсир буза олмайди. Медитация ҳолатига тушишга ўрганган диндор ташқи таъсирлардан тез қутулиб, муайян сирлар моҳиятини англаб олиши мумкин. Бу эса диндор руҳий ҳолати билан илоҳий ҳолатнинг қўшилиб кетишидан иборатдир. Ҳозирги вақтда медитация йўли билан одамларни даволаш тиббиётда ҳам қўлланиляпти. Бу йўл билан руҳий жиҳатдан одамларни юпатиш, овутиш, ишонтириш каби руҳий гармонияга эга бўлинмоқда. АҚШда нафақат тиббийт йўналишида, шунингдек, анъанавий динларда медитациянинг психотерапевтик хусусиятларидан фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Катарсис, медитация, тавба – тазарру каби психологик ҳолатлар диний амалларнинг ажралмас қисмига айланиб боряпти. Шу сабабдан ғарб дин психологиясида диндан психотерапевтик мақсадларда фойдаланиш масаласи кун тартибида турибди. АҚШлик протестант руҳонийси ва психологи А.Бойзен фикрича, инсон ҳаётидаги инқирозли вазиятлардан чиқишда дин ижобий таъсир этиш кучига эга.

Шарқда, хусусан ҳиндуийлик, буддавийлик динларида медитацияга жуда катта эътибор беради. Йоглар бир неча соатлаб медитация ҳолатида ўтиради. Улар бундай ҳолатни ибодат қилишнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайдилар. Даврий нуқтаи назардан йога ва исломдаги тасаввуф таълимоти тахминан 1,5 минг йилдан зиёд вақт оралиғида фарқлансада, лекин улар диний ва дунёвий маънода фақат

⁷⁷ Насафий А. Зубдат ул ҳақойиқ. –Тошкент:Камалак,1995.-Б.35.

бир мақсадга хизмат қилади, яъни инсонни ўз аслига этакловчи руҳий поклик, ақлий такомиллик ва жисмоний соғломликка томон олиб боради. Майли у йог ёки солиқ бўлсин, ўз эътиқод кўрсатмаларига виждон назорати остида амал қилгани билан, унинг онги моддий тана талабларига бўйсунушга мажбурловчи гуноҳлар манбаи “майя” ёки “муслмонлар таърифидаги “шайтони лаин” таъсирига тушиб қолиш хавфидан ҳимояланмаган.⁷⁸

Йога фалсафасида инсоннинг онг назоратидан ташқари чиқишига имкон яратувчи факторлар, қатор об’ектив сабаблар билан белгиланган. Ана шулардан энг кучлиси ва таъсирлиси, киши хоҳлайдими ёки йўқми, уни доим ўзига маҳлий этувчи – доимо ўзига тортувчи ва узлуксиз синовлардан ўтказиб турувчи табиат ва ҳаётда сон – саноксиз учрайдиган “оҳанраболар”дир. Қуйи “гун” – сифатлар тузоғига илинганлар чексиз хоҳиш ва истаклар тўрига ўралиб, ўз ҳиссиётлари нафсини қандай бўлмасин қондириш учун турли хил йўллардан фойдаланишга ҳаракат қила бошлайди. Шу вақтда кимки ўз эҳтиросларидан ғолиб чиқиб, эҳтиёж чегарасидан чиқмаса, у ҳеч қачон хору зор ва инсонлар нафратига дучор бўлмайди деб келтирилади.⁷⁹

Ғарб олими К.В.Ернстнинг “Муҳаммад гвахтх талқинида сўфизм ва йога” номли асарида икки таълимот ўртасидаги назарий ва амалий яқинликнинг диндор шахслардаги диний амалларни бажариш жараёнида кечадиган руҳий – эмоционал ҳолатларини узвий тадқиқ этган. К.В.Ернст сўфизм матнларидан йога унсурларини узоқ излагани ва маълум бўлишича, сўфийларнинг муайян қисми йога тажрибасидан хабардор бўлганликларини айтади. К.В.Ернст ўз изланишларида айниқса, сўфийларнинг диний амалларни бажариш жараёнидаги нафас назорати ва медитация сингари машқларида йоглар тажрибасидан фойдаланганликларига урғу берилган. Гарчи олим бу ҳақда конкрет параллеллар келтирмаган бўлсада, эҳтимол, у нақшбандия сулукининг “ҳибси нафас” ва “муроқаба” ёки ҳинд сўфийлари учун одат бўлган баъзи йога машқаларини назарда тутганлигини ҳам тилга олган.

Д.С.Тримингем эса ўз изланишларида ҳар икки таълимот хусусида К.В.Ернстга нисбатан тасаввуфдаги “исломий пойдевор” факторида кўпроқ эътиборини қаратган. Ҳиндистонда деярли бирор

⁷⁸ Алиев Г.Ю. Персоязычная литература индии.-Москва: Наука,1968.-С.57.

⁷⁹ Васильев Л.С. История религии востока.-Москва:2000.-С.64.

сўфий жамоаси маҳаллий диннинг таъсиридан мутлоқ тарзда сақланиб қололмаган. Йоганинг айрим усуллари шаттария сулуки жамоасида қўлланган. Шу тариқа талай тариқат усуллари турли пантеистик таълимотлар билан омикталашиб, уларда йоглар тажрибасидан кўп нарсалар ўзлашган: аскетизм, вегетарианлик ва бошқалар. Ғарб тасаввуфшуноси Т.Букҳарда мусулмон мистицизмининг соф ҳолатда исломнинг ўзига тааллуқли эканлигини таъкидлаб, диний амалларнинг инсон руҳиятига таъсири ва шу орқали, руҳий энгилликни, қалб таскинлигига эришиш мумкин эканлигини изоҳлайди. Ёки Э.С.Бертельснинг тасаввуфни айрим мутахассислар томонидан турли маълумотлар конгламирати – қотишмаси эканлигига яқин хулосаларига қарата билдирган нуқтаи назари ҳам диққатга сазовордир.⁸⁰

Йогада нирвана – сўниш, руҳнинг маънан моддий дунёдан ажралиши ва унинг ўз аслига қайтиши, яъни унинг транс – ғайблик ҳолатидаги комил ҳиссиётлар олами узра поклик ва чексиз бахтиёрлик оғушида сузиши демақдир. Баъзан ҳиндлар нирванага муяссар ражйогнинг моддий дунёда яшаб туриб, ғайблар оламига сафарини бамисоли оқмас халқоб сувда униб чиқиб, ўзига гард юқтирмай гулловчи нилуфарнинг поклигига қиёслайдилар.

Буддизм динида инсоннинг диний амалларни бажариш жараёнида изтироблардан халос бўлиш ва нирванага эришишнинг саккиз босқичи мавжуд:

1-босқич – тўғри эътиқод, ҳаётнинг изтироблардан иборат эканлигини идрок этиш, истак ва эҳтиросларни онгли равишда чеклаш;

2-босқич – тўғри сўзлилиқ, инсоннинг гапириши ва сўзлашуви, самимий ва адолатли бўлиши;

3-босқич – тўғри ҳаёт, тинч, покиза ва адолатли яшамоқ;

4-босқич – тўғри мушоҳада – медитация, катарсис ва мушоҳада қилишнинг тўғри усулларини танлаш;

5-босқич – тўғри йўл, киши ўз ҳаёт йўлини тўғри танлай ола билиши;

6-босқич – тўғри иш, шахс куч ишлатишга йўл қўймаслиги лозим;

7-босқич – тўғри фикр, инсон ўз фикрининг тўғри эканлигини назорат қила олиши лозимлиги;

⁸⁰ Ашрафян К.А. История и культура.-Москва:Наука,1987.

8-босқич – тўғри ният, иймонлиликнинг инсон қалбида мужассамлашганлигини тўғри англай билиш.⁸¹

Бошқа динлардаги сингари христианлик динида ҳам диний амалларни бажариш жараёнида шахсда кечадиган руҳий ҳолатлар талқини келтирилган. Шу тариқа христианлик динида ибодат вақтидаги жараёнларнинг психологик тадқиқи бир неча ибодат амаллари ва маросимларида ўз аксини топган. Шулардан бири “таинство” дир. Таинство – сир, муқаддас каби маъноларни англатиб, христиан таълимотида диндор шахсга худонинг алоҳида марҳамати бериладиган, Исо Масих томонидан жорий қилинган махсус диний амал ва маросими тушунилади. XII-XIII-асрлардан буён еттита сирли маросимга эътиқод қилинади. Булар:

- чўқинтириш – диндор ота – худо, ўғил – худо ва муқаддас руҳни чақирган ҳолда сувга ботириб олинганда гуноҳлардан фориг бўлиб, маънавий қайта туғилади;

- тавба қилиш – диндор ўз руҳонийсига гуноҳларини айтиб тавба қилганда, руҳоний уларни Исо Масих номидан кечиради;

- миро мойи суриш – диндорнинг руҳий – маънавий жиҳатдан чиниқтирувчи муқаддас руҳ инъомини беради;

- икоҳ – диндорларнинг черков вакили олдида қасамёд қилиши уларга биргаликдаги ҳаёт, худо суйган фарзандларнинг туғилиши ва христиан тарбиясини олиш марҳаматини беради;

- покланиш (катарсис) – диндор вино ва нон тановул қилиш орқали расман Исо Масихнинг жисми ва қонини ўз танасига қабул қилади;

- руҳонийлик – диндор муайян диний рутба олаётган вақтда епископ унинг елкасига қўл қўйган ҳолда унга диний маросимларни ўтказиш ҳуқуқини узатади;

- элей мойи суриш – руҳоний томонидан элей мойи сурилганда диндорнинг жисмоний, психологик ва руҳий касалликлари тузалади, тавба қилиб улгурмаган гуноҳлари кечирилади. Католикларда ушбу маросимнинг даволаш хусусияти инкор этилиб, фақат вафот этаётган шахсни тинчлантиришга хизмат қилади, деб эътиқод қиладилар.⁸²

Христианликда сирли маросимларни руҳонийлар бажариши, аниқ тартиб асосида ижро этилиши, диндор шахснинг мос ички руҳий

⁸¹ Gokul Ch. Real Hinduism.-New Delhi.:1999.-P.89.

⁸² Linugt M. Sufism – religion in the middle east.-Combridge.:1996.-P.64.

кайфияти шарт саналади. Католикларда “опус оператум” тамойилига мувофиқ, сирли маросимни ўтказувчи учун муқаддаслаштирилган матн ва ҳаракат тўғри бажарилиши учун етарли саналади. Протестант черковларининг аксариятида сирли маросимлардан илк христанликдаги каби фақат чўқинтириш ва покланиш ўтказилиб, илоҳий инъом берувчи эмас, балки рамзий маросим сифатида кўрилади. Сирли маросимлардан чўқинтириш, миро мойи суриш, руҳонийлик бир марта, тавба қилиш, никоҳ, покланиш (катарсис, медитация) ва элей мойи суртиш кабилар такрор бажарилади.⁸³

Шимолий Америкада яшовчи туб ҳинду халқларининг ҳам ўзига хос диний амалларни бажариш жараёнидаги руҳий покланиш, яъни катарсис ҳолатларини кўришимиз мумкин. Шулардан бири прерия ва оджибе ҳиндуларидир. Уларнинг эътиқодига кўра – айрим тошларни жонли деб билиб, табиблар, яъни шифокорлар улар билан сўзлаша олади, деб биладилар, тоғлар ёки қайнар булоқларни (гейзер) ҳам муқаддаслаштирганлар. Хаёлларни излаш – ҳомий руҳ ҳамроҳлигида тоғларга, узоқларга сафарга чиққанлар. Сафар машаққатларига чидам, ҳаёт учун кураш илоҳларини тушида кўришга, улар билан суҳбатлашишга олиб келади, деб ишонадилар. Апачи ва навахоларда шомонлар – транс ҳолати орқали руҳлар билан мулоқотга киришиб, касалликларнинг сабабини, йўқолган кишиларнинг жойларини айтиб берганлар, келажакни башорат қила олганлар. Сўнг бир неча ҳомий руҳларга эга табиблар кўрсатмаси билан беморларни даволашга киришганлар. Ҳиндулар психикасида ҳаёт кўйидагилардан иборат: туғилиш, балоғатга этиш, қабила аъзолигига қабул ва ўлим. Ўлимдан сўнг ҳаёт тугамайди, яъни бошқа одам қиёфасида қайта тирилиш (реинкарнация) ёки бошқа жонзот кўринишида ҳаётга қайтиш (трансмиграция) бор.

Юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, диний амалларни психологик жиҳатдан тадқиқ этиш тадқиқотчининг олдига бир қанча муаммоли ҳолатни келтириб чиқаради. Лекин шунга қарамасдан турли хил динлардаги диний амалларни бажариш жараёнида диндор шахсда юзага келадиган турли хил руҳий ўзгаришлар, диннинг инсон ҳолатини ўзгартириши ва шу орқали унда қалб поклиги ҳосил бўлиши, катарсис, медитация, йога, нирвана, тавба-тазарру ва бошқа ҳолат ва

⁸³ Крывелов И.А. История религий.-Москва: Мысль, 1976.

хусусиятлар намоён бўлиши орқали унда некбин кайфиятлар ҳосил бўлиши тадқиқотнинг яна бир бор муҳимлигини белгилаб беради.

2. *Диний ҳис-туйғулар.* Инсоннинг ҳиссий-эмоционал олами унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Инсон ўзга ва ўзининг атрофидаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳеч қачон бефарқ бўлмайди. У хоҳлайдими-йўқми ўзининг бирорта муносабатини билдиради. Мана шу муносабат ҳиссий-эмоционал кўринишга эга бўлади.

Психология фани инсоннинг ҳиссий-эмоционал соҳаси бўйича катта тажрибага эга, бу йўналишда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, илмий натижалар қўлга киритилган. Уларнинг хулосаларига асосан ҳис-туйғуларнинг иккита жиҳатини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: биринчидан, ҳис-туйғуларнинг психологик мазмуни, иккинчидан, ҳис-туйғуларнинг объекти ва уларнинг йўналганлиги. Биринчиси, яъни ҳис-туйғуларнинг мазмуни деганда уларнинг ижобий (қувонч, муҳаббат ва ҳ.) ва салбий (ғазаб, кўрқув ва ҳ.) характерга эгаллиги назарда тутилади.

Маълумки, билиш жараёнлари атроф оламдаги ҳодиса ва предметлар шунчаки акс эттиради. Ҳис-туйғуларимиз эса шу оламга маълум муносабатимизни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Бу ҳақда “Дин психологияси” ўқув қўлланмасида шундай деб ёзилади: “Шунинг билан биргаликда эмоционал ҳолатларни фақат гносеологик жараёнларнинг ташқи белгилари, кўринишлари билан ҳам чеклаб бўлмайди. Чунки эмоционал ҳолат - шахснинг индивидуал хусусиятлари билан узвий боғланган бўлиб, намоён бўлиш динамикаси ва интенсивлигига кўра бир-бирдан фарқланади”⁸⁴.

Ҳис-туйғуларимизнинг диний жиҳатини таҳлил қилишдан олдин уларнинг фарқини билиб олишимиз айти муддао бўлади. Чунки адабиётларда диний ҳислар билан диний туйғуларнинг фарқи кам ўрганилган. Маълумки, ҳислар кечишининг муддати озлиги, унчалик чуқур эмаслиги, ўзгариб туриш хусусиятига эгаллиги, тезда пайдо бўлиб, тезда сўнишлиги, инсоннинг чуқур ижтимоий-психологик соҳалари билан болиқ ҳолда кечмаслиги сингари сифатлари билан ажралиб туради. Туйғулар эса узоқ муддат давом этишлиги, инсон

⁸⁴ Дин психологияси: ўқув қўлланма / Б. Валиев [ва бошқ.]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-ти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. - Тошкент: «Movarounnah», 2014. - 312 б 201 б.

шахсининг жуда чуқур чегараларига кириб боришлиги, унча-мунчага ўзгара бермаслиги, ўзгаришлиги учун жиддий руҳий кечинмаларни бошидан кечиришлиги лозимлиги билан фарқланади.

Масалан, ибодат қилаётгандаги диндорларнинг психологик кечинмалари ҳислар тоифасига киради. Чунки ибодат тугагандан кейин бу ҳислар сўнади. Ёки тавба қилингандан сўнг кечиладиган кечинмалар ҳам (қониқиш ҳисси) инсон шахсининг чуқур тузилмаларигача етиб бормади. Номоздаги хушу ва ҳузу ҳам диний ҳисларга киради ва ҳ.

Туйғуларга, масалан, Ватан туйғуси, ота-онага бўлган меҳр-оқибат, эътиқод туйғуси ва ҳ.лар киради.

“Дин психологияси” ўқув қўлланмасида шундай деб ёзилади: “Диний туйғу инсоннинг бошқа ҳиссий кечинмаларидан фарқ қилиб, у интим (яширин, сирли) ва илмий тушунча, сўзлар билан ифодалаб бериш қийин бўлган руҳий ҳолат ҳамда хусусиятдир”⁸⁵.

Иттифоқ даври психологларининг таъкидлашича, инсоннинг ҳаётидаги муайян ҳиссиётнинг ўрнини тўғри тушуниш учун ҳиссиётнинг психологик таркибини ва унинг йўналишини, объектини ҳисобга олиш керак. Бу ҳақда С.Л.Рубинштейн шундай деб ёзган эди: “Инсоннинг ҳиссий соҳасидаги асосий фарқлар инсоний ҳис-туйғуларнинг мазмуни билан, шунингдек, улар нимага, қандай объектларга қаратилганлиги ва уларга нисбатан инсоннинг қандай муносабатда бўлишлиги билан боғлиқ. Бирор кишининг ҳис-туйғуларида бевосита тажриба кўринишида, инсоннинг барча муносабатлари, шу жумладан дунёқараши, мафкураси, унинг дунё билан муносабатлари ва, энг аввало, бошқа одамлар билан бўлган муносабатлари ўз ифодасини топади”.⁸⁶

Ҳиссий жараёнларнинг таъкидланган умумий психологик жиҳатлари диний туйғуларни тўғри тушуниш учун жуда муҳимдир. Ушбу жиҳатларнинг чалкашлиги муқаррар равишда диний тажрибаларни нотўғри тушунишга олиб келади, уларнинг хусусиятларини бузади ва яширади. Бу ҳолат психологияда диний туйғулар муаммосини ечишга нисбатан ёндашувлар таҳлилини қийинлаштиради.

⁸⁵ Ўша асар, 201 б.

⁸⁶ Рубинштейн Л.С. Основы общей психологии. 2-е изд. М., 1946, с. 499.

Ғарбдаги дин психологияси олимлари XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб диний ҳис-туйғулар масаласига алоҳида эътиборларини қаратишади. Диний кечинмаларни ўрганиш зарурати илмий билишнинг мантиғидан ва психологияни динга хизмат қилдиришга уринган кишилар ҳамда ташкилотлар эҳтиёжидан келиб чиқади. Диншунослик фанида диний ҳис-туйғуларни диннинг асосий манбаси сифатида қараш эътиборга олинади. Масалан, даниялик файласуф ва психолог Г.Геффдинг шундай деб ёзади: “Ҳис-туйғулар барча динларнинг, барча диний қарашларнинг энг муҳим хусусиятини ташкил этади. Унга қиёсан барча тасаввурлар унга боғлиқ ва бўйсинган ҳолда кечади”⁸⁷. Шунга ўхшаган фикрларни У.Жеймс томонидан ҳам илгари сурилган.

Юқоридаги ҳолатлардан шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқатдан ҳам диннинг асосини алоҳида шахсларнинг эътиқоди ташкил этади. Бироқ диний ҳис-туйғулар диний эътиқод тизимида бош, ҳал қилувчи ролни ўйнайди деган фикр билан келишиб бўлмайди. Маълумки, диний эътиқод нафақат диндорларнинг эмоцияларидан ташкил топади, балки ривоятлар, афсоналар, тасаввурлар, образлар ва ҳ.лар ҳам эътиқоднинг предмети сифатида мавжуддир. Айнан мана шу тасаввурлар, образлар ва ҳ.к.лар эмоционал ва иродавий жараёнларнинг йўналганлигини белгилаб берадиган диний эътиқоднинг махсус ядросини шакллантиради.

Ғарбнинг дин психологиясида диний ҳис-туйғулар масаласи кўп марталаб муҳокама қилинган. Диний ҳис-туйғуларнинг ўзига хос психологик мазмунини ўрганишга ҳаракат қилинган. Баъзи психологлар (Ф.Шлейермахер) диний ҳис-туйғуларни “тобелик ҳиссиёти” сифатида талқин этдилар. Немис диншуноси ва файласуфи Р.Отто диний ҳис-туйғуларни “муқаддас кўрқув ва ҳайрат”нинг ўзига хос бирлиги сифатида қарайди. Г.Вобберминнинг фикрига кўра, диннинг ўзига қайсидир даражада “хавфсизлик ва эҳтиросли кутишлар” туйғуси хосдир.

Бироқ баъзи психологлар юқоридаги фикрларга қарши бўлган фикрларни ҳам илгари суришганлар. Уларнинг таъкидлашларича, турли хил динларнинг вакилларига уларнинг динлари билан боғлиқ бўлган эмоционал ҳолатларининг мазмуни бўйича турли туман диний

⁸⁷ Геффдинг Г. Философия религии, с. 104.

ҳис-туйғулар хосдир. Масалан, тасаввуфда ҳис-туйғулар муҳим аҳамият касб этса, конфуцийлик динида кўпроқ интеллектуал жиҳатларга эътибор қаратилади. Хулоса қилиб айтганда, диний ҳис-туйғуларнинг ўзига хослигини эмоцияларнинг мазмунида эмас, балки уларнинг алоҳида йўналганлигидан излаш лозим. У.Жемснинг фикрича, агар “диний ҳис-туйғулар” деган сўз жамланма сўз бўлса, турли хил диний объектларга мос ҳолда турли хил диний ҳис-туйғулар юзага чиқади. Дарҳақиқат, диний кўрқув, диний муҳаббат, диний завқ, диний қувонч, диний афсус-пушаймон сингари ҳисларнинг асосида турли хил диний объектлар ётади.

Таъкидлаш жоизки, диний ҳис-туйғуларни ҳар доим ҳам салбий кечинма сифатида талқин қилиш керак эмас. Улар ҳам салбий, ҳам ижобий кўринишга эга бўлиши мумкин. Таҷриба шуни кўрсатадики, амалиётда ижобий ҳис-туйғулар инсонга кўпроқ таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, муҳаббат, ҳайрат, завқ, илҳом сингари кечинмалар инсонни яхшиликка ундайди. Инсонга тўғри йўналиш беради. Бироқ ижобий диний ҳис-туйғулар диний эътиқоднинг компоненти сифатида ўзига хос йўналишга эга бўлади. Яъни илоҳий, ғайбий, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларга нисбатан пайдо бўладиган ҳис-туйғулар тоифасига киради. Диний ҳис-туйғулар баъзида реал объектларга нисбатан ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Диний ҳис-туйғуларнинг хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ у салбий бўлсин диндорларнинг онги ва хулқ-атворида таъсир қилиш орқали уларнинг эътиқодига маълум йўналиш беради. Шу нуқтаи назардан улар ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир.

Диний ҳис-туйғуларнинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини бир диндорнинг кечинмалари тизимидаги муҳаббат туйғусига мурожаат қилиш орқали кўрсатамиз. Муҳаббат ҳақида барча динларда ҳам гапирилади.

Шундай қилиб, диний билимлар ва амаллар инсонларда уларга нисбатан маълум муносабатларнинг шаклланишисиз кечмайди. Бу муносабатлар диний кечинмалар кўринишида содир бўлади. Улар диний ҳис-туйғулар сифатида юзага чиқади. Бу диний ҳис-туйғулар шахснинг диний йўналганлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Назорат саволлари:

1. Диний амалларни бажарувчи инсонлар қандай иккита асосий типга ажратилади?
2. Шахс диний эътиқодининг қандай шаклланиш босқичлари мавжуд?
3. Катарсис тушунчасининг мазмун моҳиятини айтинг.
4. Ибодатлар жараёни қандай босқичларга бўлинади?
5. Христианлик динида қандай еттита сирли маросим мавжуд ва улар қандай мазмунга эга?
6. Диний ҳис-туйғуларнинг қандай иккита жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин?
7. Диний ҳис билан диний туйғунинг фарқини айтиб беринг.
8. Диний ҳис-туйғуларнинг диний эътиқод тизимида қандай роль ўйнайди?
9. Диний ҳис-туйғуларнинг қандай ижтимоий-психологик ўзига хослиги мавжуд?

2.6. Диний эътиқод ва медитация.

1. *Медитация тушунчасининг мазмун моҳияти.* “Медитация” сўзи лотин тилидаги *meditatio* феълидан олинган бўлиб, турли хил контекстларда “ўйлаб кўрмоқ”, “фикран пишмоқ”, “ғоялар ишлаб чиқмоқ” деган маъноларни билдиради. Инжилда хага (ирвитда $\eta\eta$) сўзи нафақат “нафас олмоқ” ёки “шивирламоқ”, балки “фикрламоқ”, “ақлан пишиб етилмоқ” деган маъноларни ҳам англатади. Таврот грек тилига ўгирилганда хага сўзи *melete* деб таржима қилинган. Лотинча Инжилда хага / *melete* сўзи *meditatio* дея таржима қилинган. *Meditatio* деган атамага илк маротаба XII асрда монах Гуго II фикрий пишиб етилишнинг босқичма босқич жараёнининг қисмларидан бири сифатида таъриф беради.

Мазкур атамани тарихий нуқтаи назардан кўриб чиқиладиган бўлса, медитация шарқий руҳоний амалиётларнинг номланиши сифатида талқин қилинади. Масалан, “фикрламоқ”, “фикран пишиб етилмоқ” санскритда «дхьяна», хитой буддизмида «чань», япон буддизмида «дзэн», корейс буддизмида «сон» ва вьетнам буддизмида «тхиен» деб аталади.

Медитацияга психологик адабиётларда қуйидагича таъриф берилади.

“Медитация – психик фаолият бўлиб, унда инсон атроф-муҳит билан алоқанинг йўқолиши кўринишида кечадиган алоҳида ҳолатга чуқур кириб кетади”.⁸⁸

“Медитациянинг ҳар қандай тизимида сўзсиз маълум компонентлар иштирок этади: концентрация, ички жамланиш ва онг ҳолатининг ўзгариши”.⁸⁹

Медитация исломдаги тасаввуфда муроқаба, иуадизмда Каббала, христианликда исихазм деб аталади.

Медитациянинг тарихи динларнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетади. Ибтидоий даврларда медитация худоларни ёдлаш учун қўлланиладиган, ритмик ҳолда такрорланиб турадиган кўшиқ айтиш ва маълум жумлаларни такрорлаш кўринишида мавжуд эди. Баъзи олимларнинг тахминига кўра, медитациянинг кўплаб

⁸⁸ Бачинин В.А. Психология. Энциклопедический словарь. – СПб: Из-во Михайлова В.А., 2005. – 272 с. – 123-бет.

⁸⁹ Психологическая энциклопедия. 2-е изд. \ Под ред. Р.Корсини, А.Ауэрбаха. – СПб.: Питер, 2005. – 1096 с. – 372 бет.

методларида асосий элемент диққатни жамлаш қобилияти ҳисобланади ва у инсониятнинг биологик эволюциясининг сўнгги босқичларидаги тараққиётга ёрдам берган. Ҳинд Ведаларида медитация ҳақидаги илк маълумотлар мавжуд. Кейинчалик (тахминан эрализгача бўлган даврнинг VI асридан то V асригача) медитациянинг шакллари Хитойда даосизм таълимотида ва Ҳиндистонда буддизмда яратилган. Фарбда эрализгача бўлган даврнинг 20-йилларида Филон Александрийский диққат ва унинг концентрацияси билан боғлиқ бўлган “руҳоний машқлар”нинг шакли тўғрисида ёзган эди. Учинчи юз йилликка келиб Плотин томонидан медитация техникаси ишлаб чиқилди.

Эрализгача бўлган даврнинг биринчи асридаги ёзма манбаларда Ҳинд будпарастлари медитацияни озодлик йўлидаги қўйилган қадам сифатида талқин этилади. Бу вақтга келиб буддизм Хитойга ҳам тарқалади ва эрализгача бўлган даврнинг юзинчи йилларида Сутра Вималакирти медитация машқларини дзэн номи билан динга киритади. Буюк Ипак йўли ёрдамида бу машқлар бошқа шарқ мамлакатларига ҳам тарқалади. 653 йилда Японияда биринчи медитация ўтказиладиган зал ташкил этилган.

Шундай қилиб, медитация диний-руҳий ёки соғломлаштириш амалиёти таркибида ишлатиладиган қатор психик машқлардир. Бошқача айтганда, медитация мазкур машқлар натижасида пайдо бўладиган алоҳида психик ҳолатдир.

Медитатив методлар психика функцияларини бошқарар экан, икки хил кўринишга эга бўлади: биринчидан, диққатнинг жамланиши (концентрацияси) ёрдамида, иккинчидан, ироданинг жамланиши ёрдамида амалга оширилади. Биринчиси пассив медитация деб аталса, иккинчиси фаол медитация деб аталади. Амалиётда нафақат методлар, балки медитациянинг усуллари ҳам фарқланади.

Медитациянинг кўплаб техникалари, усуллари мавжуд бўлиб, масалан, баъзи бирларида медитация қилинаётган кишидан одатда маълум бир позада туриш талаб этилади. Жамланишнинг объекти бўлиб организм ичидаги сезимларимиз, ички образлар, ҳатто эмоцияларимиз ҳам қатнашиши мумкин. Баъзида ташқи жисмоний предмет ҳам концентрациянинг объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Медитация нафасни бошқариш орқали ҳам амалга оширилса бўлади.

Қуйида медитациянинг психологик хусусиятларига тўхталиб ўтамыз. Унинг бир қанча психологик хусусиятлари бўлиб, улар жумладан қуйидагилардир:

- Медитация қандайдир предмет, маънавий ҳақиқат, бирорта ғоя тўғрисида чуқур фикрлашнинг алоҳида тури бўлиб, у ташқи тасодифий ҳолатлардан чалғиш билан бирга кечади. Бунда диққатни жамлашга халақит берадиган барча ташқи (товуш, ёруғлик ва ҳ.) ва ички (жисмоний, эмоционал, интеллектуал ва бошқа зўриқишлар) омилларни четга итқитилади.

- Медитация – бу ички жамланиш ҳолати ёки шу ҳолатга эришиш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлардир.

- Медитация ҳам ташқи, ҳам ички сабаблар ёрдамида онгнинг ўзгартирилган бир ҳолати ёки онгнинг ўзгарган ҳолатини келтириб чиқадиган психотехника типидир.

Медитациянинг шарқ диний маданиятидан олинган усуллари бугунги кунда ҳам психотерапия ва психотренингда қўлланилади. Бундай мақсадларда қўлланиладиган психофизик машқлар комплементар и альтернатив тиббиётда қўлланилади.

Медитациянинг кўплаб техникалари мавжуд. Медитация жараёнида амалиётчига одатда маълум позани танлаш талаб этилади ва ёрдамчи предметлардан фойдаланилади. Медитация қадимда турли хил диний маросимларда руҳий амалиётнинг ажралмас бир қисми сифатида талқин этилган. У айниқса буддизмда ва ҳиндуизмда кенг тарқалган эди ва йоганинг муҳим элементи ҳисобланади.

1960-йиллардан бошлаб медитация Ғарб олимлари ва амалиётчиларини ўзига жалб эта бошлади. Ғарбда шу масала бўйича қатор тадқиқотлар ўтказилди. Чоп этилган минглаб илмий тадқиқотлар натижаларида медитация билан инсондаги моддалар алмашинуви, қон босими, мия фаолияти ва организмдаги бошқа жараёнлар ўртасидаги алоқалар ўз аксини топди. Бугунги кунга келиб медитация психик зўриқишни, жисмоний оғриқни ва стрессни олиб ташлайдиган психотерапевтик восита сифатида амалиётда қўлланилаёпти.

АҚШ ҳукуматининг 2007 йилда ўтказган тадқиқотининг кўрсатишича, АҚШда яшайдиган катталарнинг 9,4 фоизи (20 миллиондан ортиқ киши) медитациядан амалда фойдаланаётганлигини айтишган. Бу рақам 2002 йилга нисбатан анча кўплиги аниқланди. 2002 йилда медитациядан фойдаланганларнинг

миқдори 7,6 фоизни ташкил этган. Бу эса аҳолининг 15 миллиондан ортиғини ташкил этади.

Ислом амалиётида Аллоҳнинг 99 та исми сифатини такрорлаш билан кечадиган зикр ёрдамида амалга ошириладиган медитация VIII-асрга келиб пайдо бўлди. XII-асрга келиб тасаввуф амалиётида медитациянинг турли хил усулларидан фойдаланилар эди. Масалан, сўфийлар нафасни назорат қилиш ва муқаддас сўзларни такрорлаш орқали муруқбага киришган.

2. *Медитациянинг шакллари.* Медитациянинг бир қанча шакллари бўлиб, уларнинг ичида энг кўп тарқалгани англандлик медитацияси, дзадзэн ва трансцендентал медитация ҳисобланади. Уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Англандлик медитацияси (ингл. *mindfulness meditation*) буддизм дини учун медитациянинг анъанавий бўлган шакли ҳисобланади. У ўзида медитацион техниканинг бутун бошли гуруҳини ўзида умумлаштиради. Унинг энг кўп тарқалган техникасида нафас олганда ва нафас чиқарганда олинadиган ҳавони нафис ҳолда сезишга эътиборини қаратади, диққатини жамлайди. Сўнгра маҳорати ошиб борган сари медитация объекти алмашинади.

2. Дзадзэн – Япония учун анъанавий бўлган медитация техникаси ҳисобланиб, бунда сайр қилинаётган пайтда диққат концентрацияси амалга оширилади.

3. Трансцендентал медитация деганда медитация қилинаётган киши томонидан товушини чиқариб ёки фикран бирорта мантра, яъни сўз, товуш ёки жумлани тарорлаш орқали концентрация қилиш назарда тутилади.

Бундан ташқари ҳам бир қанча техникалар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари қуйидагилардир:

а) бўшлиқ устида медитация қилиш – диққатни фикрламай қўйишликка жамлаш;

б) кундалини-медитация – ётган ҳолда чакраларда диққатни жамлаш;

в) тратака – қоронғу хонада шам алангасига диққатни жамлаш;

г) анапанасати – нафасга нисбатан диққатни жамлаш билан кечадиган буддизмдаги анъанавий медитация;

д) Сахадж Марг – юракнинг уришига диққатни концентрация қилиш.

Медитацияни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ишлари амалга оширилди. Гарвард тиббиёт мактабида ишлайдиган кардиолог Герберт Бенсон медитациянинг инсон саломатлигига таъсири масаласини тадқиқ қилди. Натижалар шуни кўрсатадики, ҳатто медитациянинг содда кўринишлари ҳам инсон физиологиясига, жумладан унинг юраги ритми ўзгаришларига, моддалар алмашнувининг яхшиланишига, нафас олишнинг тозаллигига тасир кўрсатар экан.

Медитация бўйича машҳур буддий устоз, “Будда, мия ва бахтнинг нейрофизиологияси” ва “Қувноқ донишмандлик” китобларининг муаллифи ва Тергар медитация марказлари ҳамжамиятининг асосчиси Йонге Мингьюр Ринпоче ҳам бир қанча тадқиқотлар олиб борганлиги маълум. У тадқиқотлари натижаси ўлароқ дунёга келган хулосаларини шундай ифодалайди: “Изтиробга медитация қилиш пайтида миянинг бахтни туюш учун жавоб берадиган муҳим марказидаги нейроннинг фаоллиги 700-800 фоизга ошган. Ўзлари хоҳлаган ҳолда тадқиқотга қатнашадиган ва медитацияни яқинда бошлаган оддий синалувчилар миясининг ўша соҳасидаги фаоллиги бор-йўғи 10-15 фоизга ошган”.⁹⁰ Мазкур тадқиқотлар Висконс университетининг мия хатти-ҳаракатлари ва нейрофизиологияси лабораторияси базасида ўтказилган.

Медитация хотирани яхшилаш ва диққатини концентрация қилиш қобилиятига эга. У психиканинг айрим касалликларида ҳам ёрдам беради. Агар уни психотерапиянинг усулларида бири сифатида фойдаланиладиган бўлса, касалларнинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланиш зарур бўлади. Тадқиқотларнинг аниқлашича, медитация бир неча ҳафта ичида стресс реакциясига таъсир қиладиган адренкортикотроп гормони (АКТГ)нинг даражасини тушириб юборар экан. Натижада кўрқув билан боғлиқ касалликларни тuzатиш учун қулай вазият юзага келар экан. Қайта такрорланадиган депрессияда англанганлик медитацияси депрессив ҳолатнинг такрорланиши эҳтимолини сезиларли даражада тушириб юборади.

3. Медитация ва мувоқабат тушунчаларининг фарқлари ва уларнинг психологик мазмуни. Энди медитация ва мувоқабат

⁹⁰ Yongey Mingnyuar Rinpoche. The Buddha, the Brain, and the Science of Happiness: A Practival Guide for Transforming Your Life. New Yourk: Harmony Books, 2007

тушунчаларининг фарқлари ва уларнинг психологик мазмуни масаласига тўхталиб ўтамыз.

Медитация – ботинга жадал кириб борадиган фикрлаш, предметга, ғояга ақл билан сингиш ва ҳ.к. Бу ҳолат маълум объектда эътиборни жамлаш ва диққатни четга тортадиган барча ташқи (товуш, ёруғлик) ва ички (жисмоний, эмоционал ва бошқа зўриқиш) омилларни йўқотиш йўли билан қўлга киритилади. Медитация – маданий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда турли шакллар кўринишини оладиган психик машғулот усули. Медитация усуллари ҳақидаги маълумотлар, асосан, Ҳиндистон ва Хитойда сақланиб қолган. Медитациянинг шарқона типи (Ҳиндистонда барча кўринишдаги йогалар, Хитойдаги даосизм) индивидуал онгнинг шахссизликка, уммонмонанд мутлаққа диний-илоҳий сингиб кетишни ўзида мужассамлаштиради. Буни қуйидаги образли вазиятлар билан ифодалаш мумкин: шам алангаси атрофида айланаётган ва ўзини оловга уриб қурбон қилаётган парвона ёки денгиз сувида эриб кетаётган туздан ясалган қўғирчоқлар. Медитациянинг яна бир диний-илоҳий йўналиши христианлик бўлиб, унда медитация икки шахснинг қўшилиши (инсоний ва илоҳий) сифатида талқин қилинади. Ислом динида тасаввуф аҳли томонидан бу масала атрофлича ўрганиб чиқилган. Исломда тасаввуф аҳли медитацияни «муруқаб» деган ибора билан алмаштиришади. Бу маълум маънода, яъни луғавий маънодагина тўғридир. Ғарб олимлари нуқтаи назаридан медитация тасаввуфий маънодаги муруқабдан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади. Мазмун жиҳатдан фарқи шундаки, муруқабда банд билан унинг Яратувчиси ўртасида муносабат воситасиз (турли-туман санамлар ва бутлар кўринишида) ёки воситачиларсиз (турли шахслар, масалан, христианликдаги Исо (алайҳиссалом) дек тўғридан-тўғри амалга ошади. Шакл жиҳатдан эса фарқ шундаки, муруқабанинг шартлари, амалга ошириш одоблари, ҳолатлари, ҳаракатлари ва ундан кўзланган фойдалар Ғарб таълимотида ва тасаввуфда турличадир.

Инсоннинг ўзини ўзи англаши унинг маънавий тараққиёти учун муҳим омиллардан биридир. Ўзини англаган инсон ўзгаларни ҳам тушунади, атроф-муҳитга ҳам бошқача муносабатда бўлади. Ўзини ўзи англаш ўзини ўзи такомиллаштириш билан бирга кечмас экан, табиийки, инсоннинг маънавий-руҳий тараққиёти ҳақида гапирмаса

хам бўлади. Шундай экан, ўзини ўзи такомиллаштириш, сўзсиз, маънавиятнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади.

Ўзини ўзи такомиллаштириш жараёни қадимдан олиму фозилларнинг диққат марказида бўлган. Шарқда бу жараённинг ҳар бир босқичи, механизмларига алоҳида тўхталган асарлар талайгина.

Таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи такомиллаштиришнинг комил инсонни шакллантиришдаги ўрни масаласига тасаввуф аҳличалик кўп эътиборни қаратган қавм бўлмаса керак. Тасаввуф таълимотида инсоннинг комил инсон даражасига етишигача бўлган амаллар мукамал ишлаб чиқилган. Бу амаллардан бири тасаввуфда муроқабача деб аталади. Бизнинг кейинги билдирадиган фикрларимиз мана шу амал, яъни муроқабача ҳақида бўлади.

Муроқабача тўғрисида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шундай ёзган эди: “Муроқабача “нисёну руъя-тил махлуқи би давомин назари илал холиқи” (“Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш”) дир. Ёки айтамыз “давомун назари илал-холиқи би-нисёни руъятил-махлуқи” (“Одамларни кўришни унутиш билан Яратувчига доимий назар қилиш”), яъни бу йўлда юрувчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига чекиши лозим. Муроқабачанинг давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршилиқдир”.⁹¹

Ҳозирги замон ҳинд Ислом олими ва файласуфи Мир Валиддин шундай деб ёзади: “Энди Аллоҳнинг ботинда ва зоҳирда мавжудлигини доимий англаш учун инсон шундай бир мукамал назарни ўзида такомиллаштириши лозимки, бу назарни “Муроқабача назар” деб аташади. Назарнинг бу тури икки хил босқичга эга”.⁹² Буларнинг биринчиси, феноменал нарсаларни англаш, бунга “муроқабача халқ” дейилади. Иккинчиси, илоҳийликни ўйлаш бўлиб, бунга “муроқабача Ҳақ” дейилади.

Бошқа айрим манбаларда муроқабача икки йўналишда амалга оширилади: Аллоҳдан яратилган оламга қараб ва яратилган оламдан Аллоҳга қараб.

Аллоҳдан яратилган оламга қараб йўналган муроқабача

⁹¹ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али // Баҳоуддин Балогардон. – Т.: “Ёзувчи”, 1993. 87–88-бетлар.

⁹² Мир Валиддин. Коранический суфизм / Пер. с англ. – СПб.: Издательство “ДИЛЯ”, 2004. – С. 142–143.

А. Бутун борлиққа нисбатан илоҳий муроқабаси. Субстанциялар олами ҳодисалар томонидан қўллаб-қувватланганича яшайди. Субстанциянинг мавжудлигини таъминлаб турувчи ҳодиса йўқолгач, бу субстанциянинг ўзи ҳам йўқолади. Эртами-кечми ҳар қандай ҳодиса ўз мавжудлигини тугатар экан, Аллоҳ доимий ҳолда ер ва осмон субстанцияларини кузатиб туради. Шундай қилиб, бирорта ҳодисанинг йўқолиши унинг ўрнига мазкур субстанциянинг мавжуд бўлиб қолиши учун шунга ўхшаш ёки унинг акси бўлган субстанцияни дунёга келтиради. Айнан шунда Аллоҳнинг яратилган оламга нисбатан муроқабаси мужассамлашади. Бу ҳақда Шайх Рўзбеҳон шундай деган эди: “Муроқабаси – Яратувчининг ўзи яратган оламнинг Арши аълосидан тортиб, то ҳар бир майда-чуйдасигача хабардорлигидир”.

Б. Дин томонидан маъқулланган ишларга ундовчи илоҳий муроқабаси. Бу – Аллоҳга содиқ бўлган зотларга нисбатан илоҳий муроқабасидир. Бундай кишилар шариат қонун-қоидаларига амал қиладилар: маъқулланганини қиладилар, таъқиқланганидан юз ўгирадилар.

В. Танланганларга нисбатан илоҳий муроқабаси. Бунда Аллоҳ эътиборини ўз дўстлари ҳисобланган танланган зотларга қаратади. Танланган зотларга нисбатан муроқабаси фақатгина Аллоҳнинг ўзигагина аён. Унинг дўстлари бундай муроқабасидан фароғат ва осойишталик топадилар.

Яратилган оламдан Аллоҳга қараб йўналган муроқабаси

А. Шариат муроқабаси. Бу муроқабасида инсон томонидан Аллоҳнинг ҳар дақиқасида уни кузатаётганлигини англаш ётади. Шунинг учун инсон доимо эҳтиёт бўлиб юрмоғи даркор. Чунки у ҳар сония Аллоҳнинг назаридадир.

Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида шундай ёзади: “Фикрлар муроқабасида Аллоҳдан келадиган фикрларни ушлаб қолиш ва ўз “Мен”ингдан келадиганларидан эса узоқлашиш керак. Фаолият муроқабасида эса ўз хатти-ҳаракатларини кузатиш зарур бўлади: хоҳ у савоб иш бўлсин, хоҳ у гуноҳ иш бўлсин. Савоб ишни амалга ошираётганда садоқат ва қалбнинг ишорати билан ҳаракат қилмоқ лозим бўлади. Гуноҳ ишларни қиляётганда эса улардан узоқлашиш мақсадида ўзида уят ҳиссини туюши керак. Савоб ва гуноҳга алоқадор бўлмаган ишларда меҳрибон бўлмоқ ва Илоҳий

неъматларнинг Етказувчисини кўра билмоқ жоиз бўлади. Чунки У ҳар доим сен биландир”.⁹³

Хожа Абдуллоҳ Ансорий шариат мувоқабасини «хизмат қилиш» мувоқабаси деб атайди. Унинг фикрича, бу мувоқабаси учта элементдан таркиб топади: а) илоҳий буйруқларга бўйсунуш; б) муқаддас ёзувларни ва урф-одатларни билиш; в) ўз худбинлигини англаш.

Б. Эътиқод мувоқабаси. Бу мувоқабаси Аллоҳга бўйсунуш мувоқабасидир. Уни ўзида синаганлар ташқи оламда ҳам, ўз «Мен»и оламида ҳам фақат Унинг иштирокини ҳис этади. У Аллоҳни ҳар қандай ишнинг бошида кўради.

Бир куни бир одам Ибн Муборакдан маслаҳат сўраган эди, у “Аллоҳдан кут”, деб жавоб берди. Шунда ҳалиги одам бу маслаҳатнинг маъносини тушунтириб беришни сўради. Ибн Муборак жавоб берди: “Сен ҳар доим Аллоҳни кўрганингиздек ҳолатда бўлгин”.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий мувоқабанинг бу турини «вақт мувоқабаси» деб атайди ва унга етишиш учта унсур ёрдамида бўлади дейди: а) барча истакларнинг йўқолиши; б) барча фикрлардан тозаланиш; в) саховатли бўлиш.

В. Илоҳий мувоқабаси. Бу мувоқабаси Аллоҳ томонидан танланган алоҳида зотларга насиб этади. Бундай кишилар ботинида ҳам, зоҳирида ҳам, ёлғизликда ҳам, одамлар орасида ҳам фақат Аллоҳни кўради.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий мувоқабанинг бу турини “сирлар мувоқабаси” деб атайди ва унга етишиш учта унсур ёрдамида бўлади, дейди: а) ўзликни унутиш; б) ўзликдан воз кечиш; в) Аллоҳга яқинлик билан тўйиниш. Бу мувоқабаси “сиддиқлар мувоқабаси” деб аталади. Бу ҳолатда қалб фақат Аллоҳга боғланган бўлади ва Ундан бошқасини сезмайди. Баъзида улар шу даражада боғланадиларки, ҳатто атрофидагиларнинг борлигини сезмайдилар ҳам.

Абдуллоҳ ибн Зайддан бир куни дунёга эмас, Аллоҳга ҳақиқий боғланган одамни биласизми, деб сўраганларида, у ўша пайтда келиб қолган Ибод Ғуломдан: “Сен йўлда бирортани кўрддингми?” деб сўрайди. Шунда у: “Ҳеч нарсани кўрмадим”, деб жавоб беради. Ибн Зайд унинг одамлар билан тўла бозор орқали келаётганлигини айтади.

⁹³ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимён саодат (Рух ҳақиқати). – Т.: “Адолат”, 2005. 217-бет.

Хулоса қилиб айтганда, сўфийларда муроқабанинг икки хил кўриниши мавжуд экан: ташқи ва ички.

Биз юқорида инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнида аҳамиятли ҳисобланган, тасаввуф аҳли томонидан таклиф қилинган муроқоба ҳодисасини кўриб чиқдик. Баркамол авлодни тарбиялашда диний қадриятларимиздан фойдаланишимиз бизга фақатгина фойда беради, холос. Муқаддас динимиз ҳақида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай деган: “Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг мустаҳкам бир тизимидир”.⁹⁴

Бу сўзларга қўшимча қилган ҳолда таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи такомиллаштириш ҳар қандай даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам бу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Назорат саволлари:

1. Медитация тушунчасининг мазмун моҳиятини айтинг.
2. Медитациянинг динлар тарихида тутган ўрнини кўрсатинг.
3. Медитациянинг қандай психологик хусусиятлари мавжуд?
4. Медитациянинг асосий шаклларини айтиб беринг.
5. Медитация ва муроқоба тушунчаларининг фарқлари қандай ва улар қандай психологик мазмуни бор?
6. Аллоҳдан яратилган оламга қараб йўналган муроқабани тушунтириб беринг.
7. Яратилган оламдан Аллоҳга қараб йўналган муроқабани тушунтириб беринг.

⁹⁴ И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. 176-бет.

2.7. **Замонавий дунёда диндорлик ривожланишининг асосий тенденциялари.**

1. *Диндор шахси тузилмасининг психологик таҳлили.*
Н.Э. Бекешкина, М. Вебер, У. Джеймс, Л. Леви-Брюль, К. Леви-Стросс, Т. Парсонс, К.К. Платонов, А.Н. Рэдклифф-Браун, Э. Тайлор, З. Фрейд, Э. Фромм, Э. Эриксон, К.Г. Юнг сингари олимларнинг қатор илмий ишлари диндор шахси структурасининг таҳлили масаласига бағишланган. Қуйида шу масалага ўз муносабатимизни билдирамыз.

Атроф оламда биз турли туман тизимлар кўплигини кузатишимиз мумкин. Диндор шахси шу маънода алоҳида ҳолат эмас, балки жамиятдаги маълум ижтимоий тизим деб аталган бутуннинг муҳим жузъи, яъни компоненти ҳисобланади. Бошқача қараганда, диндор шахсининг ўзи катта тизимнинг бир бўлаги ҳисоблансада, ўзини бошқа даражадаги алоҳида тизим сифатида қараш мумкин.

Диндор шахс тузилмаси ва унинг руҳий олами, муомаласи ва ҳаёт фаолияти муҳити, ижтимоий фаоллигининг ташқи ва ички асослари жамият ва индивид ўртасидаги ижтимоий-маданий жараённинг бир бўлаги сифатида талқин қилиниши лозим. Диндор шахс деганда биз билиш ва диний фаолиятнинг субъекти бўла олиши мумкин бўлган кишини тушунамыз. У албатта маълум диний ва психологик сифатларга эгаллиги билан характерланади. Диндор шахсининг онтологик (билиш) хусусияти дунёвий ва ухровий сифатларни, руҳ билан тана ўртасидаги муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Диний ҳаёт билан яшаётган ҳар қандай киши интуитив ҳолда дин унинг яшаш соҳасининг барча жабҳаларини қамраб олишлигини ҳис қилади. Дин инсоннинг нафақат фаолиятига, балки унинг сўзларига, фикрларига ва ниятларига ҳам таъсир кўрсатади.

Диндор шахсининг моҳияти унинг шахсини ташкил этадиган барча элементларнинг тўпламини ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бирга инсон психологиясининг қарайиб барча унсурлари, жумладан характери, темпераменти, интеллекти, иродаси, эмоциялари, билиш қобилияти ва ҳ. лар эътиқод масаласи билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Диндор шахсини таҳлил қилиш унинг динийлиги билан биргалиқда олиб боирилиши мақсадга мувофиқдир.

Аксарият тадқиқотчилар шахс структураси унинг борлигининг асосий соҳаларига, яъни биологик, психик, ижтимоий ва руҳий соҳаларига бориб тақалишини таъкидлашганлар. Инсон биологик мавжудот сифатида ўзининг соғлиғини қўллаб-қўлтиқлашга, эҳтиёжлар билан бошқарилаётган тананинг қулайликларини яратишга интилади. Инсон психик мавжудот сифатида ноқулай кечинмалардан қочади. Инсон руҳий мавжудот сифатида ҳаётнинг маъносини ва қадрини, эътиқодни, муҳаббатни, эркинликни, масъулиятни излайди. Демак, инсоннинг руҳонияти унинг динийлиги билан боғлиқ ҳолда тараққий этади. Ҳар қандай диний анъаналар диндор шахси билан чамбарчас боғлиқдир.

Шахсдаги диндорлик даражасини ўлчаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Бунга мисол қилиб Чарлз Глок тадқиқотларини келтириш мумкин.⁹⁵ Маълумки, шахсдаги диндорлик даражасини ўлчаш бўйича яратилган методикаларнинг биринчиси Ч.Глокка тегишли бўлиб, у ўзининг 1962 йилдаги мақоласида диндорлик даражасини ўлчаш бўйича ўзига хос ўлчовни таклиф этган. Унинг фикрига кўра, шахсдаги диндорлик даражасини қуйидаги 5 та мезон асосида тўлақонли ўлчаш мумкин:

1) тажрибага таянувчи мезон (experiential): субъектив эмоционал диний тажриба, диндорликнинг субъектив шаклини акс эттирувчи диндорлик;

2) ритуалистик мезон (ritualistic): диний амалиётлар, диний фаолиятлар ва диний маросимларда иштирок этиш, диний хизматларга ташриф буюриш;

3) мафкуравий мезон (ideological): маълум бир эътиқод тизимини қабул қилиш;

4) интеллектуал мезон (intellectual): эътиқод ҳақида билиш, хабардорлик,;

5) натижаларни ўлчаш мезони (consequential): юқоридаги 4 та диний мезонларни шахснинг динга алоқадор бўлмаган қадриятлари ва хулқ-атвориغا таъсири, натижалари ва оқибатларини ўлчаш.

Турли хил динлар бир-биридан антропологик ва дунёқараш нуқтаи назаридан кескин фарқ қилганлиги сабабли уларга тааллуқли бўлган шахсларнинг структураси ҳам турли хил бўлишлиги табиийдир.

⁹⁵ Glock Ch. Y. On the Study of Religious Commitment // Religious Education, Research Supplement. 1962. Vol. 42.

Буддизм дини анъаналарида шахс дхарм деган ном билан тушунтирилади. Дхарм инсон психикаси ва тажрибаси элементларининг тартибга таширилган яхлитлигидир. Шахс буддизмда эзгулик, гўзаллик, ҳақиқат қонунлари бўйича яшайдиган коинотга тааллуқли инсон сифатида талқин этилади. Бунда буддиёна турмуш тарзи ва эътиқод тарбияси асосий устун жиҳат ҳисобланади.

Будпараст шахснинг структураси скандха ёрдамида тушунтирилади. Скандха беш гуруҳдан иборат бўлган борлиқ барча элементларининг таснифи, яъни буларнинг таркибига рупа, ведана, санджня, санскара, виджняна киради.

Умуман айтганда, буддизмда инсон турли хил таркибий қисмларнинг шартли номидир: моддий тана (кая), номоддий ақл (манас ёки читта) ва шаклсиз онг (виджняна). Инсоннинг мавжудлиги мана шу тўпламга боғлиқ, агар у парчаланса, инсон ҳам ўз мавжудлигига нуқта қўяди.

Христианликда шахс моҳиятига кўра коинот борлигининг (“макрокосмос”) барча режа ва соҳаларини ўзида мужассамлаштирган “микросмос”дир. Шу маънода шахс борлиқнинг турли даражалари билан Аллоҳ ўртасидаги боғловчи звенодир.

Христиан антропологияси тарихида диндор шахснинг иккита нисбатан мустақил моделини фарқласа бўлади: дихотомик ва трихотомик. Уларнинг биринчисига кўра, инсон тана ва жондан иборат (“жон” деганда инсоннинг руҳий ҳолатлари назарда тутилади), иккинчисига кўра, инсон учта ўлчовдан, яъни тана, жон ва руҳдан иборат. Руҳ функцияларининг яхлитлиги эътиқодда, жон функцияларининг яхлитлиги эса ташқи сезгирлигимиз билан олдимизга ақлий амалий мақсад қўйишимизнинг яхлитлигини англашда ётади.

Шахснинг руҳий юксалиши ўзининг қуйи ва юқори чегараларига, аниқроқ қилиб айтганда, борлиқнинг қарама қарши ҳолатларига эга. Файласуф П.А.Флоренский бу ҳолатларни юз, личина ва тажаллий сўзлари ёрдамида тушунтиради. Шундай қилиб, унинг фикрига кўра, диндор шахси структурасида бир қанча даражалар мавжуд:

- тажаллий – Аллоҳга мурожаат билан боғлиқ бўлган олий даража;

- юз – ўзининг ички оламига қаратилган руҳий, ташқарига, яъни одамларга қаратилган ижтимоий жиҳатлар (ўз “мен” ини топиш) га эга ўрта даража;

- личина – инсон борлиғининг моддий томонига қаратилган қуйи даража.

Христианин шахси ўзини ўзи англаш қобилиятига эга бўлган, Аллоҳ билан ибодат ёрдамида тўғридан тўғри мулоқотга чиқа оладиган ва руҳий-моддий табиатга йўғрилган уникал яхлит мавжудотдир.

Исломда мусулмон шахсининг идеал образида Аллоҳ инсонда тана, ақл, жон ва руҳнинг гармоник мувозанатини таъминлашлигини кўриш мумкин. Мусулмон шахси структурасида тана от, руҳ эса чавандоз тимолида талқин этилади. От бўлмаса, чавандоз манзилга етиб боролмайди, руҳ бўлмаса, от манзилни билмайди. Жалолиддин Румийнинг фикрига кўра, биз отни тўйинтириш билан шуғилланамиз ва отнинг озукаси руҳга ҳам озукалик қилади, деб ўйлаймиз. Аслида отнинг озукаси руҳга озукалик қилмас. От ҳам, руҳ ҳам тўйинган бўлса, кўзланган манзилга етиб бориш мумкин.

Бу ҳақда Имом Ғаззолий бошқачароқ фикр билдирган: “Ҳожи Макканинг йўлида ўз туясига қандай ғамхўрлик қилса, руҳ ҳам танага шундай ғамхўрлик қилиши лозим. Бироқ ҳожи фақат туясини боқиш билан шуғилланиб қолса, карвон усиз кетиб қолади ва ҳожи чўл-биёбонда ҳалок бўлади”.

Мусулмон шахсининг кейинги таркибий тузилмаси нафс бўлиб, у “ўзлик”, “Эго”, “ички Мен”, “шахс” деган маъноларни англатадиган нейтрал категориядир. Бу атаманинг бошқа маъноси – салбий, қуйи “Мен”, тананинг истаклари билан оқадиган инсоннинг инстинктив-ҳайвоний борлиғидир. Биринчи ҳолатда нафс ўзининг нуқсонларини бартараф эта туриб, Аллоҳга интилади. Иккинчи ҳолатда эса нафс фақат ўзини ўйлайди, ўзининг манфаатларини бошқалардан устун қўяди, инсонни Аллоҳдан парда бўлиб тўсади.

Шундай қилиб, диндор шахсининг универсал тузилмасини даражаларнинг қуйидаги схемаси ёрдамида тасвирлаш мумкин бўлади: “Реал Мен” (инсонда мавжуд бўлган гуноҳларга тўла табиати тўғрисидаги тасаввур) ва “Идеал Мен” (инсоннинг гуноҳлардан фориғ бўлган, ўзида кўришни истаган идеали). Диндор шахси учун аҳамиятли бўлган идеал, ижобий “Мен” ва реал, салбий бўлган “Мен”

кўринишидаги бу иккита образ қадриятлар ва установкалар билан зиддиятга киришади, номутаносибликни дунёга келтиради, чунки идеал “Мен” ҳеч қачон реал “Мен” билан келишмайди. Бундай зиддият шахснинг ўзини ўзи тараққий қилдиришининг асосий ҳаракатлан-тирувчи кучи ҳисобланади.

Шундай қилиб, диндор шахс - бу мураккаб, кўп ўлчамли тузилма бўлиб, унинг ягона структураси бўлиши мумкин эмас. Диндор шахсининг структурасини тадқиқ қилиш учун илмий ва кофессинал ёндашувлар зарур бўлади. Диндор шахси структурасининг ядросини эътиқод ташкил этади. Эътиқод шахс асосий хусусиятлари ва нормаларининг пйдевори ҳисобланиб, унинг статусига, ролига, қадриятлар йўналганлигига ўз таъсирини кўрсатади. Диндор шахсининг кўриб чиқилаётган структурасининг барча элементлари мазкур ядро атрофида жипслашиши лозим. Диндор шахси структураси элементларининг иерархиясининг марказида айнан эътиқод ётишлигини унитмаслигимиз лозим.

2. Диндор шахсларнинг психологик типлари. Диндор кишиларнинг типологизацияси масалалари Августин Аврелий, Р. Кайуа, Н.А. Калюжная, Е.Ю. Кузьмина-Караваева, Г. Кюнг, Д.Е. Мануйлова, Д.Е. Мелехов, К.И. Никонов, Г. Олпорт, В.В. Павлюк, Т.В. Панфилова, А. Позов, В.М. Розин, В.В. Романович сингари олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилган. Биз қуйида диндор кишиларнинг психологик типлари масаласини кўриб чиқамиз.

Маълумки, инсон маълум динга тааллуқлиги туғма бўлмайди, балки маълум ижтимоий сабабларнинг таъсирида бўлади. Тўғри туғилган чақалоқ илоҳий ирода билан маълум дин соҳибларининг оиласида дунёга келади. Бироқ уларнинг барчаси ислом фитратида дунёга келади. Фақат ота-оналари болаларини ё мусурмон қилади, ё маъжусий қилади, ё насроний қилади. Демак, бирорта инсоннинг маълум динни қабул қилиши ижтимоий таъсирнинг натижаси ўлароқ содир этилади.

Инсон ўзининг динийлиги тараққиётида бир қанча босқичларни бошидан кечиради.

1. Биринчи босқич ҳаёт қийинчиликларидан ҳимояни нариги дунёдан излаш кераклигини заиф англаш билан характерланади.

2. Иккинчи босқичда инсонда илоҳиётнинг моҳиятига нисбатан қизиқишнинг пайдо бўлиши ҳодисаси кузатилади.

3. Учинчи босқичда инсон диний обрўли одамнинг қўллаб-қўлтиқлашига нисбатан жиддий эҳтиёжни ўзида ҳис этади, унда нариги дунёнинг “афзалликлари” тўғрисидаги устун фикр шаклланади.

4. Тўртинчи босқичда диндорлар ўз диний ҳиссиётларини ва кечинмаларини бошқариш қобилиятига эга бўлади.

5. Бешинчи босқичда диндорда турғун диний қадриятлар устун бўлади, ўзга диний анъаналар тўғрисидаги тасаввурларни тўғри идрок этиш қобилияти шаклланади.

Диндор психологиясини ўрганиш унинг диндорлиги таҳлилининг маълум назарий тамойилларига таянади. Бундай тамойилларга қуйидагилар киради:

- типологиянинг барча гуруҳларини ажратиш учун ягона мантиқий асоснинг зарурлиги - чуқур эътиқод қилувчилар, эътиқод қилувчилар, иккиланувчилар, индифферентлар, пассив атеистлар, фаол атеистлар (бу ерда асос бўлиб шахснинг динга муносабати ҳисобланади);

- мазкур асоснинг реализацияси икки хил белгилар тури асосида содир бўлади. Уларга: а) индивиднинг онги соҳасига тааллуқли бўлган тур ва б) индивиднинг хулқ-атвориغا тааллуқли бўлган тур.

Мазкур принциплар асосида дин психологияси соҳасида диндорларнинг турли хил гуруҳлари вакилларини ўрганиш бўйича методика ишлаб чиқилди. Унинг натижалари бўйича қуйидаги гуруҳлар ажралиб чиқди:

1. Чуқур эътиқоддагилар.

Онгининг умумий характеристикаси: чуқур диний эътиқоднинг мавжудлиги. Эмпирик белгилари: асосий диний қонун-қоидаларга ишонч; ўзини маълум диний жамоанинг (конфессиянинг) аъзоси сифатида англаш; янги диний қадрият ва нормаларга ижобий муносабат; атеизмга, унинг қадриятлари ва нормаларига салбий муносабат.

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: эътиқод асосан хулқ-атворда амалга оширилади. Эмпирик белгилари: диний маросим ва байрамларни доимий ўтказиш; уй шароитида диннинг ритуалларини доимий бажариш; диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш; болалар тарбиясини диний руҳда амалга ошириш.

2. Эътиқоддагилар.

Онгининг умумий характеристикаси: диний эътиқоднинг мавжудлиги. Эмпирик белгилари: энг муҳим диний қонун-қоидаларга амал қилиш; Одатда ўзини маълум диний жамоанинг (конфессиянинг) муносабат; атеизмга, унинг қадриятлари ва нормаларига салбий ёки бефарқ муносабатда бўлиш.

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: эътиқод хулқ-атворда заиф юзага чиқади. Эмпирик белгилари: диний маросим ва байрамларга ҳар замонда мурожаат қилиш; уй шароитида диннинг ритуалларини қисман бажариш; диний ташкилотлар фаолиятида баъзи-баъзида иштирок этиш; болаларга заиф диний таъсир кўрсатиш ёки диний тарбиядан бутунлай воз кечиш.

3. Иккиланувчилар.

Онгининг умумий характеристикаси: эътиқод ва ишончсизлик ўртасида иккиланишнинг мавжудлиги. Эмпирик белгилари: асосий диний қонун-қоидаларнинг тўғрилигига шухаланиш; диний ва атеистик қадриятлар ва нормаларга муносабатида иккиланиш; қисман диний идентификация бўлиши мумкин (ўзини у ёки бу диннинг вакилларига тенглаш).

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: Эмпирик белгилари: нисбатан муҳим бўлган диний байрамлар ва маросимларга ҳар замонда иштирок этиш; уй шароитида ритуалларнинг алоҳида элементларини бажариш; диний ташкилотлар фаолиятида иштирок этмаслик; болаларга диний тарбия бермаслик.

4. Динга нисбатан индефферент кишилар.

Онгининг умумий характеристикаси: диний эътиқоди йўқ, бироқ атеистик ишончи ҳам мавжуд эмас. Эмпирик белгилари: диний қоидаларга ва маросимларга ишонмайди; диний ва атеистик нормалар ва қадриятларга нисбатан бефарқ; дин жамиятга зарар келтиради, деб ҳисобламайди; атеистик тарбияни зарур деб ҳисобламайди.

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: диний хулқ-атворга эга эмас, бироқ алоҳида ҳолатларда кузатилади. Эмпирик белгилари: диний хулқ-атвор тўлиқ кузатилмайди, бироқ атеистик қарашлар хулқ-атворда заиф акс этади; ритуал хулқ-атвор уй шароитида амалга оширилмайди; атеистик табияда иштироки кузатилмайди; дунёқарашни тарбиялашда аниқ йўналиш кузатилмайди.

5. Пассив атеистлар.

Онгининг умумий характеристикаси: атеистик қарашларга эга, бироқ ҳар доим ҳам буни чуқур ва англаган ҳолда тушунмайди. Эмпирик белгилари: диний таълимотлар ва асотирларга ишонмайди; диний қадриятлар ва нормаларга салбий муносабатда; дин жамиятга зарар келтиради деб ҳисоблайди.

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: диний хулқ-атвор умуман мавжуд эмас, бироқ хулқ-атворида атеистик қарашлар заиф кўринишга эга. Эмпирик белгилари: диний байрам ва моросимларда иштирок этмайди; уйда ритуал хатти-ҳаракатлар амалга оширилмайди; болаларни атеистик руҳда тарбиялашга ҳаракат қилишади, бироқ ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқишмайди.

6. Фаол атеистлар.

Онгининг умумий характеристикаси: чуқур атеистик қарашларнинг мавжудлиги. Эмпирик белгилари: диний қонун ва қоидаларга ишонмайди; диний қадриятлар ва нормаларга салбий муносабатда; атеистик қадрият ва нормаларга ижобий муносабатда; дин жамиятга зарар келтиради, деб ҳисоблайди; ўзини атеистик тарбияни беришга тайёр, деб ҳисоблайди.

Хулқ-атворнинг умумий характеристикаси: хулқ-атворда атеистик қарашларни амалга оширади. Эмпирик белгилари: диний байрам ва маросимларда иштирок этмайди; уйда диний хулқ-атвор элементларига рухсат бермайди; атеистик тарбиянинг у ёки бу шаклларида фаол иштирок этади.

Дин психологиясида оддий диндорлар намуна оладиган арбоблар мавжуд бўлишлиги тўғрисида бир қатор қарашлар мавжуд. Ҳатто бу йўналишда бир қанча илмий тадқиқотлар ҳам ўтказилган. Ўзларида катта диний тажрибани тўплаган ва атрофдагиларга катта таъсир кучига эга бўлган кишилар, умуман айтганда одамларга диний таъсир кўрсатадиган кишилар мавжудки, уларнинг диндор шахсига таъсирини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда С.И.Самигин, В.Н.Нечипуренко, И.Н.Полонскаялар томонидан олиб борилган ишлар (1999) диққатга сазовордир. Улар диний арбобларнинг психологик типларини ажратиб кўрсатишган. Қуйида мана шу типларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Мистик-илоҳиётчи – диндорларнинг шундай типики, улар атроф муҳит ва унинг таъсиридан ўзларини олиб қочадиган, одатда Аллоҳга бўлган ички тартиботининг бузилишига халақит

бермасликлари учун одамлар билан мулоқотдан ўзини четга тортадиган кишилар.

2. “Пайғамбар” – давомий бўлмасда, бироқ ўта интенсив диний тажрибага эга бўлган шахс. Бу типдаги киши мистик-илоҳиётчидан фарқли ўлароқ асосий вақтини одамлар орасида ўтказди. Диний ҳақиқатларни одамларга етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

3. Динга хизмат қилувчи (роҳиб, мулла, имом хатиб) - дин билан одамлар ўртасидаги востачи. Унинг асосий вазифаси одамларни диний қоидаларга амал қилган ҳолда ибодатни амалга оширишга ўргатишдан иборат. У махсус диний тайёргарликка эга инсон ва маълум диний ташкилотда ишлайди. У диний анъаналарни ўзида сақлайдиган кишидир. Ўзини диндорларнинг руҳоний устози ва маслаҳатчиси сифатида кўради. Шунингдек, диний ташкилотнинг раҳбари ҳисобланади.

4. Ислоҳотчи – у ёки бу диний анъаналар доирасида бўлган шахс ҳисобланиб, ўзининг шахсий диний тажрибасига мос ҳолда бу анъанани ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бундай ўзгартириш ахлоқий, интеллектуал, диний характерга эга бўлиши мумкин. Ўзгаришлар албатта ислоҳотчининг характерига ва давр талабларига мос ҳолда амалга оширилади. Ислоҳотчи фаол шахс бўлиб, қатъий ҳаракатларга қодир, ислоҳотларни амалда қилишда фаолдир.

5. Монах (роҳиб, зоҳид) – маълум бир фирқага, тариқатга эга бўлган киши бўлиб, у динининг талабларидан келиб чиққан ҳолда дунёдан узилган, анъанавий-диний турмуш тарзини бошидан кечирадиган ва юксак ахлоқий ҳамда урф-одатлар талабларига бўйсинадиган тоифадир. Талаблар ҳар хил бўлиши мумкин. Талабларнинг ичида асосийси – қатъий зуҳд (аскетизм) ва ўзини ўзи назорат. Бундайларнинг аксарияти маълум ҳудудларда динни тарғиб қилиш билан шуғилланади.

6. Монах - девона – одамлар орасидан узоқда, узлатда яшашни ихтиёр қилган, у ерда қалбни турли туман дунёвий ғаразлардан тозалаш учун тажрибасини оширишга ҳаракат қиладиган кишидир. Узлатда бўлиш муддати ҳар хил кишиларда ҳар хил бўлади. Буларга, масалан, айрим тасаввуф аҳли кириши мумкин.

7. Авлиё – диний жамоа кўз олдида у ёки бу шаклда комил инсонлар. Улар жаннат ёки дўзах учун эмас, балки Аллоҳнинг

розилиги йўлида ҳаракат қиладиган кишилар. Уларнинг вазифаси Аллоҳга бетаъма ибодат қилиш йўлларини халққа ўргатишдан иборат.

8. Теолог – интеллектуал-назариётчи типи бўлиб, улар маълум диний жамоанинг эътиқодини концептуал-рационал шаклда халққа етказиш билан машғул бўлишади. Ўзларининг диний тажрибаларига асосланиб, диний анъаналарни тушунтириб берадилар. Теолог - биринчи навбатда диний тажрибанинг шарҳловчисидир.

9. Диннинг асосчиси – ўзининг қамрови бўйича диний фаолларнинг барча типларидан ошиб тушади. Унинг диний тажрибаси шунчалик улканки, бутун инсониятга таъсирини кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Диндор шахс тузилмаси ҳақида тушунча беринг.
2. Шахсдаги диндорлик даражасини ўлчаш бўйича Чарлз Глок қандай тадқиқотлар ўтказган ва қандай натижаларни қўлга киритган?
3. Буддизмда шахсларнинг структураси қандай тушунтирилади?
4. Христианликда шахсларнинг структураси қандай тушунтирилади?
5. Исломда шахсларнинг структураси қандай тушунтирилади?
6. Инсоннинг динийлиги тараққиёти қандай босқичларни бошидан кечиради?
7. Диндорлик таҳлилининг маълум назарий тамойилларига кўра қандай гуруҳлар фарқланади?
8. Диний арбобларнинг қандай психологик типларини ажратиш кўрсатиш мумкин?

2.8. Ижтимоий муҳит, диний анъаналар ва комил инсоннинг шаклланиши.

2. *Ижтимоий муҳит ва баркамол авлод.* Баркамол авлодни тарбиялаш мамлакатимиз раҳбарияти томонидан таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалалари билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни умуминсоний, миллий ва диний қадриятларимиз руҳида тарбиялаш давримизнинг долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолди.

Баркамол авлодни вояга етказишда ёшларимиз маънавий оламини турли-туман кераксиз, ботил ғоялардан, зарарли одатлардан тозалаш масаласи кўндаланг туради. Мустақиллигимиз шарофати билан миллий истиқлол ғояси ишлаб чиқилди ва унда ёшларимиз маънавияти учун зарарли ҳамда фойдали ғоялар аниқ қилиб ажратиб кўрсатилди. Демак, гап зарарли ғоялардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ва керакли ғояларни уларнинг онгига сингдириш устида кетар экан.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужас-сам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала”.⁹⁶ Худди шу мураккаб масала асрлар давомида уламоларимиз ва фузалоларимиз томони-дан ўрганиб келинмоқда. Инсонга “ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушуниш” комил инсонни дунёга келтириш ғояси билан чамбарчас боғланиб кетган.

Биз қуйида шу йўналишдаги муҳим бир муаммога тўхталиб ўтамиз. Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш ғояси билан комил инсонни дунёга келтириш ғояси бир-бири билан узвий муштарак ғоялар ҳисобланади. Аниқроқ қилиб айтганда, минглаб йиллар давомида кўҳна Шарқимизнинг кўплаб мутафаккир олимлари, фозиллари ва авлиёлари томонидан комил инсонни тарбиялаб етиштириш масаласи мукамал ишлаб чиқилган. Мазкур ғояни

⁹⁶ И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. 176-бет.

баркамол авлодни тарбиялашда қўллаш, бошқача айтганда, уларни бир-бирига сингдириш масаласи бугунги куннинг амалга оширилиши зарур бўлган ишларидан бири ҳисобланади. Биз қуйида ушбу масала юзасидан баъзи фикрларимизни билдираемиз.

3. *Комил инсон ҳақида*. Даставвал, таъкидлаб ўтишимиз жоизки, таниқли олимимиз Нажмиддин Комилов ўзининг “Тасаввуф” деб аталган асарининг 1-китобида комил инсон ҳақида тасаввуф аҳли томонидан баён этилган фикрларни жамлаб, комил инсонга тааллуқли хусусиятларни келтириб ўтади. Муаллиф буюк мутасаввифларимиз томонидан “комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилганлиги” ҳақида фикр юритиб, унда инсонни камолотга етказишнинг аниқ, конкрет йўллари, механизмлари кўрсатиб берилганлиги ҳақида ёзади.⁹⁷

Фалсафа фанлари доктори М. Нуритдинов комил инсон ҳақида шундай ёзади: “Сўфийларнинг фикрича, фақат комил инсонгина ҳақиқатни тушу-ниши мумкин. Комил инсон даражасига етишиш шартларидан бири эҳсон мартабасига кўтарилишдир. Эҳсон араб тилидаги “аҳсана” сўзидан ясалган бўлиб, яхши, Аллоҳга маъқул келадиган, Аллоҳ буюрган амалларнигина адо этишни англатади”.⁹⁸ Бу ўринда комил инсон ғояси эҳсон тушунчаси билан боғлаб тушунтирилмоқда.

Усмон Турар ўзининг “Тасаввуф тарихи” асарида комил инсон ҳақида қуйидагича ёзади: “Инсон дунёда қилган ибодати, зикри ва ҳоказо солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсиридан ва ҳасадидан қутқариб, бу қобилиятини юзага чиқаради. Бу иш сайру сулукнинг мартабаларини босиб ўтиш орқали амалга ошади. Инсон руҳидаги бу маънавий сафарга тасаввуф таълимотида “сайри уружий” дейилади. Бу сафарни тугатиб, “вусул” мақомига эришган киши илоҳий ўзлигига қовушиб, Ҳақнинг барча исм ва сифатлари зоҳир бўлган бир ойна ҳолига келади. Шу кишига “инсони комил” дейилади”.⁹⁹

Ёки яна бир ўринда муаллиф шундай деб ёзади: “Инсоннинг вазифаси – дунёга келгунга қадар етти парда билан тўсилган руҳини, нафснинг етти мартабасининг ҳар биридан ўтиш орқали бу

⁹⁷ Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. 272-бет.

⁹⁸ Имом Абу Абдурраҳмон ас-Сулами. Табақоти Суфийя. – Т.: “Фан” нашриёти, 2004. 8-бет.

⁹⁹ Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиклол”, 1999. 132-бет.

пардалардан тозалаб, “комил инсон” бўлишга интилишидир”.¹⁰⁰ Инсон барча яратилган махлуқотлар сингари икки ёқлама тузилишга эга.

Бошқача айтганда, у нафс ва руҳдан (баъзи ўринларда вужуд ва қалбдан) ташкил топган. Бу иккита унсур инсонни икки томонга ундайди. Нафс томонни танлаган инсон тубанлик гирдобига йиқилади, руҳ томонни танлаган инсон эса саодат осмонига кўтарилади.

Баъзиларнинг фикрича, энг яхшиси – улар ўртасида мувозанатнинг бўлгани. Масалан, Румий учун вужуд – руҳ отлиғ чавандозни мақсад манзилига етказувчи отдир. Демак, от ҳам, чавандоз ҳам қувватли бўлмоғи зарур. Бунинг учун уларнинг иккаласини ҳам тўйинтирмоқ лозим бўлади. Бироқ масаланинг нозик жойи шундаки, отнинг озуқаси чавандозга озуқалик қилмагай. Дарҳақиқат, пичан одамнинг озуқаси эмас. Хулоса шундан иборатки, руҳ ва тананинг қуввати имонни ҳам кучайтиради.

Инсон камолотини белгилаб берувчи муҳим мезонлардан бири сифатида сўз билан амалнинг бирлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Қуйидаги фикрларимиз ҳам айнан шу масалага, яъни инсон комиллигининг белгиларидан бири ҳисобланган билимларимиз билан фаолиятимизнинг яқраг бўлиши зарурлиги ва унга етишишнинг йўл-йўриқлари ҳақида бўлади.

Тасаввуф аҳли нуқтаи назари бўйича сўз билан амалнинг бирлиги масаласи бевосита имон тушунчаси билан боғлиқ. “Имон, – деб ёзади Имом Ғаззолий, – Пайғамбар зикр этмиш ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, жон-тан ила унга амал қилмоқдан иборат”. Бошқача айтганда, айтадиган сўзинг билан қиладиган ишинг ўртасида тафовут бўлмаслиги зарур. Бундай тафовутнинг бўлиши, уларнинг айролиги иккиюзламачилик ва риёкорлик деб аталадиган маънавий касалликларни келтириб чиқаради. Иккиюзламачилик, риёкорлик инсоннинг руҳий-маънавий таназзулини белгилаб берувчи иллат ҳисобланади. Аксинча, имонлилик, сўз билан ишнинг муштараклиги инсонни камолотга етакловчи муҳим омилдир.

4. Тил билан дил муштараклиги. Тил билан дил муштараклиги масаласи психологиядаги ўзини ўзи англаш масаласи билан, аниқроқ қилиб айтганда, инсон қалбидаги иккита “мен” нинг, яъни нафсоний ва

¹⁰⁰ Ўша асар, 124-бет.

руҳоний “мен”ларнинг ўзаро муносабатлари масаласи билан чамбарчас боғланиб кетади.

Келинг, дилдан тилгача бўлган йўлни кузатайлик. Дилдан тилга чиқиб кетаётган ҳар қандай маъно, авваламбор, имон призмаси орқали ўтади. Имон нима? Бу саволга Румий ҳазратлари шундай деб жавоб беради: “Имон тўғри билан хатони, нақд билан нақлни фарқлаб оладиган тамиздир”. Бошқача айтганда, имон инсоннинг фарқлаш хусусияти ҳисобланади. Инсон нимани фарқлаши керак бўлади? Шу ўринда азвожнинг, яъни оламнинг жуфт-жуфт яратилишининг яна битта сири маълум бўлади. Маълумки, олам бир-бирига қарама-қарши бўлган зидлардан ташкил топган. Масалан, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ, дин ва куфр, ширин ва аччиқ, нур ва зулмат ва ҳоказо. Имоннинг биринчи вазифаси уларни фарқлашдан иборат бўлса, иккинчи вазифаси эса, улардан афзалини танлашдир. Демак, имоннинг фарқлаш қувватига боғлиқ ҳолда ва иккиликдан афзалини танлаш баробарида ёки имоннинг йўқлигига қараб инсоннинг дилидаги тилига чиқади.

Шу ўринда Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарийнинг мукаммал имонли киши ҳақидаги сўзини келтириб ўтишни лозим топдик: “Имони комил мўмин улдирки, пулу давлатдан юз ўгирсин, рангин либослар ва нозу неъматлар уни ўзига мафтун этмасин, катта нафс гадосига айланмасин! Ва у-буларнинг барчасига зулм этиб, ҳақорат назари билан қарасин! Унинг нафси саркашлик ва хурсандлик этмасин, рўзғор ташвишларидан малул (ғамгин) бўлмасин. Ва яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам унинг учун баробар моҳият касб этсин”.¹⁰¹

Таъкидлаш жоизки, масала биз ўйлагандан мураккаброқдир. Дил билан тил муштараклиги ҳар доим ҳам ижобий бўлавермайди. Масалан, қора дил қоралигининг ошқоралигини ҳам дил билан тил муштараклиги, деб баҳолаш мумкин. Аммо бу ҳолат инсонни ва жамиятни таназзулга олиб боровчи жиҳат ҳисобланади. Демак, масаланинг ечими фақатгина дил ва тил муштараклигида эмас, балки **қанақанги** дил билан тил бирлигида ётади. Шу нуқтаи назардан дилни поклаш йўлигина нажот йўли ҳисобланади. Бу ҳақда Хожа Ориф ар-Ревгарий шундай ёзади: “Пок ва пок эътиқодли бўл! Зероки, қора юрак, чиркин кўнгил бутун аъзои баданни палид (ҳаром) қилгай! Ахир, Аллоҳнинг бизни қабул этиши ё этмаслиги айна шу кўнгил туфайли-

¹⁰¹ Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. – Т.: “Наврўз”, 1994. 16-бет.

ку!”¹⁰² Шундай қилиб, биз энг муҳим масалага етиб келдик. Дил билан тил муштараклиги дилнинг поклиги ҳолатида амалга оширилсагина мақсадга мувофиқ бўлар экан. Тасаввуф аҳли асосий эътиборни дилни поклаш масаласига қаратади. Дил, уларнинг фикрича, Аллоҳнинг назари тушадиган макон ҳисобланади. Оддий одамлар уйга меҳмон келишини билиб, уни тозалаб, йиғиб-йиғиштириб қўйишга, уйни уларга пок кўрсатишга уринамиз-у, наҳотки, Аллоҳнинг назари тушадиган маконимизни поклаб қўймаймиз!

Дилни ёритувчи чироқ илм ҳисобланади. Илм ёрдамида қалб уйи ёруғ бўлади ва ундаги кир-чирлар, чиркин нарсалар кўзга ташланади. Натижада, инсон ўз нуқсонларини кўра боради ва уларни тузатишга ҳаракат қилади. Соф илмнинг ўзи пок дилли, яъни имонли бўлиш учун камлик қилади. Илм дин билан, яъни илоҳий қонун-қоидалар билан тўйинтирилган бўлсагина, фойдали илмга айланади. Юқорида айтганимиз зидлардан бирини танлашимизда ҳам илмлилик ва динлилик улардан афзалини танлашга ёрдам беради. Демак, дилнинг пок бўлиши учун ҳам илм, ҳам дин зарур бўлади. Фақат шундагина дилдан тилгача бўлган йўлда тўсиқлар бўлмайди, дилдаги нарса тилга чиқади.

Шундай қилиб, инсон комиллигининг муҳим шартларидан бири – тил билан дил муштараклигининг омилларини кўриб чиқдик. Мақсадимиз баркамол авлод ғоясининг тасаввуф аҳли томонидан ишлаб чиқилган комил инсон ғояси билан тўйинтириш зарурлигини баён этиш эди.

Шу ўринда улкан олим А. Эйнштейннинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади. У шундай деган эди: “Эҳтимол, ҳозирги авлод ва бутун тарихий жараён учун соф интеллектуал ютуқлардан кўра машҳур шахснинг ахлоқий фазилатлари беҳад катта аҳамиятга эгадир”. Балки у “машҳур шахснинг ахлоқий фазилатлари” деганда айнан бизда яшаб ўтган улуғларимизни назарда тутмагандир. Бироқ шу нарса аниқки, комил инсон мақомига кўтарилган азиз-авлиёларимиз ўзларининг гўзал ахлоқий фазилатлари билан бугунги кунда ҳам ёш авлод йўлларини ёритиб турибди.

¹⁰² Ўша асар, 17-бет.

Назорат саволлари:

1. Баркамол авлод тушунчаси қандай маънони англатади?
2. Комил инсонга олимлар қандай таъриф беришганлар?
3. Руҳ билан нафс ўртасидаги мувозанатни қандай сақлаш мумкин?
4. Тил билан дил муштараклиги масаласи комил инсон нуқтаи назаридан қандай тушунтирилади?
5. Дил билан тил муштараклигида дилнинг поклиги ҳолати қандай тушунтирилади?
6. Тил билан дил муштараклигида илмнинг қандай ўрни бор?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1992. – 495-б.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. – 173-б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 485-б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Абдулқодир Абдур Раҳим. Эътиқод дурдоналари. Масъул муҳаррир / Жалолиддин Ҳамроқулов. – Т.: “Sharq”, 2016. – 480 б.
6. Абдурахманов Ф.Р., Абдурахманова З.Э. Дин психологияси. – Т.: ЎзМУ, 2011. –79 б.
7. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. (Таҳрир ҳайъати: А. Рустам ва бошқ. Форсийдан тарж. Сўзбоши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум ўғли) – Т.: “Ёзувчи”, 1993. – 208-б.
8. Алиев Г.Ю. Персоязычная литература Индии. – М.: Наука, 1968. - С.57.
9. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т.1. – М.: Педагогика, 1980. – 232 с.
10. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – 416 с.
11. Ашрафян К.А. История и культура. – М.: Наука, 1987.
12. Аҳмад Зёуддин Ал-Кумушхонавий. Жомий ул-мутун. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2000. - 313 б.

13. Бачинин В.А. Психология. Энциклопедический словарь. – СПб: Из-во Михайлова В.А., 2005. – 272 с.
14. Большой психологический словарь. - СПб. Прайн - ЕВРОЗНАК, 2004. - 672 с.
15. Васильев Л.С. История религии востока. – М.: 2000. - С.64.
16. Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Питер,1999. - С. 270.
17. Геффдинг Г. Философия религии. – М.: с. 104.
18. Годфруа Дж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – 376 с.
19. Гольдцигер И. Ислом ҳақида маърузалар /Тарж.: О.Шарафиддинов. – Т.:”Академия”, 2001. – 46 бет.
20. Демьянов А.И. Религиозность: тенденции и особенности проявления. – Воронеж, 1984, с.104.
21. Джемс У. Прагматизм. СПб. 1910, С.50.
22. Джемс У. Многообразие религиозного опыта. СПб. 1993, С.40.
23. Дин психологияси: ўқув қўлланма. /Б. Валиев ва бошқ. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 312 б.
24. Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: 2000, - 32 б.
25. Икбал Мухаммад. Реконструкция религиозной мысли в исламе. – М.: Восточная литература, 2002. – 200 с.
26. Имом Абу Абдурраҳмон ас-Сулами. Табақоти Суфийя. – Т.: “Фан” нашриёти, 2004. 8-бет.
27. Исломшунослик қомусий луғати. – Т. I. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 272 б.
28. Комилов Нажмиддин. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К.1. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. 272-бет.

29. Кон И.С. Психология старшеклассника: Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1980. –192 с.
30. Кривелов И.А. История религий. – М.: Мысль,1976.
31. Лил Вилкоккс. Суфизм и психология. – М.- СПб.: “Диля”, 2005. – С. 254.
32. Мир Валиддин. Коранический суфизм. / Пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2004 –С.224.
33. Насафий А. Зубдат ул ҳақойиқ. – Т.: Камалак, 1995. - Б.35.
34. Николеску Басараб. Наука и традиция. “Две спицы одного колеса”// Курьер. Стр. 25-29.1986. декабрь. 25 б.
35. Пиотровский Б.М. Послесловие. – В кн.: Ирвинг В. Жизнь Мухаммеда. Книга о пророке. – Алма-Ата: Жазуши, 1990. – 285-бет.
36. Платонов К.К. Психология религии. М., 1967. с. 94 б.
37. Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М.: Прогресс, 1986. – 432 с.
38. Пригожин И. Новый союз науки и культуры. // Курьер, июнь, 1988. 9-13 бетлар.
39. Психологическая энциклопедия. 2-е изд. \ Под ред. Р. Корсини, А. Ауэрбаха. – СПб.: Питер, 2005. – 1096 с.
40. Психологические аспекты буддизма. – Новосибирск, Издательство “Наука”, Сибирское отделение, 1986. – 158 с.
41. Реконструкция феномена веры в религиозно-философской концепции Пауля Тиллиха. // Молодежь и наука - третье тысячелетие: Материалы студенческой науч-практ. конф.: В 2 т. - Тула: Изд-во Тул. гос. пед. ун-та им. Л.Н.Толстого, 2006. -284с. С. 254-257 (0,25 п.л.).
- Рубинштейн Л.С. Основы общей психологии. 2-е изд. - М., 1946, с. 499.
42. Романин А.Н. Практическая психология философии и религии: учебное пособие, /А.Н.Романин. – М.:КНОРУС, 2006. - 344 б.

43. Рубинштейн Л.С. Основы общей психологии. 2-е изд. - М., 1946, с. 499.
44. Румий Жалолиддин. Ичиндаги ичиндадир. – Т.:”Янги аср авлоди”, 2003. – 199 б.
45. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. (Масъул муҳаррир: проф. Каримов Б.Р.). – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2017. - 360 бет.
46. Социальная психология. Краткий очерк. Под. общ. Ред. П.Г.Предвечного и Ю.А.Шерковина. - М.: Политиздат. 1985. – С. 299.
47. Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: “Наука” Главная редакция восточной литературы, 1989. - 341 с.
48. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: “Истиқлол”, 1999. 132-бет.
49. Усмонов Иброҳимжон. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг тасаввуфда тутган ўрни. //Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Нодир масалалар” китоби. – Т.: “Маворауннаҳр”, 2007. – 86 бет.
50. Феномен религиозной веры в сфере психологии. // Позиция. Философские проблемы науки и техники. / Сб. статей под ред. С.И. Некрасова и Н.А. Некрасовой. Вып. 4.- Москва-Орёл, Изд-во ОГУ, 2010. - 236с. - С. 104-110 (0,44 пл. / 0,4 пл.) (в соавт.).
51. Фиш Радий. Жалолиддин Румий: тарихий биографик роман. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -282 б.
52. Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен/ Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008. – 704 с.
53. Хисматулин А.А. Суфизм. – СПб.: “Азбука-классика”; Петербургское Востоковедение, 2003 –С.224.
54. Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий. Орифнома. – Т.: “Наврўз”, 1994. 16-бет.

55. Хожа Юсуф Ҳомадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт) – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. – 63 бет.
56. Шиммел Аннамарие. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси. –Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа концерни, 1999. – 173 б.
57. Шкуренко А.Д. Общая и медицинская психология. - Ростов-на-Дону. 2002. - С.256.
58. Ўзбекистонда дин психологиясининг илмий-назарий ва амалий масалалари. Илмий тўплам. – Тошкент, 2019. 308 бет.
59. Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат: (Рух ҳақиқати). –Т.: “Адолат”, 2005. - 412 б.
60. Glock Ch. Y. On the Study of Religious Commitment // Religious Education, Research Supplement. 1962. Vol. 42.
61. Linugt M. Sufism – religion in the middle east.-Combridge.1996.- P.64.
62. Gokul Ch. Real Hinduism. - New Delhi:.1999. - P.89.
63. Yongey Mingnyuar Rinpoche. The Budda, the Brain, and the Science of Happiness: A Practival Guide for Transforming Your Life. New Yourk: Harmony Books, 2007.
64. Iran J Psychiatry. 2012. Spring; 7(2): 82–86.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I- БОБ. ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИ ТАДҚИҚОТ СОҲАСИ СИФАТИДА ВА УНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Дин психологиясининг предмети, вазифалари ва методлари.....

Дин психологияси ва диний гуруҳлар психологияси.....

Дин психологиясининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи...

II-БОБ. “ДИННИНГ ПСИХОЛОГИК ТИЗИМИ”

Эътиқоднинг психологик хусусиятлари ва унинг ривожланиши...

Психология эволюцияси ва диний эътиқод.....

Диний эътиқод ва билиш жараёнлари.....

Диний фанатизм ва унинг психологик хусусиятлари.....

Диний покланиш (катарсис) ва унинг эмоционал ҳолатлар билан
боғлиқлиги.....

Диний эътиқод ва медитация.....

Замонавий дунёда диндорлик ривожланишининг асосий
тенденциялари.....

Ижтимоий муҳит, диний анъаналар ва комил инсоннинг
шаклланиши.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....